

745

А. КОХИДИ

Туханишининг
„Зарва мисал“
асуфи

шк 5891/с

ашк 1074/с

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ф. ИСҲОҚОВ

ГУЛХАНИЙНИНГ
„ЗАРБУЛ МАСАЛ“
АСАРИ

Масъул муҳаррир

ЎзССР ФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори,
профессор *Ф. А. АБДУРАҲМОНОВ*

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1976

МУНДАРИЖА

Суз боши ўрнида	3
Ишда қабул қилинган шартли қисқартмалар	5
Гулхани ва унинг «Зарбул масал» асарини	6
Грамматик очерк	41
Морфология	41
От	41
Сифат	46
Сон	48
Олмош	49
Феъл	53
Раъиш	65
Қумакчилар	67
Боғдовчилар	69
Юкломалар	71
Ундовлар	71
Синтаксис	72
Зарбул масал (илмий-танқидий текст)	85

На узбекском языке

Фатхиддин Исхаков

«Зарбул масал» поэта Гулхани

*Андижон Давлат педагогика институтининг илмий совети томонидан
нашрга тасдиқланган*

Ўзбекистон Ш. Нуриддин, К. Ўзбекинов
Рисом И. Халилова
Техмуҳаррир А. Шепельков
Корректор М. Асадуллаева

Теритига берилди 27/VII-76 й. Боснига ружсат этилди 21/X-76 й. Формат 70×103^{1/2}.
Ўзбекистон Республикаси 141-Сонида № 721-а. Ўзбекистон Ш. Нуриддин ва К. Ўзбекинов.
Андижон 1976 й.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмаxonаси, Тошкент, М. Горький проспекти 79. Заҳиз 228.
Нашрият кўрмас: Тошкент, Ганжал кўчаси, 35.

СУЗ БОШИ ЎРНИДА

Муҳаммад Шариф Гулханийнинг номи китобхонлар, китоб шинавандалари орасида аввалдан маълум ва машҳурдир.

Гулханий адиб сифатида ўзбек адабиёти ва тили тарихидагина эмас, маданиятимиз тарихида, ижтимоий фикрлар тараққиётида ҳам сезиларли из қолдирган санъаткорлардандир.

Гулханийдан бизга «Зарбул масал» номли асар мерос бўлиб қолган. Ҳажми унча катта бўлмаган бу асар ўзбек прозасининг XIX аср бошларига мансуб камёб намунаси эканлиги ва халқ донишмандлигининг маҳсули — мақол ва ҳикматларнинг воқеъбанд бир тўплами бўлганлиги жиҳатидан қимматлидир. Бироқ асарнинг қиммати шу билангина чегараланмайди.

«Зарбул масал» — тузилиши бўйича ҳам, таркиби ва мазмуни бўйича ҳам, тили, услуби ва бадий хусусиятлари бўйича ҳам тамомила ўзига хос, оригинал ва ўқимшли бир ёдгорликдир. Асарда бевосита халқ турмуши, урф-одатлари туғрисида гап боради ва, шунга боғлиқ ҳолда, даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳам намоён қилинадик, бу ҳол «Зарбул масал»га муҳим тарихий манба сифатида қараш лозимлигини кўрсатади.

Ўзбек адабиёти тарихига онд тадқиқотлар орасида Гулханий меросини, айниқса, унинг «Зарбул масал»нинг ўрганишга бағишланган ишлар анчагина бор. Бироқ бу асар тил тарихи нуқтаи назаридан алоҳида ўрганилган эмас. «Зарбул масал»нинг бирор ишончли илмий-танқидий тексти яратилмагани ҳам бунинг асосий сабабларидандир.

«Зарбул масал»нинг алоҳида нашри ва хрестоматияларга киритилган текстлари унинг маълум босма нусхаларидан олинган бўлиб, мазкур асар ҳақидаги тадқиқотлар учун ҳам ана шу текстлар асос қилиб олинган эди. Эндиликда эса «Зарбул масал»нинг бир неча эски қўлёзма нусхалари борлиги маълум бўлди ва уларни ўзаро қиёсий ва танқидий тарзда ўрганиш имконияти вужудга келди.

Текстология ишнинг заҳматкашлари одатда проза асарларининг илмий-танқидий текстини яратиш анча қийин ва масъулиятли вазифа эканини қайд этадилар. «Зарбул масал» текстини тузиш тажрибасида янада кўпроқ қийинчиликлар ва машаққатларга дуч келинганини айтмасдан ўтиб бўлмайди.

Гап шундаки, Гулханийнинг «Зарбул масал»и яқин бир ярим аср мобайнида қўлдан-қўлга ўтиб севиб ўқилган, қизик ҳажвий, ҳаётий мазмуни тўғрисида халқ орасида зарбул масалга айлланиб

кетган асардир. Бундай халқчил асарнинг турли хаттотлар томонидан кучирилгани, кучирувчилар эса унга, маълум сабаб ва мақсадларда ҳар хил ўзгартишлар, қўшимчалар киритгани табиийдир. Адибнинг ўз дастхатига мансуб нусха бўлмагани ҳолда, Гулханийдан кейин кучирилган ва бири биридан фарқ қиладиган қўлёзмалар буйича «Зарбул масал»нинг асл ҳолатини тасаввур қилиш ва уни тиклашга уриниш, бу — ҳақиқатан ҳам мураккаб бир вазифадир. Совет шарқшунослари, айниқса, текстологлари-нинг тажриба ҳамда назарий хулосаларига асосланиш, шу билан бирга, асарнинг «халқчил табиати»ни ҳисобга олиб иш куриш на-тижасидагина бу оғир вазифани ҳал қилиш мумкин бўлди.

Танқидий текстини тузишда юз берган ва юқориде кайд этил-ган ҳолатдан келиб чиқувчи яна бир мушкулот—нусхалар ораси-даги тафовутларни текстининг илмий аппарат қисмига жойлашти-риш масаласи эди.

Нусхалар орасидаги тафовутлар ҳаддан ташқари кўп ва хил-ма-хил. 2300 га яқин уринда фақат маънога — сўз қўллашга, жум-ла тузилиши, айрим мақол ёки қисмларнинг қай тарзда ишлати-лишига оид 3500 дан зиёдроқ фарқ бор. Илмий аппаратда улар-нинг ҳаммасини қайд эта бориш, аниққи, текстининг ўқилишини қийинлаштириб қўйиши мумкин. Бироқ биз бу фарқларни илмий аппаратга қисқартириб олиш йўлини тутмадик. Асарнинг қўлёз-малари тарихини, демакки, «Зарбул масал»нинг котиблар қўли-даги «эволюцияси»ни намоён қилиш мақсадида ва асар устида ўтказиладиган келгуси тадқиқотларга нафи тегсин маъносиде нус-халар орасидаги ҳамма ва ҳар қандай фарқларни илмий аппарат-да тулик кўрсатиб боришни лозим топдик ва бунда аппаратнинг ортиқча мураккаб тус олишидан чўчимадик. Китобчада дастлаб жамоатчиликка «Зарбул масал» текстини тақдим қилиш мақсади кўзда тутилгани сабабли, унда асар тилининг қисқа, умумий грам-матик очеркини бериш билангина чекландик.

Китоб Гулханий адабий меросини текстологик асосда урганиш йўлидаги дастлабки уринишлар маҳсулидир.

Эътиборимизни шу ишга жалб этгани ва унинг боришидаги қимматли маслаҳатлари учун ЎзССР ФА мухбир аъзоси, проф. Ғ. А. Абдурахмоновга, фойдали маслаҳат ва ёрдамлари учун ЎзССР ФА мухбир аъзоси, проф. И. О. Султоновга, проф. С. И. Иброҳимовга филология фанлари кандидати Е. Исҳоқов, С. Ганиева, Ш. Шукуровга, тарих фанлари кандидати А. Жувои-мардиевга, Ғафур Ғуллом номидаги Қўқон адабиёт музейи илмий ходимларига, Андижон Давлат педагогика институтининг ходими Имомиддин Қосимов (Улфат)га, андижонлик пенсионер Журахон Юсуфийга чуқур самимий миннатдорчилик билдирамыз.

Ғатҳиддин ИСҲОКОВ

ИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР:

- А — «Зарбул масад»нинг Бобир пойидаги Андижон область кутубхонасида сақланувчи қўлёзма нусхаси.
- БК1 — Асарнинг Буюк Қаримий ҳулида булган 1-қўлёзма.
- БК2 — Асарнинг Буюк Қаримий ҳулида булган 2-қўлёзма нусхаси.
- Л — Литография [Асарнинг босма нусхаси].
- ХЕ — Асарнинг Хомид Еқубов томонидан нашр қилинган тексти.
- Қ1 — Асарнинг Қўқон адабиёт музейида сақланувчи 1-қўлёзма нусхаси (1068-инв.)
- Қ2 — Асарнинг Қўқон адабиёт музейида сақланувчи 2-қўлёзма нусхаси (1052-инв.)
- Қ3 — Асарнинг Қўқон адабиёт музейида сақланувчи 3-қўлёзма нусхаси (1024-инв.)

ГУЛХАНИЙ ВА УНИНГ «ЗАРБУЛ МАСАЛ» АСАРИ

ГУЛХАНИЙ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРУВЧИ МАНБАЛАР

Гулханий ҳақида маълумот берувчи тазкира ва адибнинг газаллари урин олган баёз, мажмуалар анчагина бор, лекин улар ҳамон шоирнинг ҳаёт йули, унинг адабий фаолиятини батафсил ёритиб берарли даражада эмас.

Гулханий ҳақида гап борганда, XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган бошқа шоирлар сингари, асосан, «Мажмуаи шоирон»да келтирилган далилларга таяниб фикр юритилади. Фазлий Намангоний томонидан тузилган бу тазкира¹ Гулханийнинг ҳаёти ва ижоди юзасидан қисқа бўлса-да, ишонарли маълумотлар берувчи биринчи манбадир. Қори Раҳматулло Возеҳнинг ундан кейинроқ Бухорода туриб ёзган «Тухфатул аҳбоб фи тазкиратул асҳоб»² китобида ҳам Гулханий ҳақида умумий маълумот берилган. Гулханий шахсига оид эсдаликлар яна шоира Дилшод Барно меросида учрайди. «Тарихи муҳожирон» рисоласи³нинг бир ўрнида шоира ҳаммом гулаҳида мажлис қурувчи ринд шоирлар тўғрисида суз юритиб Гулханийни ҳам тилга олади ва унинг «Зарбул масал»и билан танишганини эслаб ўтади. Гулханийнинг биографиясига оид айрим тахмин ва тасаввурларнинг тўғрилигини белгилашда унга замондош булган шоиранинг бу айтганлари муҳим янгиликдир.

«Зарбул масал»да адибнинг ўзи ҳақидаги баъзи маълумотларга дуч келамиз. Асарнинг кириш қисмида адиб китобнинг ёзилиш тарихи ҳақида суз юритар экан, хон саройидаги дабдабали йиғинлар, «базми жамшид»лар ҳақида тавсифлар беради ва унинг иштирокчилари булган шуаро орасида узини фил қошидаги чумолидек ҳис қилганини қайд этади.

Гулханий ҳақида хабар берувчи муҳим адабиётлар жумласига ЎзССР да хизмат кўрсатган ўқитувчи, марҳум П. Қаюмовнинг

¹ Фазлий тазкирасининг ЎзССР ФА ШИ фондида бир неча қўлезмалари жумласидан биз 1236/1821 йилда кўчирилган 7510 инвентар номерли қўлёзмани асос қилиб олдик. Асар номининг аввалгича «Мажмуатуш шуаро» эмас, «Мажмуаи шоирон» экани филология фанлари доктори А. Қаюмов томонидан қурсатиб утилган. Бу ҳақда қаранг: А. Қаюмов, Қўқон адабий муҳити (XVIII—XIX асрлар), Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961, 11-бет.

² Қори Раҳматулло Возеҳнинг мазкур тазкираси 1914 йилда Тошкентда литография нули билан босилган. Бу ўрнида ва кейинги саҳифаларда асарнинг шу босма нусхаси буйича фикр юритамиз.

³ Дилшод Барно, Сабатул башар маа тарихи муҳожирон, Қўлёзма, ЎзССР ФА ШИ, инв. № 120761.

«Қўқон тарихи ва адабиёти» номли қўлёзма дафтарини ҳам қўйиш мумкин. Тазкира-дафтар Қўқон шоирлари, жумладан, Гулханий биографиясига оид тарихий справкалар сифатида аҳамиятлидир.

ГУЛХАНИЙ АДАБИЙ МЕРОСИНING УРГАНИЛИШИ

Гулханийнинг қизиқарли адабий мероси XIX асрнинг охирида-ёқ шарқшунослар эътиборини ўзига қаратди. Н. П. Остроумов «Зарбул масал» билан танишиб, уни литографик нашрга тайёрлади ва 1890 йилда Қозон университети босмахонасида биринчи марта чоп эттирди. «Зарбул масал»нинг «Қозон босмаси» деб аталган бу наشري асарнинг шундан кейинги ҳамма нашрлари учун манба ва намуна бўлиб хизмат қилди. Уша йиллари асар рус тилига таржима қилина бошлади. Айдаров, А. Н. Вишнегорскийлар бу ишни охирига етказдилар ва таржима 1895 йилда Н. П. Остроумовнинг этнографик материаллари қаторида «Сова, Сыч и Филин (Япалоққуш, кўркуш ва бойўғли)» номи билан босмадан чиқарилди⁴. Бироқ асарнинг маълум варианты асосида рус тилига қилинган таржимаси кейин қайта нашр қилинмади, унинг намунаси уша тўплам ичида архивда қолиб кетди⁵.

Октябрь революциясидан кейинги даврда Гулханий адабий меросидан намуналар дастлаб Садриддин Айний томонидан тузилган «Намунаи адабиёти тожик» хрестоматияси (1926)да босилди. Ҳозирги ўзбек ёзувида эса адиб асарларидан О. Шарафуддинов тузган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» (1945)да бирмунча кенроқ намуналар берилди. Хрестоматияда Гулханий ва унинг адабий мероси ҳақидаги маълумотлардан кейин «Зарбул масал»нинг тексти келтирилган. Бироқ текст, биринчидан, қисқа, (унда, масалан, Маймун билан Нажжор ҳақидаги қисса йўқ), иккинчидан, кўлгина персонажларнинг номлари ҳозиргидан бошқача — янглиш бир шаклда ёзилган (чунончи, *куланг* — *каланг*, *бийно* — *бенаво*, *нобийно* — *нобено*, *Қуйканак* — *куйгунг* ва бошқалар)⁷. Гулханий ҳақидаги маълумотлар «Ўзбек поэзиясининг антологияси»да ҳам бор. Аммо унда адибнинг «Зарбул масал»га бошқа манбалардан олинган пандиома, шеърини парчалари ҳам Гулханий ижодининг намунаси қилиб кўрсатиладики, бу — англашилмовчиликдир⁸.

1951 йилда Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўтказилиши муносабати билан ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти «Ўзбек адабиёти классиклари» серияси билан Гулханийнинг «Зарбул масал»ини

⁴ П. Қайюмов, Қўқон тарихи ва адабиёти, Қўлёзма, ЎзССР ФА ШИ. инв. № 10041.

⁵ Н. П. Остроумов, Сова, Сыч и Филин. Сарты (этнографические материалы). вып. 3, 1895.

⁶ Г. Гафурова, Развитие перевода в Узбекистане, Ташкент, Изд-во «Фан», 1973, стр. 123—125.

⁷ «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», II том, XV—XIX асрлар, Тузувчи О. Шарафуддинов, Тошкент, Ўздавнашр, 1945, 206—216-бетлар.

⁸ «Ўзбек поэзиясининг антологияси», Тошкент, 1948, 177—178-бетлар.

алоҳида китобча ҳолида нашр этди⁹. Худди шу йили асар М. Салъе таржимаси ва кириш сўзи билан рус тилида ҳам чоп этилди¹⁰.

Гулханийнинг адабий мероси «Зарбул масал» ва ғазаллар» номи билан 1958, 1960 йилларда икки марта нашр этилди¹¹ ва шу асосда у ўзбек адабиёти хрестоматиясига киритилди¹².

Гулханийнинг ҳаёти ва ижоди билан таништирувчи дастлабки махсус илмий ишлардан Фитратнинг 1938 йилда «Машъала» журналида босилган «Зарбул масал» номли мақоласини қайд этиш мумкин.

Улуғ Ватан уруши йилларида ва ундан кейин ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими Буюк Қаримийнинг Гулханий меросини қидиришга киришгани ва «Зарбул масал»нинг илмий-танқидий текстини яратишга урингани маълум. Буюк Қаримий «Зарбул масал»нинг ўша вақтда унга аён бўлган икки қўлёзмаси ва тўрт босма нусхасига таяниб бундай текстни тузиб чиққан ва унга сўз боши ёзиб нашрга тайёрлаган. Бироқ асар ноаниқ сабаблар билан босилмай қолиб кетган эди.

Гулханий ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар СамДУ доценти Р. Р. Муқимовнинг «Гулханийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти» номли кандидатлик диссертациясида¹³ умумлаштирилди. Диссертацияда «Зарбул масал»нинг таҳлили учун асарнинг Буюк Қаримий тузган танқидий тексти қўлёзмаси асос қилиб олинган¹⁴.

Гулханий ижодини илмий жиҳатдан баҳолашда Гулханий асарлари нашрига Ҳ. Ёқубов томонидан ёзилган катта ва мазмундор кириш сўз муҳим ҳисса бўлди. Аммо асарнинг Ҳ. Ёқубов томонидан тайёрланган нашрларида Буюк Қаримий текстига олинган ва Р. Р. Муқимов диссертациясида акс этган қўлёзмалар ва айрим босма нусхалар ҳисобга олинмаган, нашрларнинг қандай манба (нусха) асосида тайёрлангани айтилмаган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги В. Зоҳидовнинг «Ўзбек адабиёти тарихи»дан¹⁵ асарини XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларидаги адабий муҳитга, шунингдек, Гулханий ижодини тадқиқ қилишга бағишланган мақолалар бор. Мақола-

⁹ Гулханий, Зарбул масал (Япалоққуш ҳикояси), Нашрга тайёрловчи Ҳ. Ёқубов, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1951.

¹⁰ Гулханий. Избранные произведения. Перевод М. Салъе, Ташкент, Изд-во АН ЎзССР, 1951.

¹¹ Гулханий, Зарбул масал ва ғазаллар, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1958; Гулханий, Зарбул масал ва ғазаллар, Иккинчи нашри, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1960.

¹² «Ўзбек адабиёти», Тўрт томлик, III том, Тошкент, 1959, 515—547-бетлар.

¹³ Р. Р. Муқимов, Муҳаммад Шариф Гулханийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти, Канд. дисс., Самарқанд, 1948.

¹⁴ «Зарбул масал»нинг Буюк Қаримий томонидан тузилган танқидий тексти (қўлёзма) ва асарнинг бу текстга асос қилиб олинган икки қўлёзмаси ҳозиргача топилмади. Буюк Қаримий тексти билан биз текст қўлёзмасининг СамДУ доценти Р. Р. Муқимов ҳулида сақланиб қолган фотокопияси орқали танишишга мумкин бўлди. Бу борадаги марҳамати ва ёрдами учун муҳтарам Р. Р. Муқимовга самимий миннатдорчилик билдираимиз.

¹⁵ В. Зоҳидов, Ўзбек адабиёти тарихидан, Тошкент, ЎзССР бадкий адабиёт нашриёти, 1961.

ларда «Зарбул масал»нинг таҳлилига алоҳида ва жуда катта ўрин берилган.

Адибнинг ҳаёти ва ижоди, айниқса, унинг «Зарбул масал» асари ҳақидаги маълумотларни А. Қайюмовнинг «Қўқон адабий муҳити» китобида¹⁶, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги В. А. Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида¹⁷ учратамиз.

А. Қайюмовнинг китобида «Зарбул масал» Қўқон адабий муҳитидаги прозанинг характерли намунаси сифатида алоҳида — Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахабут — таворих» асари билан бир қаторда изоҳ қилинади. В. А. Абдуллаев дарслигининг Гулханий ижодини ёритишга бағишланган бобларида эса «Зарбул масал»нинг таркибий қисмлари ва унинг юзага келишидаги тарихий факторлар таҳлил қилиб берилади.

Гулханий билан Махмур ижодиёти ўзбек адабиёти тарихининг шу даври буйича мактабларнинг ўқув программасига ҳам киритилган. Шунга қўра, бу адибларнинг ҳаёти ва адабий фаолиятига доир маълумотларнинг мактаб дарслигидан лозим даражада ўрин олиши¹⁸ ва уларни ўқитиш методикасига оид мақола ва қўлланмаларнинг юзага келиши табиийдир. Бундай қўлланмалардан биз А. Зуннуовнинг «Мактабда Гулханий ва Муқимий ижодини ўрганиш» (1965) номли китобчасини эслатиб ўтишимиз жоиздир.

Гулханийнинг адабий мероси (асосан, унинг «Зарбул масали») тилшунослик нуқтан назаридан ҳам олимларнинг диққат-эътиборини ўзига торттиб келди. Гулханийнинг адабий тилимиз тараққиётидаги хизматлари ҳақида ўзбек тили тарихига оид қўлланмалардаги умумий қайд¹⁹лардан ташқари, «Зарбул масал»нинг тил хусусиятларини ўрганишга бағишланган махсус илмий ишлар ҳам бор. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти Х. Назарованинг икки мақоласи²⁰ бу соҳадаги дастлабки қадамлардандир.

Гулханийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти юзасидан ёзилган мақола, асарларнинг ҳаммаси адабиётимиз тарихининг гулханийшунослик бобини бойитади, шоир яшаган ижтимоий-сиёсий муҳитнинг мураккаб томонлари ва унинг санъаткорга таъсирини, шоирнинг социал мавқеи ва ўз замондошларига нисбатан қандай оригинал ҳамда прогрессив жиҳатлари бўлганлигини кенгроқ ва очиқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Бироқ Гулханийнинг «Зарбул масал»и устидаги ишларнинг барчасига хос бўлган бир

¹⁶ Азиз Қайюмов, Қўқон адабий муҳити (XVIII—XIX асрлар), Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961, 302—309-бетлар.

¹⁷ В. А. Абдуллаев, Ўзбек адабиёти тарихи, Иккинчи китоб, Иккинчи нашри, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1967, 266—291-бетлар.

¹⁸ Н. М. Маллаев, С. И. Исмаилов, Ўзбек адабиёти тарихи, 9-синф учун дарслик, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1967, 118—129-бетлар.

¹⁹ У. Турсунов, Б. Уришбоев, Ўзбек адабий тили очерклари, Самарқанд, 1969, 104—168-бетлар.

²⁰ Х. Назарова «Зарбул масал»нинг баъзи бир лексия хусусиятлари, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1959, 2-сон, 66—71-бетлар; Х. Назарова «Зарбул масал»да қўлланган кўчирма гаплар ва уларнинг турлари, «Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти асарлари», 12-чиқариш, 1959, 87—99-бетлар.

умумий етишмовчилиги бу тадқиқотларнинг текстологик асоси ишончли бўлмаганлигида сезилади. Асарни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилишда текст бутунлигининг, айниқса, муҳим ўрни ва аҳамияти ўз-ўзидан равшан.

ГУЛХАНИЙНИНГ ҲАЁТИ

Гулханийнинг қачон туғилиб, қачон вафот этгани аниқ эмас. Фазлий тазкирасининг Гулханий ҳақидаги ўринларида шоирнинг асли «Мулки кўҳистон (тоғликлар диёри)»дан экани, унинг аждодлари ўз жойининг эътиборли кишиларидан бўлгани, лекин адибнинг оғир ҳаёт кечиргани, унга «Гулханий» тахаллуси олиб «бадастури алфози кўҳистон (тоғликлар шеvasида)» «латифу равон ғазаллар» битгани уқтириб ўтилади²¹.

Гулханийшунос олимлар Фазлийнинг Гулханий ҳақидаги бу маълумотларига ҳамда шоир ғазалларининг тил жиҳатдан бўлган баъзи белгиларига асосланиб, унинг Қўқонга Фарм ёки Дарвоз томондан келиб қолган бўлиши мумкинлигини тахмин қилди-дилар²².

«Қўқон тарихи ва адабиёти» қўлёмасида «Мажмуан шоирон» да келтирилган бу маълумотларнинг бирмунча конкретлаштирилган вариантини учратамиз. Бунда таъкидланишича, Гулханийнинг отаси Қоратегиндан келган бўлиб, Қўқонда Шоҳи қушбеги дегани-нинг юзбошиларидан саналган, Қўқонда уйланган. Гулханий ҳам Қўқонда туғилиб, шу ерда ўсган²³.

Қори Раҳматулло Возеҳнинг тазкирасида эса Гулханийнинг номи Муҳаммад Шариф бўлиб, унинг асли Намангандан экани, у ерда ҳаммомдорлик билан шуғуллангани қайд этилган²⁴. Гулханийнинг Наманганга «уқишни давом эттириш ниятида» борганлиги²⁵ ёки истиқомат қилганлиги ҳақида²⁶ги баъзи изоҳларнинг шунга асосланиб айтилгани аниқдир.

Гулханийнинг ҳаётига оид кейинги изоҳ ва тушунтиришларда шоир ўлимининг Наманганга боғланишини кўрсатувчи яна бир шарҳга дуч келамиз: Мадалихон (1822—1842) ўзининг хон қилиб кўтарилишига норозилик кайфиятида бўлган кишилардан уч олган пайтда гуё Гулханийни ҳам жазодан бенасиб қўймаган, уни Янгиқўрғонга ҳоким қилиб тайинлаш баҳонаси билан Наманган ҳокими ихтиёрига юбориб, махсус кишилар орқали йулда ваҳшийларча ўлдиртирган. Бироқ бу тафсилот келтирилган адабиётларда²⁷ унинг қандай манбадан олингани очиқ айтилмайди. Маълум

²¹ Фазлий, Мажмуан шоирон, Уша қўлёзма, 86, 249а, 255а, 275а, б, 283а бетлар.

²² Р. Р. Муқимов, Гулханийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти, «УзДУ асарлари», янги серия, 55, филфак, Самарқанд, 1955, 48-бет.

²³ П. Қайюмов, Қўқон тарихи ва адабиёти, ЎзССР ФАШИ, Қўлёзма, II дафтар, 45-бет.

²⁴ «Тухфатул аҳбоб фи тазкиратул асҳоб», Тошкент, 1914, 225-бет.

²⁵ А. Зуннунов, Мактабда Гулханий ва Муқимий ижодининг урганиш, Тошкент «Ўқитувчи» нашриёти, 1965, 6-бет.

²⁶ Р. Р. Муқимов, Уша асар, 45-бет.

²⁷ Р. Р. Муқимов, Уша асар, 47-бет; А. Зуннунов, Уша қўлланма, 7-бет.

тарих ва таъкираларда Гулханийнинг улимига доир бу хил гаплар учрамагани сабабли, адабиётшунос ва тарихчиларимиз мазкур воқеага ишонқирамай қарайдилар ва бу тафсилотни «огзаки маълумотларга асослашиб айтилган» гап, «Гулханийнинг ўлими ҳақидаги ривоятлардан бири» деб ҳисоблайдилар²⁸.

Гулханийнинг Наманганда бўлганлиги тўғрисида нима учундир, Фазлий Намангоний ҳеч сўз айтмайди. Гулханийнинг уэ асарларида ҳам бунга бирор ишора йўқ.

Бизнингча, Гулханийнинг аждодлари тоғликлардан бўлса ҳам, унинг ўзи Қўқонда туғилиб, шу муҳитда улғайгани шубҳасиздир. Акс ҳолда адибнинг ўзбек тили хазинаси ва маҳаллий урф-одатларни «Зарбул масал»дагичалик чуқур билиши, аскияччиликда шухрат қозониши ва ўзининг бу сифатлари билан сарой шоирлари доирасига кириб бориши осон бўлмас эди.

Гулханийнинг онлавий ҳаёти (ундан зурриёт қолган-қолмагани) тўғрисида бирор маълумот йўқ, аммо унинг, ҳатто, сарой шоирлари доирасида ўрни тутган пайтларида ҳам ниҳоятда оғир ва машаққатли умр кечиргани ҳақида Фазлийнинг ўзи ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. «Мажмуан шоирон»нинг Гулханий ҳақидаги саҳифаларидан бирида биз қуйидагиларни ўқиймиз:

منك بود درینوای امیر	بغور ان حتمك ان امیر
نهیستنه بر کرد عوان فرست	کفایتکنه در عهد ان فرست
کفایتش از راج و محبت نفید	سیاهی گری کردور اعت نفید
سی بیعوائش کشید ان امیر	مروان بگروی بدالش امیر
سی بود بظاح ناک برجه ان	رین انقائش حتم مکال
رین مایهکنی در فغان آمدی	کفایتکنگد سنی بهال آمدی
تبع بیسته کردود ان کشید	تران محضه منک دلت کشید

Мазмуни: Жаннатмакон амир даврида у (Гулханий) бенаволик асири бўлди. Умрида дурустроқ нон ушатмади, яхши дастурхон атрофида ўтирмади. Сипоҳигарчилик қилди-ю, роҳат кўрмади. Меҳнат ва машаққат илқидан осойишталик топмади. Амир унинг ҳолига мурувват билан боқмади. Амирнинг илтифотсизлиги туфайли фақир бир нарча нонга муҳтож бўлди. Қули қисқалик охири унинг жонига тегди, камбағаллик фиғокини оширди. Йўқчилик туфайли у ҳижолатчиликлар чекди, таъма йўлини тутиб у хурликлар кўрди.

Дилшод Барнонинг хабарига кўра ҳам, Гулханий ўз умрининг сўнгги йилларида қаландарларча ҳаёт кечирган, қашшоқ шоирлар билан ҳаммом гўлаҳида кун ўтказган. Дарвоқе, Дилшоднинг бу ҳақда ёзганларидан Гулханийнинг вафоти санасини ҳам чама-лаб куриш мумкин.

Дилшод отининг, «Тарихи муҳожирон» асаринда ҳикоя қилинишича, унинг ўзи 1215 (1800 йилда) Уратепада туғилган. 17 ёш-

²⁸ А. Қ а ю м о в, Уша асар, 305-бет.

²⁹ «Мажмуан шоирон», Уша қўлёзма, 275-бет.

да эканида (1232/1817 йилда) Умархон қўшилари Уратепага бос-тириб кириб, асирлар қаторида Дилшодни ҳам Қўқонга олиб келадилар. Дилшод хон саройига киритилади. Умархон савол-ларига адолатталаб бўлиб жавоб қилгани учун отин саройдан чиқариб юборилади ва у бир имом хонадонига (имомга хотин бўлиб) ўтади. Умархоннинг охиригача шу ерда мактабдорлик билан шуғулланади.

Хон ўрдасидан хориж бўлиб чиқаётган тунда Дилшод ҳаммом гулаҳида макон тутган бир неча қаландарларга дуч келганини эслаб қуйидагиларни ёзади.

Бу кулбага (яъни имом хонадонига — Ф. Н.) келганимдан бир неча йил кейин мазкур қаландарлар ила шуноса булдим. Чунончи, икки йил ўтгандан кейин бир заифа воситаси илан шоир Маҳжуб рўзгорлари илан васл(га муяссар йлунди).

*Ул бузрук адиб сабаблари илан Мунтазир ва Гулханий борасида илм пайдо булди. Аммо шоир ва мутафаккир Гулханий бори вафот бўлгон экан*³⁰.

Бу гаплардан Гулханийнинг Умархондан аввалроқ вафот этгани англашилади. Негаки, Дилшод Барно «бу кулба»га (яъни имом оиласига) 1817 йилда келган бўлса ва орадан «икки йил ўтгандан кейин бир заифа воситасида» шоир Маҳжуб билан танишган, бу бузрук адиб орқали эса у Мунтазир ва Гулханий борасида ўзида илм пайдо қилган бўлса, бу сана 1819 йилга тўғри келади. Бу вақтда эса «шоир ва мутафаккир Гулханий бори вафот бўлгон экан». Мазкур жумланинг «Икки йил ўтгандан кейин» деган қисмини ундан аввалги «бир неча йил кейин» дегани билан алмаштириб тушунганимизда ҳам, бу санани 1822 йилдан, яъни Умархон вафот этган санадан кейинга суриш қийин. Кўринишдан Гулханий Мадалихон замонида утиб эмас, Умархон ҳукмронлигининг сунгги йилларида вафот этган. Дилшод Барнонинг уша жумла охиридан «Зарбул масал»ларини ўқиб, ўз диёрим қишлоқлари борасида ажойиб ойнанамо масаллар ёзганлари куб таъсир қилди»³¹ деган гапи ҳам борки, шонра бу билан гуё Гулханийнинг вафоти ҳақида айтилган ушбу маълумотни яна бир бор тасдиқлаб ўтгандай бўлади.

Гулханий қабрининг Қўқонда — Эшонқишлоқ яқинида эканлиги ҳақида хабар бор³². Лекин бу хабар оғзаки маълумотларга асосланган, холос.

ГУЛХАНИЙНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

Гулханийдан қолган адабий мерос ҳажм жиҳатидаи унча катта эмас. Шоирнинг шеър ва қасидалардан иборат девони булганлиги ҳақида маълумот бўлса ҳам³³, ҳозиргача у топилгани йўқ. Бизга қадар унинг узбекча ва тожикча бир неча газаллари, бир

³⁰ Дилшод Барно, Тарихи муҳожирон, Уша қулъзма, 30—33-бет.

³¹ Уша ерда.

³² А. Чархий, Н. Даврон, Шоир Гулханийнинг қабри топилди. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1969 йил 24 август.

³³ «Тухфатул ақбоб...» Уша нашри, 225-бет.

тожикча қасидаси ва «Зарбул масал» деб аталган тугал прозаик асаригина етиб келган.

Адибнинг ғазалларида, ҳатто, унинг Амирга назира юзасидан ёзган шеърларида ҳам, одатдаги қуруқ шаклбозликка қараганда, реал турмуш масалаларини тилга олиш тенденцияси кучлироқ бўлган³⁴. Шоирнинг «Мажмуан шоирон»дан ўрин олган ғазаллари ва уларга (мазмунига қараб) Фазлий томонидан берилган баҳоларнинг ҳар хиллигига қараб ҳам буни билиб олиш мумкин. Адибнинг тожикча ғазалларида «Гулханий» билан бир қаторда «Журъат» таҳаллусига ҳам дуч келамиз. «Мажмуан шоирон»да «Журъат»нинг «Гулханий» эканини таъкидловчи аниқ изоҳ ҳам бор:

بو خروئت گمه اول ابدى گلشن
ابرور برچه هزبان صيگانك منى
Бу Журъатки ул эди Гулханий
Эрур барча ҳазён демаклик фани³⁵.

Муҳаммад Шарифнинг «Гулханий» деб таҳаллус олишига икки хил маъно берадилар: Фазлий буни шоирнинг «девоиа феъллиги, оташини таъблигидан қўйилган ном, дейди:

حوشا گلشن شتار برفن است
چه گلشن کمر بناتر از گلشن است
و دیوانه جوان و آتش من
تخلص بهاده وجود گلشن

Мазмуни: *Гулханий мохир шоирдир, «Гулханий» эмас, «Гулшан»дан хал юксакроқдир. Девоиа феъллиги, оташини таъблигидан у ўзига «Гулханий» таҳаллус олган*³⁶.

Возеҳ тазкирасида эса шоирнинг ҳаммомдорлик билан машгул бўлгани учун ўзига «Гулханий» таҳаллуси олгани айтиб ўтилади.

Гулханийнинг ўз адабий мероси ва шоир тўғрисидаги барча маълумотлар мазмунига қараганда, ҳар икки қарашда ҳам бир-бирини тулатувчи маъно бордан кўринади.

Гулханий хон навқарлари сафида хизмат қилган пайтда ўзининг шижоати, ғайрати ва паҳлавонлиги билан ажралиб турган, бу сифатлари билан у мақтовларга сазовор бўлган. Гулханийнинг шоир сифатида танилган даври ҳам шу пайтларга тўғри келади. «Гулханий» деб ном олганда, шоир дастлаб бу номнинг аввалги (оташини таъблилик) маъносини назарда тутган бўлиши эҳтимол. «Журъат» таҳаллуси ҳам шу маънога қарийб синонимдир. Кейинги йилларга бориб шоир бенаволикнинг муқим асири бўлиб, қаландарларча ҳаёт кечира бошлайди. Маҳзуб, Мажзуб, Мунтазир сингари шоирлар билан кўпроқ ҳаммом гўлаҳида мажлислар қу-

³⁴ В. А. Абдуллаев, Уша дарслик, 269—276-бетлар.

³⁵ «Мажмуан шоирон», Уша кўлэма, 242-бет.

³⁶ Уша асар, 275а бет.

ради. Аслида ҳаммомдорликка муносабати бўлганиданми ёки шу муҳитнинг тахаллус маъносига мувофиқ тушганлиги тақозаси биланми — Гулханий уз номининг иккинчи маъноси («ғўлахий») — ни назарда тутиб сўз юритишга ҳам ўта бошлайди. Бу маънода шоирнинг «Эй тутн» радифли шеърида келтирилган қуйидагича мақтаъ характерлидир.

سروشع چندی موری پروانه میبارد
بنار گل حسن هر چند بر خاکستر ای طوی

Мазмуни: *Эй тутн, сарв билан шамъа қумри билан нарвона қанчалик қувонса, Гулханий ҳам қулга ундан юз марта ортиқроқ қувонади (283 бет).*

Халқ орасида шоир «Мулла» унвони билан «Мулла Гулханий» деб шуҳрат топадики, бу «Зарбул масал»да ҳам тилга олинган ва такрорланган.

«ЗАРБУЛ МАСАЛ»

«Зарбул масал» (масал урмоқ, масал орттирмоқ, масал келтириб сузлашмоқ, ўхшашни ва далилини топиб гап қилмоқ) — Фақат Гулханий ижодидагина эмас, ўзбек адабиёти тарихида, Шарқ халқлари адабиётида ҳам намунаси учрамаган ажойиб ва оригинал бир асардир.

Форс-тожик ва туркий халқлар адабиётларида «Зарбул масал» номи билан тарқалган илмий, бадий асарлар кўп бўлган. Уларнинг бир қисми бирор тилдаги масаллар (мақол, матал, иборалар)нинг одатдаги йиғиндиси — тўпламдан иборат. Масалан, Зоконий томонидан тартиб берилган «Зарбул масал» ана шундай. Бу «Зарбул масал» — тўпламдан 200 га яқин тожикча мақол-иборалар ўрни олган³⁷. «Зарбул масал»ларнинг яна бир тури мақол-матал ва идиомаларнинг бир тилдан бошқа бир тилга таржимаси — луғатидан иборатдир. «Зарбул масал», «Зуруби амсол» номи билан оммалашган луғатлар турк тили манбалари орасида, айниқса, кўп учрайди. Таказоданинг «Зуруби амсоли туркия» китоби³⁸, Иброҳим Шиносийнинг «Зуруби амсоли усмония»си³⁹, Али Мажидий тузган «Зуруби амсол ва истилоҳат»⁴⁰ номли асар луғат типидagi ана шундай «Зарбул масал»лардандир.

«Ирсолул масал (масалга асосланиб рисола тузиш)» санъати буйича яратилган асарлар — пандномалар ҳам «Зарбул масал»

³⁷ Зоконий «Зарбул масал»нинг бир қўлёзмаси УзССР ФА тарих ва археология институтининг илмий ходими А. М. Пулатов қўлида сақланади. А. М. Пулатовнинг узи ҳам Бухоро шеvasида қўлланувчи 800 та мақолни тўплаб, дафтар тузган, унинг номи ҳам «Зарбул масал»дир.

³⁸ Зуруби амсоли туркия, Истамбул, 1893.

³⁹ Зуруби амсоли усмония, Истамбул, 1870.

⁴⁰ Зуруби амсол ва истилоҳат, қўлёзма, СССР ФА ШИ Ленинград бўлими.

деб номланади. Ўзбек адабиёти тарихида Сулаймонқул Рожий⁴¹ ва Нозили Хужандий асарлари⁴² шу ном билан маълум.

Гулханий «Зарбул масал»ни мажозий маъно берувчи бадний асар бўлиб, унда турмуш воқеалари, турли тоифадаги турлича феъл-атворли кишиларнинг ўзаро муносабатлари қушлар ҳаётига кучирлиб, уларни антропоморфизациялаштириш йўли билан баён қилинади. Бу жиҳатдан асар Шарқ масалчилиги ва ҳикоячиликнинг классик намуналарига, айниқса «Қалила ва Димна»га яқин. Бироқ бунда асардаги образлар ўз фикрини аниқ баён этиш учун бир-бирлари билан мақол ва ҳикматларни келтириб сўзлашадиларки, бадний ифоданинг бу усули масалчилик тарихида айнан қўрилган эмас.

Ровийларнинг ривоятга асосланиб ҳикоя қилинишича, воқеа «Налариги айёми нафаржонда Фаргона иқлимидаги Кайқубод отлиг подшоҳдин қолгон бир эски шаҳристонда» юз беради. Таърифга сикмас даражада гузал, хушҳаво бир манзилда Бойўғли ва Бойқуш истиқомат қилади. Улардан бир ёғоч нарида Япалоққушнинг ота-бобосидан қолган жойи бор. Бойқушда гузал бир қиз, Япалоққушда эса уғли фарзанд балоғатга етган. Япалоққибидан бир кун Курқушни ўз қошига чорлаб, «Ўғлим Кулангир Султон учун Бойўғлимни қизи Кунушбонуга совчи бўлиб бордин, дейди. Курқуш Япалоққибининг баландпарвозлигидан қўлган бўлса ҳам, бу хайрли ишдан бош тортмайди. Шоҳ хизматида турган Кулангирни ўз қизи билан қуриб, ундан кейин Бойўғли мосқанига бориш киятида йўлга чиқади. Йўлда у Худҳуд (попушак)га дуч келади. Худҳуд билан, ундан сўнг эса Кулангирнинг чечан хизматкори Қуйканак ва Кулангирнинг узи билан баҳсли сўхбаттоа бўлади.

Курқушнинг муддаосини англаган Бойўғли унга жавоб айтиш олдидан ўз қизи Кунушбонунинг ривийи билмоқчи бўлади. Қиз сукут билан розилик белгисини ифода этган, Курқушга «Машварат қилурмиз, ама бир келурсиз» жавобини қилади. Курқуш эса буни Бойўғлимнинг «Илиқ сузи» деб билиб, Япалоққушга хабар беради. Япалоққуш ўз шибатида қарға дусту — Шуронқулни қушлар шоҳи Маликшибоҳангга суюқчига юбориди. Кулангир Султон шоҳнинг сангалкишини паҳливоки эди. Шоҳ ўз хазиначиси Кордонга «дангилкишинини тўйи харажатини биткариб беринг» деб буйруқ беради. Кордон харажат ҳамлини аниқлаш учун хизматкори Турумтойни узига ҳамроҳ қилиб Бойўғли манзили томон йўл олади. Бойқуш билан Кордон орасида узоқ ва қизиқ мунозара кетиши. Бойқуш аёвал: «Япалоқ — кўлпак боласи, у қизинга муносиб эмас, деб туриб олади, кейин эса қизи учун Япалоққибидан минг чордевор қалин талаб қилади. Кордон бунча чордеворнинг Умархон мулкидан топилмаслигини айтиб, қалин миқдорини камайтиришни сурайди, лекин бунга муваффақ бўлолмайди, охири ноумид бўлиб Курқуш қошига боради, воқеани изтироб билан сўзлаб беради. Курқуш эса Кордоннинг «кор билмаслиги», исми жисмига мумувофиқлигидан ажабланиб, Бойўғли маъвосига равона бўлади, қалин учун айронани Бухоро амирлигига қарашли жойлардан ажратиб бериб, никоҳ маросимларини уткази.

Гулханий асарининг умумий сюжет йўли ана шундай.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, бу сюжет ҳикоя ичидаги ҳикоя тарзида Гулханийгача бўлган давр манбаларида ҳам учрайди. Чунончи, Рабғузний қиссалари ва «Мифтоҳул адл» ҳикоялари орасида бойқушларнинг ўзаро қудачилик муносабатлари, уларнинг қиз

⁴¹ Сулаймонқул Рожий, Зарбул масал, қўлёзма, Ўз ФА Фафур Фулом номли Қўқон адабиёт музейи, Қўлёзмалар фонди, инв. № 6. Бу асар ҳақида қаранг: Дилбар Раҳमतова, Исследователи Мукини (Писанди, Гурбат, Раджи), АКД, Ташкент, 1967.

⁴² Нозили Хужандий, Ҳашвийет, қўлёзма, Ўз ФА ШИ, инв. № 12080. Бу асар ҳақида қаранг: Эргашали Шодиев, Ирсоҳул масал рубоийлар, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналі, 1972, 5-сон.

учун куёв томондан неча миңглаб бузук чордевор қалин талаб қилиш холлари айнан тилга олинади⁴³. Бироқ Гулханий халқ оғзаки ижодида бўлган ва ундан диний-дидактик мазмунли ҳикояларга олинган бу сюжетни кенгайтирди, унга чуқур социал-сатирик мазмун берди, персонажлар киритди, ундаги драматизмни кучайтирди, даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ҳам қушиб ифода этди, асарнинг бадиийлиги ва халқчиллигини оширди. Энг муҳими — Гулханий қушларни зарбул масал йули билан сузлатиш орқали халқ дошмандлиги дурларини шу сюжет ипига чизиб берди.

Асар таркибий жиҳатдан бир бутун эмас. Асосий сюжет йули бир нуқтада қолиб, орада ҳикоя ичида ҳикоя, масал ичида масал келаверади. Мақол-ҳикматлар эса фикрнинг умумий йуналишига боғлиқ ҳолда баъзан қаторлаштириб юборилади.

Асардаги воқеаларнинг ўзаро боғланиши ва таркибий қисмларнинг қўлланиш урини белгиллаб олиш мақсадида юқоридагича сюжет чизиғининг муҳим нуқталарига эътибор қилиш зарур. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Бойқуш билан унинг қизи Кунушбону ўртасидаги баҳс (воқеанинг боши);

2. Япалоққуш билан Курқуш суҳбати;

3. Кўрқушнинг Худҳуд билан учрашуви;

4. Кўрқушнинг Куйканак билан мунозараси ва унинг Қулангир Султонга насиҳат бергани;

5. Кўрқуш ва Бойқушнинг хайрли иш юзасидан қилган суҳбати;

6. Бойқушнинг Кунушбонудан розилик сураши ва уларнинг ўзаро айтишувлари;

7. Шўранулнинг Маликшабоҳанг даргоҳига келиши ва улар орасидаги савол-жавоблар;

8. Кордон билан Турумтой ўртасида бўлиб ўтган ҳангомалар;

9. Кордон билан Бойқуш ўртасидаги тортишув ва можаролар;

10. Кордоннинг Курқуш билан учрашуви;

11. Курқушнинг Бойқуш маъвосига қайтиб бориши ва муроса аҳдининг юзага келиши;

12. Маҳр солиш ва никоҳ маросимлари.

Воқеъбанд адабий парчалар (масал, ҳикоятлар) ажратиб кўрсатилган нуқталарнинг тўрттасида (3, 8, 9, 10-эпизодларда)гина келади:

1. *Кўрқушнинг Худҳуд билан учрашувида* Худҳуд Кўрқушнинг совчи бўлиб бораётганини англаб, «Сенга совчи булмоқ надур?!» мазмунлида унга «ҳикояти ҳакими ҳозиқ (Қабутар ила зог)»ни «қулдан келмас ишга урунганинг нажжорлик қилган маймунга ўхшар» деб эса, «Қиссан манзуман маймун»ни айтиб беради. Кўрқуш ҳам уз навбатида «бу ишда менинг ихтиёрим йук», деб Худҳудга «Тозили бўтаси онаси билан мунозаат қилгани»ни айтиш қилади.

2. *Кордон билан Турумтой ўртасида бўлиб ўтган ҳангомаларда* Турумтой Кордоннинг сафар тараддудидаги хатти-ҳаракатларини

⁴³ Бу ҳақда тўла оқ маълумот учун қараи: В. Зоҳидов, *Уша асар*, 204-бет; Азиз Қаямов, *Уша асар*, 306-бет.

нафе овораси бўлган Холвоқи мисгарга ўхшатади ва бу билан уз хожасига писбатан катта беодобчилик қилиб, Қордоннинг ғазаби-га дучор булади. «Оғзи ошга текканда, бурни қонаган мен бўлдим» мазмунида Қордондан узр сўраб, Едгор пўстиндуз ҳақидаги ҳикоятни келтиради (бу ҳикоятнинг уз 5 та воқеани уз ичига олади). Сафарда яхши дустининг зарурлигини тушутирмоқчи бўлиб Қордон «Бозанда ва Навозанда» ҳикоятини, Бозанда тилидан эса «Сангпушт (Тошбақа) билан чаён» масалини келтиради.

3. *Қордон билан Бойқуш уртасидаги можаролар* ҳам узоқ, ҳам жуда мураккаб тусда давом этади. Бойқушнинг минг чордевор устида қаттиқ туриб олганидан ғазабга келган Қордон аввал Амир Умархонга мадҳия ўқийди, сўнг унинг даврида ободончилик юз берганини таъкидлайди. Қалнини озроқ сўрагил, йўқса, сен ҳам дум иштиёқида юруб икки қулоғидан айрилган эшакдек бўлма» деб, унга эшак билан деҳқон воқеасини, Бойқушнинг «туққан томурич билан кенгашай» деганига жавобан икки фаж-лаж (Ниёзча Оғолиқ билан Бобожон Ашур чулоқ ўғли) ҳақидаги ҳажвияни, Мулла Муҳаммад Содиқ деганининг омонат маблағини қайтармасдан еб, тониб кетган фирибгар тоғаси Собирбой ва унинг қилмишларини айтиб беради. Муҳаммад Юсуфбойнинг уз занфасига кафш сотиб олгани ҳақидаги ҳикоят ҳам Қордон тилидан худди шу ўринда келтирилган.

Асослар олдида дол бўлиб қолган Бойқуш Қордоннинг жасади узвига разм солиб, унинг буйи узунлиги, фаросати камлигига ишора қилувчи ҳикоятлар келтиради. Имом Абу Юсуф ва бир бетамиз одам воқеаси, мевали дарахтнинг ҳўл шохини қуруқ шохига пайванд қиладиган боғбон ҳикояси, Тева билан тулкининг савол-жавоби ана шулар жумласидандир.

4. *Қордоннинг Қурқуш билан учрашувид*а Қурқуш Қордоннинг «биз қуда билан бўлган муносабатда андиша йўлини тутдик, «қуда булдик — жудо булдик» деган сўзга йўқмиз» деб айтган маълумотига жавобан бир одамнинг уз дўпписини сувга оқизиб, уни ололмагач, «йўқолгани хўб булди, бошимга ҳам тор келур эрди» деганини нақл келтиради ва Навфал подшо Мажнунга, Мўътамир шох эса Уяйнага орқа бўлгандек, «Сен ҳам шу тарзда иш қилсанг, номинг то явмул жазоғача қолур эрди» дейди. Қордоннинг «Ҳикоят қил!» ишорати билан Қурқуш араб подшоҳи Мўътамирнинг қанча меҳнат ва харажатлар тортиб ошиқ Уяйнага унинг маъшуқаси Райёни олиб бергани ҳақидаги узун ҳикояни айтиб беради.

Қуринадики, «Зарбул масал» таркибий жиҳатдан куп ва хилма-хил қисмлардан ташкил топган. Бу қисмларнинг ҳар бири алоҳида олинганида мустақил адабий-бадний парча кўринишига эга, бир бутун ҳолда эса мураккаб бир композицияни ҳосил қилади.

Асарнинг гоёвий мазмуни ҳақида тўхталишдан аввал унинг ёзилиши тарихига оид маълумотларни эслатиб ўтмоқчимиз.

«Зарбул масал»нинг кириш қисмида адиб бу ҳақда қизиқ бир эпизодни ҳикоя қилади. Хон саройида бўлиб турадиган шуаро мажлисларидан бирида, эмиш, масал (мақол, матал)ларнинг нутқдаги аҳамияти устида сўз кетади. Шу пайтда хоннинг «назарим кимё асарлари» Гулханийга тушуб: *Бу зарбул масалларни неча*

хикоятлар орасида ақлу донишинг борлиги етишича тартиб бер» деб буюради Гулханий филҳол жавоб қилиб айтидики, «Эй шоҳи Жаҳонпаноҳо, тожикнинг бир масали бордурки, «Аз куза ҳамон таровадки, даруст»⁴⁴. «Алар (хон — Ф. II.) айдиларки, «Ўзбакнинг бир масали бордурки, «Эшакига яраша тушоғи».

Зарбул масалли бу суҳбатдан кейин адиб «амирнинг амрларини вожиб билиб» «Зарбул масал» йўлида собит қадам булади ва «Япалоққуш ва Бойқушнинг қудаликлари орасида» «тўрт юз зарбул масали авомуннос»ни батартиб баён қилади.

Асарнинг ёзилиш тарихига доир бу эпизоддан қушидаги мазмун келиб чиқади: а) хон ва унинг саройидаги шоирлар Гулханий талантини, айниқса, унинг халқчиллик табиатини таъ олганлар; б) шу талантни намоён қилиш, «Зарбул масал»дек бир асар ёзиб дилига тугиб юрган гапларни айтиб олиш учун Гулханийга юқоридан шунчаки бир ишора, «раъий олий» зарур эди.

Адиб учун бундай баҳона топилди ва асар майдонга келди. Бироқ натижа хон кутганича бўлиб чиқмади. Хон топшириғида хикоятларни восита қилиб масалларни қаламга олиш талаби қўйилган эди. Адиб эса масалларни восита қилиб хикоят ёзишга ва унда мажоз йўли билан замон руҳини ифодалашга куч берди.

«Зарбул масал»да автор қандай мазмунни ифодаламоқчи? Асарнинг асосий ёки бош ғояси нима?

«Зарбул масал»нинг бош ғояси тарихан ниҳоят даражада муҳимдир. — деб ёзди академик В. П. Зоҳидов. — Елғиз Фарғона вилоятидагина эмас, умуман *Мовароуннаҳрда* (курсив бизники — Ф. II.) вайронагарчиликнинг ҳукмронлигини курсатиш ва уни фож этиш; ҳоким ижтимоий гуруҳларнинг ярамасликларини, разилликларини курсатиш ва уни фож қилиш; халқ оммасининг ниҳоят даражада оғир аҳволини, виждон, номус ва ақл эгаларининг поймол қилинганлигини курсатиш; ватанпарварлик ва халқпарварлик — мана шулар асарнинг бош ғоясини ташкил этади⁴⁵.

Асарнинг чуқур таҳлилидан — унинг тарихий аҳамиятини ҳам назарда тутиб чиқарилган пироварди хулоса — шу. Бироқ Гулханийда ғояни ифодалашнинг, фож қилишнинг усул ва воситалари бошқача, яъни узига хос, сирли, қойил қоларли даражада пишиқ-пукта, шу билан бирга, ниҳоятда мураккаб.

Гулханий фикр англатишининг мажозий йўлларида кенг фойдаланади. «Зарбул масал»нинг ўзи масал — мажозий асар бўлишига қарамай, унинг ичида ҳам кучма маънода қўлланган гап, ифодалар куп. Замони ва ўрни кучириб ҳикоя қилинган воқеалар бор. Китобнинг бошланишини эсланг: Ҳикоянинг бошида воқеанинг узоқ утмишдан — «айёми нофаржом»дан олингани кайд этилади. Салгина утиб, унинг давомида очикдан-очик Гулханий замонининг манзараси ва одамлари намоён бўлади. Қордон тилидан келтирилган бир мадҳияда хон адолатидан мамлакат беғубор бўлиши, дейилган. Бошқа бир ўринда эса «Амирал — муъминин Сайид Умархон бузган» вайрона шаҳарлар саноғи келтирилади.

⁴⁴ Мазмуни: «Кузада нима бўлса, шу тўкилади».

⁴⁵ В. Зоҳидов, *Уша асар*, 204-бет.

Мантӣқ ёки маҳорат кучи билан асарга сингдириб юборилган, аслида эса, бири бирига зид келадиган бундай фактлар китобда кўп учрайди.

Курқуш тилидан маҳр солиш маросимида келтирилган гаплар бу жиҳатдан, айниқса, диққатга сазовордир.

Бойугли қизиғини маҳри учун Курқуш Ургутдан бошлаб Янгиқургон, Работ, Пишогар, Эски Сават, Муғул, Чакаи, Фируз, Шаҳристон сингари Бухоро хонлигига қарашли бўлган ўттизга яқин хароба қишлоқларини санаб топширади. Курқушнинг ҳимматига ҳамма қўйил қолиб унга таҳсинлар уқиб турган бир пайтда қиз томонининг вакили — Куйканак маҳр эвазига берилган Хайрободга эътироз билдиради, «Хайробод сувга яқиндур, бойугли халқи сувдан узоқ туради, унинг урнига Муғни бера қолинг» деб талаб қилади. Курқуш бу талаб олдида бир оз тараддудга тушса-да, «Шошманг, Муғ эгасини муғ атворлиғи бор, яъни бориш йўлини йўқотибдур, муғликлар афъоли анга мақбул ва марғуб тушубдур, муғлуқ булурга оз қолибдур, яна бир сафарлик ҳоли бор, кеч кузгача ани ҳам солиб бермоқга ман кафил» деб жавоб қилади.

Орадан даврлар утиб эндиликда мазмун мавҳумлашиб қолган бу гапларнинг заминида «Зарбул масал» замони учун қанчалик чуқур, завқбахш маъно ва ишоралар баён этилганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу уринда тилга олинган Хайробод Бекобод яқинида — Сирнинг лабида уринлашган хароба қишлоқлардан бири булган. Муғ эса — Муғтепа, яъни Уратепанинг ўзи демакдир.

Қўқон хонларининг Уратепани буйсундириш мақсадида қилган кўп ва муваффақиятсиз юришлари тарихдан бизга маълум. Уратепа билан Хужанднинг шарқий районларини, ҳатто, унинг ғарбий қисмидаги қалъа ва кентларни буйсундириш унча қийин булмаса-да, Уратепани тобе қилиш Умархон учун ҳам кўп ташвишлар келтирган эди. «Хайрободнинг урнига Муғни солинг» дейиш билан адиб хонлиқнинг Уратепа беклигига нисбатан сиёсий муносабатини ифода этади. «Муғ эгаси» — Уратепа беги, «бериш йўлини йўқотибдур» — тулов беришдан бош тортяпти; «Муғлуқ булурга оз қолибдур» — суз уйини бор: бечора ҳол бўлиб бораётир; «яна бир сафарлик ҳоли бор» — яна бир ҳужум қилинса, енгилади: «кеч кузгача ани ҳам солиб беришга ман кафил» — вазият шундай давом этса, кеч кузгача Уратепани ҳам чордеворга айлантириб бериш ҳеч гап эмас!

Қушлар тилидан айтилган бу ҳазилнамо диалоглар ҳам моҳияти эътибори билан «вайронагарчиликни кўрсатувчи ва фош этувчи» жуда муҳим адабий-тарихий ҳужжатлардир. Асарнинг фақат шу ва шунинг сингари айрим уринларигина эмас, кўп урни, бошдан охиригача — ҳаммаси ҳам Гулханий даврининг тарихий манзарасини акс эттирувчи адабий-тарихий ҳужжатдир.

«Зарбул масал»нинг «фош этувчилик» кучи, даражаси бизда ҳали меъёрига етказиб урганликанича йўқ. «Фош этиш»нинг моҳиятига оид фикрларда эса баъзан бир томонламалилик, ҳатто айрим чалкашликларга ҳам дуч келиб туради. Бундай чалкашликларнинг сабаби кўпинча Гулханий шахсини туғри ва атрофли-

ча баҳолай билмасликдан, у даврнинг мураккаб хусусиятлари ва уларнинг адиб шахсига таъсирини етарли ҳисобга олмасликдан келиб чиқади.

Шубҳасизки, Гулханий ёмонлик ва ёмонларни фош этишда, уни жафокаш омма, меҳнат эли томонида туриб шу элнинг тили, ибораси билан баҳолаш ва қоралашда ўз замондошларидан бекиёс даражада илгарига утиб кетди. Бунда у кичик мулозимдан тортиб подшоликка қадар тил тегизди. Аммо адибнинг ўзи шу даврнинг, шу подшоликнинг кишиси сифатида, табиий, замона таомли ва тушунчалари доирасидан узоққа утолмади. Подшолик (хонлик) тартиблари Гулханий учун ҳам қовуний, ҳатто, абадий бўлиб қуринар эди. Шунга кура, у, бир томондан, адолатларвар деб кутилган хонни бошқалар қатори мадҳ этар, унинг ҳиммат ва марҳаматларига умидворлик билан қарар, хонни саҳийликка даъват этар эди. Иккинчи томони — адиб подшолик тартибини бузувчиларни, айниқса, фирибгарлик, ноинсофлик ва хушомадгуйликни қаттиқ ва аёвсизлик билан ҳажв қилар, шу ҳажв билан бутун бир даврнинг, феодал тузумининг иллатларини, оқибати вайронагарчиликка олиб келувчи сиёсатни фош этар эди. Адибнинг бизгача сақланиб қолган оз сонли ғазалларида (айниқса, «бидех» радифли тожикча ғазалида) бу мазмун ўз ифодасини топган. «Зарбул масал»да эса фош қилиш тенденциялари янада кучли, ўткир, усуллари ҳам хилма-хил, ўзига хосдир.

Ўз қаҳрамонлари тилида Гулханий бошдан-оёқ Қўқон хонлигини Бухорога қарама-қарши қўяди. Қўқоннинг шуҳрати, бепойн чегаралари, унинг ободлиги ҳақида зур муболаға ва дабдаба билан сўзлайди, унинг таърифу тавсифларини ортириб юборади. Бухоро ҳақида эса бунинг аксини кўрамыз. Бухоро Курқушнинг тасвирича, Умархоннинг бир юрши билан эзилган, топталган; кўп шаҳар, қишлоқлари вайронага айланиб қолган. «Агар мани сандек давлатлик орқам булғонда эрди,— деб уқтиради Курқуш Кордонга қараб,— Бойуғлининг оғзига сурнай, қулига карнай бериб, Бухоронинг бир туманидан минг чордеворини толиб бериб муҳим хайр ишин биткарур эрдим»⁴⁶. Агар қиз томон қалинни «Мовароуннаҳр тобеотидин» олишга рози булса, Курқуш «чордевор (туртдевор)» эмас, «ҳаштдевор (саккиздевор)» деса ҳам толиб беришга тайёр. Тортишувнинг охири ана шу йўл билан хал қилинади ҳам.

Адибнинг Қўқон хонлиги ҳақидаги тавсифларида ортиқ муболаға борлиги аниқ, аммо шу муболаға орқасида яна канча яширин маънолар бор.

Гулханий, гарчи очлик ва харобалик келтирувчи урушларга астойдил қарши бўлган, вайронагарчилик, бузғунчилик ва адолатсизликни афғор халқ оммаси манфаатлари нуқтан назаридан қараб қоралаган, ҳажв қилган бўлса ҳам, уша даврнинг, муҳитнинг кишиси сифатида у ўз ватанининг — Қўқон хонлигининг че-

⁴⁶ Мавлавиад Шайхон Гулханий, Зарбул масал. Илмий-танқидий текст, 100-саҳифа

гараси кенгайганидан мамнун бўлмай, ҳатто, фахрланмай қололмас эди. Қўқон хонлиги қаршида бошқа хонликлар (Бухоро, Хива)нинг мавжудлиги эса улар орасида иқтисодий-сиёсий ва маданий жиҳатлардан ўзаро доимий рақобат ҳукм суришига сабабчи булар, хонликларда бир-бирларига нисбатан гараз, ўз хонлигининг ютуқ ва афзалликлари билан фахрланишдек тор ватан-парварлик тенденцияларини сиғдириб, кучайтириб турар эди. Бу тенденциялар сезиларли даражада «Зарбул масал»да ҳам бор. Асарда гуё амир Умархон даврида Хўқанд хонлигида харобалар йўқлиги гапирилади. Бу, албатта, ёзувчининг самимий иқрори бўлмай, асарнинг ўз замонасида кишилар орасида тарқалишини таъмин этиш учун айтилган гап, ҳолос; агар муаллиф Умархонга нисбатан шундай хушомад қилмаса, унинг асари ман этилган бўлар эди. Бу — шаронтининг тақозоси билан асарда юзага келган камчиликдир.

Асарда муаллиф дунёқарашининг чекланганлиги натижасида майдонга келган камчиликлар бор. Масалан, Гулханий диний афсоналарга ўз асарида анчагина урин беради. Яна «Зарбул масал»да диний китоблардан, шу жумладан «қуръон»дан келтирилган парчалар, диний ақидалар ҳам учрайди. Баъзи мақолларда эксплуататор синфлар идеологиясининг таъсири ҳам бор. Аммо шунинг доимо эсда тутишимиз керакки, Гулханий замонида диннинг ҳукмрон идеология эканлиги шундай камчиликларни юзага келтирмасдан қўймас эди. «Зарбул масал»нинг қиммати унга кириб қолган ғалати тушунчаларда эмас, албатта. Биз учун Гулханий ижодининг демократик йўналишда бўлгани муҳимдир.

Биз «Зарбул масал»нинг бадий хусусиятлари, адибнинг услубияти масалаларида муфассал тўхталмоқчи эмасмиз. Бу масалаларнинг ҳар бири (айниқса асарнинг поэтик хусусиятлари, ундаги сажъ намуналари) махсус изоҳланиши лозим бўлган алоҳида ва катта соҳадир. Фақат шунинг қайд этиш лозимки, «Зарбул масал» адабиётимиз тарихида прозачилик анъаналари кучсиз бўлган даврда ёзлишга қарамасдан, бадий жиҳатдан ниҳоятда баркамолдир. Асарда адибнинг воқеа, манзара характер ёки хусусиятни тасвирлаш йули, айниқса, ажойиб кўринишга эга. Шундай уринлар борки, бадий тасвирга унинг маълум босқичи, маромига бориб туриб ҳажвий ёки юмористик маъно берувчи бўёқлар қўшилади. Натижада ифода шу қадар шинам, сержилзлик тусини оладики, баъзан уни такрор-такрор ўқишга ва ҳар ўқиганда ундан янги маъно чиқаришга тўғри келади. Бойўғлининг манзили тавсиф этилган қуйидаги жумлаларни эсланг: «...Анда бир Бойўғли ва бойқуш Ватан тутмиш эрди. Аммо бағоят еру ҳавоси хушу дилкаш эрди. Сабза раёҳин ва анвойи шақойиқ сечаклар касратидин пўнгқарга қўнғон чоғда ҳам товусни думидек турланиб мунаққаш кўрунур эрди».

«Бойўғли ва бойқуш ватан тутган» эмиш! У ернинг «еру ҳавоси хушу дилкаш» эмиш! (Бойўғли, аксинча, вайронада яшайдику!) Пўнгқарга қўнғон чоғда ҳам товусни думидек турланиб, мунаққаш кўрунур» эмиш! Пўнгқарганининг бойқушга, гузал манзаранинг товусга муносабатини назарда тутиб берилган ўхшатишга

қарағ! Еки яна Кунушбону таърифиде келтирилган қўйидаги жумладарга разм солиғ:

«Аммо Бонуглини бир қизни бор эрди, маҳи ховарий анга банде эрди, юзига ҳуру пари байт айтур эрди. Байт:

Оразидин шамсу қамардур хижил.
Сузларидин шаҳду шакир муфайл.
Ҳосили умри эди ул бойни,
Оти Кунушбону ўшал ойни.

Аммо бағоят афифа ва мастура эрди. Офтоби оламтоб андин рашк қилур эрди. Ё онки ҳар хомии пишуруб, ҳар ишни тиндуруб эрди. Бир эшикдин кируб, ўшал эшикдин чиқар эрди. Ҳеч маҳлуқи моҳаллоқоллонинг ани кундуз курмакга чораси нуқ эрди ва ул маҳзура юзини ёшуруб эрди».

Бойқушнинг кундузи яшириниб ётиши, кўзга куринмаслиги ҳаммага маълум. Унинг бу хусусиятини назарда тутиб, Кунушбонунинг «юз яшириши» ҳақида гап қилинаётир. Яна унга «маҳзура» (ҳазар қиликадиган) сифатини сингдириб юборилгани ажойибдир.

«Зарбул масал»даги бундай тасвир ва тавсифларни уқиганда улур рус сатириклари — Салтиков-Шчедрини, Н. В. Гоголь жумлалари бейхитёр эсга келаверади. Салтиков-Шчедрининг, жумладан, бир мужик икки генералини қандай боққан ҳақидаги қиссаси ёки Н. В. Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб утган жанжаллар» ҳикоясида образларнинг портретлари, хатти-ҳаракатлари мазах оҳанги билан жуда бошлаб тасвирланган эди. Қушларни инсон қиёфасига киритиб, ижтимоий типлар даражасига етказиб тасвирланиши Гулханийда яна ҳам таъсирчанроқ бир фазилат касб этган. Умуман суз қуллаш соҳасида булгани каби, адибнинг уз қаҳрамонлари — қушларга ном-лақаб қўйишда ҳам зур ҳажвчилик маҳорати акс этади.

Қушларнинг бадний образлар даражасига кутарилган катта бир қисми асарда тур билдирувчи номлар доирасидан чиқарилади ва ҳар хил йўллар билан «якка шахслар» доирасига — атоқли отлар группасига ўтказиб қўлланади. Бунда адибнинг образга янгидан ном-лақаб қўйиб ишлатиши, айниқса, характерлидир. Курқуш, Кулонгир Султон, Кунушбону ойим, Кордон, Шуранул, Маликшабоҳанг сингари янги қўйилган ном-лақабларда шу номларнинг уз маъносидан ташқари, уларнинг тури, мижози ва бошқа муҳим белгиларини очишга хизмат қилувчи вазик ишоралар, пичинг, мазах сингари модаллик маънолари ҳам англашилди туради.

Асарда бадний тип даражасига кутарилган Япалоққуш, Бойқуш, Курқуш, Кулонгир Султон, Турумтой, Кордон, Шуранул сингари қуш номлари; маймун, тева (туя), эшак каби ҳайвон номлари, аслини олганда, умумий ижтимоий типлар, мавҳум шахслар образларигина эмас, шу билан бирга, уз хусусиятлари билан исми жисмига монанд қилиб танлаб олинган лақаблар, конкрет тарихий шахсларга қаратилган ишорали номлардир⁴⁷. Халқ оғзаки

Қарағ: Исҳоқов, «Зарбул масал»даги қуш номларига доир, «Ўзбек тили ва адабиети масалалари» журнали, 1973, 1-сон

ижоди ашъаналари билан чуқур таниш бўлган ва унинг йўллари-
ни узинга сингдириб олган ҳарис ва ҳаззол шоир «Зарбул масал»
да узинга замондош, таниш ва суҳбатдош бўлган баъзи кишилар-
нинг бемаъни худқ-атвори, ижоъ қилмишлари устидан аския
мавзунга хос (лақаб қўйиш, қочирим, чапдиш сингари) йўллар
билан ҳам кулги чиқаради, сўз санъати воситаси билан уларга
қарата йул-йўлакай тош отиб ўтади. «*Кур халқини тили ачиқли-
ғи бети туклукдиндир*», «*Эшакни феъли эгасига маълум*», «*Ит қил-
ғонини итарчи қилмас*», «*Эчкунн оти Мулла Абдукарим бўлурга
ҳануз бор зрди-ку!*» сингари нақл-ибораларни қўллаганда Гулха-
нийй ана шу мақсад ва маънони ҳам назарда тутган булиши керак.

«ЗАРБУЛ МАСАЛ»НИНГ ҚҮЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

Гулханий «Зарбул масал»нинг хилма-хил қулёзма нусхалари
борлиги туғрисида марҳум адабиётшунос О. Шарафуддинов бун-
дан чорак аср аввал хабар бериб ўтган⁴⁶ бўлса-да, асарнинг ке-
йинги нлмий ва оммабоп нашрларида бу қулёзмаларнинг бирор-
таси тилга олинмади. Куриничдан, бу хабарда асарнинг Давлат
фондларига олинган нусхалари эмас, айрим шахслар қўлида кў-
рилган қулёзмалари назарда тутилган.

Марҳум Буюк Қаримийнинг икки қулёзма асосида «Зарбул
масал»нинг танқидий текстини яратгани ва бу ишнинг оммалаш-
май қолиб кетганини юқорида қайд этиб ўтган эдик.

1960—70-йилларга келиб Гулханийнинг бу мероси юзасидан
янгиликлар пайдо бўлди: Фафур Фулом номидаги Қўқон адабиёт
музеи асарнинг уч қулёзма нусхасини қўлга киритди. 1970 йилда
бундай қулёзмалардан бири Бобир номидаги Андижон область
кутубхонасида ҳам руйхатга олинди. Кейинги қулёзма кўчирилган
салласининг анча эскилиги ва нисбатан мукамаллиги билан бош-
қа нусхалардан ажралиб туради. Қўида асарнинг бизга маълум
бўлган қулёзма нусхалари ва уларнинг палеографик жиҳатдан
бўлган умумий хусусиятлари устида тухталиб ўтамыз.

Андижон нусхаси. «Зарбул масал»нинг Андижон нусхаси
(шартли белгиси — А) ҳижрий 1272 (1855) йилда кўчирилган
булиб, бу сана асар охирида икки жойда қайд этилган. Бироқ
нусханинг ким томонидан, каерда ва нима мақсадда кўчирилгани
айтилмаган. «Зарбул масал» бунда алоҳида китоб ҳолатида бўл-
май, 80 варақли кичик бир мажмуа ичидан урин олган.

Мажмуанинг дастлабки 15 варағида «Қиссаи Тайтол Мирзои
ҳасрат инаст» деган сарлавҳали тожикча (шеърӣй ва насрий)
ҳажв бор. Ундан ҳам аввалроқ (бош саҳифада) Мавлоно Фазлий
Намангонийнинг Умархон мадҳида ёзилган: «То муборак мақда-
минг жон риштасига тўтиё» деб бошланувчи газали битилган.
186—69а саҳифалари орасида «Зарбул масал»нинг матни урин
олган. Икки асар ўртасидаги саҳифаларда, ҳошияларда, шунинг-
дек, «Зарбул масал»дан кейинги 12 варақда ҳар хил шеърӣй асар-

⁴⁶ «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси». II том, Тошкент, Ўздавнашр,
1945, 205-бет.

лар — рубоийлар, ҳазиллар, қорхат, ^{ҳажвий даррлар бор.} Булардан ташқари, шоирлардан Шамси Табризий, Мавлоно Шариф Бухорий, Ишратий, Ҳозик, Хоний, Махмур, Сайидо, ҳатто, Саъдий, Умар Ҳайёмдан котибнинг узига маъқул бўлган, суҳбатлардиги, Умар Ҳайёмдан котибнинг узига маъқул бўлган, суҳбатларда ўқиладиган газал, қитъа ва рубоийлар кўчириб ёзилган. Қоғоз оқ-сарик рангли даррларда қоғоз, формати — 12×21 см. Ҳар саҳифада 11 қатордан ёзув бор. Қора сиёҳ ишлатилган Сархатлар, кўрсатилиши лозим бўлган қисмлар, одатдагидек, қизил сиёҳ билан ёзилган.

Асар ва адибнинг номи бошда кўрсатилмаган Қондага кўра хар бир варақ охирида явбатдаги саҳифанинг бошланиш сузи (пойгир) ёзиб берилган (Аввалги қиссада бу йўқ). Асарининг охирида қуйидагича колофон бор:

و الله اعلم بالصواب برحمته كما بالرحمة راسمى تامم شد
بتوفيق خدای لا یتام این کتاب روز سعادت تامم کر گورسک
خطبه آوب عطای اولکومانی سوک ولی سوکته انامى حرولى
الشحر جمانوالشحرى ۱۲۷۲

[Валлохи алам биссаваб, бирахматика ё архамарроҳимин. Таммат тамом шуд. Батавфиқи худойи лояном. Ин китобат рузи сешанба тамом. Гар кўрсанг хатимда куб хатони, Ўзумни сук, вале сўкма атомни. Хуррафу фиш — шаҳри жумадуссоии. 1272 сана].

Мажмуа нақшли чарм муқова ичига олинган бўлиб, яхши сақланган. Варақларнинг юқори қисмига нам теккан бўлса керак, доғлар пайдо бўлган. Дастлабки варақларда тешилан уринлар учрайди, аммо «Зарбул масал»нинг ҳамма саҳифалари бутун бўлиб, сатрларни осон ўқиш мумкин. Китоб кўчирилганидан кейин унинг варақларини текислашга ҳаракат қилинган, натижада ҳошиядаги шеърларнинг баъзи қисмлари қирқилиб кетган. Китобга шарият қондаларига оид бошқа хат ва қоғоздаги форсча парча ҳам тикиб, тиркаб қўйилган.

Қулёзманинг хати ва котибнинг савод даражаси мақтарли эмас. График жиҳатдан бир хусусият унда

(ф) лашуви [^ب ^ب] — яфалоққуш, ^ب ^ب кўфрок]да

кўрилади. Мажмуанинг тузилиши, мундарижаси, унда китобат қондаларига етарли эътибор берилмаганлигига қараб, қулёзманинг бирор талаб ёки моддий манфаатдорлик учун эмас, бадниятга, айниқса, ҳажвийетга қизиқиш, эътиқод ва китобат ишига ҳавас юзасидан кўчирилганига қаноат ҳосил қилиш мумкин.

«Зарбул масал»нинг Андижон нусхаси кўриш қисмининг тўлиқлиги «узилишлар»нинг келиши, асарда тилга олинган тирехий шиклар, жой номларининг осонга мувофиқ келиши (котиблар респонсивигага утранимаганини) ва бисмилалар билан қисматлилар. Бирок нусханинг бир нухани нуксани бор: унда тўх билан буталок шикларини янашар қисса бўл, «Тамати бутаса аноси билан мушоахат қилгани» баъзида ёзилган бу қиссанинг қолган ҳамма

қўлёзма ва босма нусхаларда борлиги, қиссанинг мазмун ва ифодасида Гулханий услубининг аниқ кўриниб туриши бизга унинг қўлёзмадан тушириб қолдирилгани хақида гапиришга асос беради⁴⁹.

Қўлёзма ҳозир Бобир номдаги Андижон область кутубхонасининг қўлёзмалар ва нодир китоблар бўлимида 275 инвентарь рақами билан сақланмоқда.

Қўқон нусхалари. Гулханий «Зарбул масал»нинг Қўқон адабиёт музейида сақланаётган қўлёзмаларидан бири алоҳида муқова ичига олинган 1068 инвентарь рақамли нусхадир (шартли белгиси—Қ1). Қўлёзманинг ҳажми 84 варақдан иборат бўлиб, юпқа Қўқон қоғозиغا йирик ва чиройли настаълиқ хати билан ёзилган. Асардаги персонажларнинг номлари, алқисса, байт, шеър, ҳикоят сингари сўз ёки қисмлар қизил снёҳ билан ажратилган. Варақлар формати—13×20 см. Ҳар саҳифада 9 қатордан ёзув бор.

Асарнинг бу нусхаси хижрий 1288 (1871) йилда Андижонда маълум бир топшириққа кўра ёзиб тамомланган. Асар охиридаги колофонда бу ҳақда қуйидагилар айтилади:

محقق قالسونا كيم بو كتاب ضرب المثل الفيدال ولايتيه
سيد نصر الدين بيگلى كتبه سر كرتى فرمايشى بوله امام بولدى
ملا عبدالقيوم كاتىبى قوليدى سنه 1288

[Махфий колмасунким, бу китоби зарбул масал Андижон вилоятида Сайид Насриддинбекни катта саркорини фармойиши бирла итмом бўлди. Мулла Абдулқоюм котибнинг қўлида. 1288-сана]. Қўлёзма:

اي اعدىكە جودىك فملى و بلاشى عرب و نوم ببولدى
بىدىك صحيفىد طعرا لورده ريمى تورور

[Эй аҳадеки, ҳамдинг фасоҳати ва балоғати араб ва ажам девонларининг саҳифасида туғро узра зийнате турур] жумласи билан бошланган. Бошланма А нусхасига қиёс қилинса ва унинг олдида лавҳа бўлганлиги назарда тутилса, қўлёзмадан дастлабки варақнинг тушиб қолганлиги сезилади. Айрим варақларнинг тушиб қоллиши ва бунинг натижасида мазмуннинг «узилиши» ҳоллари бошқа ўринларда (4,38-варақлардан сўнг) ҳам учради.

Қ1 қўлёзманинг котиб томонидан бир неча ҳикоятлар ҳисобига кенгайтирилгани ҳам аниқдир. Исо Охунд бойвачча банги хақидаги ҳикоят (40a—44a варақ), Дадабой корчалони аблаҳ (54a—55b варақ) ҳамда Муҳаммад Содик қози ва унинг қозилигидаги воқеалар ҳикояти (58a—61b варақ) ака шулар жумласидан саналади. Муҳаммад Содик қози хақидаги ҳикоятларда котиб унинг

49 **اسفاره انازعه** [Исфара уёзиға] қози бўлганлиги тўғрисида га-

⁴⁹ Ҳикоятнинг бошланishi нусхада, ҳақиқатан ҳам, 17-варақнинг янги саҳифасига туғри келади. Бироқ у ерда қиссанинг бошланishi эмас, унинг хиссаси келтирилган, холос.

пирадики, «уёз» (уезд) сузининг Гулханий замонига, бу ҳикоятларнинг эса «Зарбул масал»га ҳеч қандай боғланмаслиги ўз-ўзидан равшан.

Қулёзманинг ҳамма варақлари бутун сақланган. Латин асосидаги ёзувга кучганимиздан кейинги даврда у реставрация қилиниб, оддий картон муқова ичига олинган.

«Зарбул масал»нинг Қўқон қулёзмаларидан яна бири Қўқон адабиёт музейида 1052 инвентарь рақами билан сақланувчи баёз ичидаги нусхадир (шартли белгиси — Қ2). Баёз 183 варақдан иборат бўлиб, унда «Зарбул масал» (118а—139б варақ)дан ташқари «Санавбар», «Ҳикояти Саъди Ваққос», «Гул ва булбул», «Маликаи дилором» каби асарлар, уша давр шоирларининг ғазаллари ўрин олган. Баёз бошдан охиригача биргина котиб дастхати билан новвотранг Қўқон қоғозига ниҳоятда зич қилиб ёзилган. Қ2 қулёзмаси «Ровийларнинг ривояти» билан бошланиб, «Кунушбону ойим бирла Қўлангир Султоннинг айш-ишратга машғул бўлгани» билан тамомланади. Асарнинг ҳамду сано ва китоб таснифининг сабаби айтилган кириш қисми, кўчирилган вақти, жойи, котибнинг номи сингари маълумотлар қулёзмада кўрсатилмаган. «Зарбул масал»нинг охирида *نامه تمام و سلام*

[нома тамом, вассалом] дейилган холос. Туя билан бўталоқ ҳақидаги қиссанинг:

باز ايشى فرغانده بر ساريان

تومس بار ايشى توتوب ناكشان

(Бор эди Фарғонада бир сорбон,
Теваси бор эди туғуб ногихон) —

деб бошланган биринчи маснавийси бор. Қ2 нусхасининг ёзуви ва тилида бошқа нусхалардагидан фарқ қиладиган томонлар учрайди. Чунончи, ёзувда кўпинча унли товушлар тегишли ҳарфлар орқали ифода этилмайди: *تور* — бер (128б), *تورلوك* — турлук

(118а), *سار و سار* Абдукарим (120а). Қулёзма тилида эса: *سار و سار*

كوتولوك اوز كوتولوك اوستنه اوستنه اوستنه — Сан дахи кулунг ўз кумачинг устига тортма (123а) — («А» нусхасида «Сан кулни уз кўмачингга тортма»); *باز حياضه انا بايامز قيس مسلك جردهور سالفوموسر*

— Биз жамоага ота-бобомиздан минг чордевор солғучи биз (132б) — (А нусхасида «...аммасининг маҳри минг чордевор, мунинг ҳам маҳри минг чордевор») сингари қиёсий тарзда эътибор билан ўрганishга лойиқ уришлар бор.

Баёзнинг мундарижаси (унда Машраб, Равнақ, Хувайдолар қаторидан Муҳаммад Алихон ғазаллари ҳам жой олгани), қоғози, хати ва тил хусусиятларига қараб унинг 1860 йилларгача Қўқонда кўчирилганини тахмин қилиш мумкин.

«Зарбул масал» қулёзмаларининг Қўқон нусхаларидан учинчиси уша музейида 1024 инвентарь рақами билан сақланувчи алоҳида муқовали қулёзмадир (шартли белгиси — Қ3).

Ҳажми, тили ва сюжет йўли бўйича бу қўлёзма асарнинг Қ2 нусхасига жуда яқин туради. Асарнинг кучирилган жойи ва шитиб маълум эмас, аммо унинг охирига «1290» санаси ёзиб қўйилган. Юлқа, новвотранг Қуқон қоғози. Қўлёзманинг формати каттароқ (15×26 см). Ҳар саҳифага 13 қатор ёзув сиғдирилган. Хати йирик, лекин чиройли эмас. Қизил сиёҳ билан ажратилган сўз, қисмлар бор. Ҳажми 35 varaқ. Айрим саҳифалар (1a, 2b, 3a, 6a, 7a, 8a, 10b, 13b, 17a, 17b, 19a, 19b)да қўлёзмани кучирган котибнинг кейинги тахрир давомида киритган тузатиш ва тўлдиришлари учрайди. Бир неча саҳифалар (5a, 7a, 13b, 16b) да нам таъсирдан юзага келган доғлар бор. Қўлёзма қайта муқоваланган, юлқа картон ичига солиб тикилган. Асарнинг бошланиши ва тугалланиши Қ2 нусхасида қандай бўлса, бу нусхада ҳам шундай. Қўлёзма охири (35a varaқ)даги колофонда қуйидагилар ёзилган:

تمت شد بموفق خدای لایزم این کتب روز در شنبه شد تمام
 ۱۲۹۰ سنه والله اعلم بالصواب

(Таммат шуд. Батавфиқи худоӣи лояном. Ин китоб рузи чашоршанба шуд тамом. Сана — 1290. Валлохи алам биссаваб).

Нусханинг график белгиларига назар солсак, унинг нисбатан саводсизлик ва қатъиятсизлик билан кўчирилганига ишонч ҳосил қиламиз. Унда айрим сўзлар: *بہیلقی قولی* — Япалоққуш (2b);

بی سامانلیم — бесомонлигим (12b) тарзида ўринсиз ажратиб ёзилгани ҳолда, баъзилари: *کیروب* — кируб (2a), *ایاغد* аёғида (3b)

сингари қисқартиб ёзилган.

Кўрқуш тилидан Кулонгир Султонга қарата айtilган «Подшоҳи одилга уч тоифадин гузир йўқдир» деб бошланадиган панднома асарининг бошқа ҳамма нусхаларида насрий йўл билан берилгани ҳолда Қ2, Қ3 нусхаларида назм билан баён қилинади.

Буюк Каримий қўлидаги нусхалар. «Зарбул масал»нинг Буюк Каримий фойдаланган қўлёзмалари оригинали топилмагани сабабли, биз уларнинг ташқи белгилари ҳақида олимнинг тавсифларини келтириш билан чегараланамиз. Буюк Каримийнинг асар текстига ёзган «Гулхаший ва унинг «Зарбул масали» сарлавҳали бош сўзида қуйидагиларни ўқиймиз:

«Қўлёзмалардан биз асос қилиб олган нусхамиз дарпарда қоғозда ёзилган, хати очиқ, лекин котиби номаълум бўлиб, 1299 ҳижрийда ёзилганлиги кўрсатилгандир. Иккинчи қўлёзмамиз бадхат ёзилган бўлиб, котиби ва ёзилган йили кўрсатилмаган. Бошдан бир varaғи тушган бўлиб, охириги бети ҳам ўқиб бўлмас даражада эскирган, ҳатто кўп хатлари учиб кетгандир. Бу қўлёзмани Хева шаҳридан қўлга туширилганимиздан қатъи назар, бизга бу қўлёзма Хоразм котиблари томонидан кучирилган нусха бўлиб кўринади, чунки унда Хоразм шеvasига хос унсурлар жуда кўп

⁶⁰ Буюк Каримий, Уша қўлёзма, 2-бет.

کلامیکه سلطان کنوزش بانو ایم دین
کلام دل مایل قلیسید لایحه لادرا اولیغه
بی لارائی جمله مودوس لارنه هم مراد
وقفه نویغه بنکور کای این آیین در

الغایین مخفی

فانیس کیم لوکای فریالانند بجان
دلاست پد پست اندر الدین بیکن کتبه
همر کارینر فرمانیش برله امام بولدی
علا عبد القیوم کاتبی قویله

Буюк Қаримий қўлидаги нусхаларнинг биричиси (шартли белгиси — БК1) тўлиқ бўлиб, яхши сақланган кўринади. Унда Мухаммад Қосим даллоли раиғворфуруш билан бир мардикор ўртасида бўлиб утган воқеалар ҳикоятчи ҳам борки, халқ оғзаки ижодида илмоқдаги гуштга бўйи етмаган мушукнинг «Пуф, сассиқ экан» деган масалига ижтимоий мазмун бериб тўқилган бу ҳикоят бундан бошқа нусхаларда учрамайди. Бизнингча, каттагина ҳажмли бу ҳикоят асарга кейинчалик котиб томонидан қўшилган.

Чала, хиралиги ва санаси, котиби, кучирилган жойи ноаниқлигидан қатъи назар, иккинчи қўлёзма (шартли белгиси — БК2)нинг ҳам биз учун муҳим қиммати бор. «Зарбул масал»нинг Буюк Қаримий тузган матни қўлёзмасидаги изоҳларга (БК2 қўлёзмасининг БК1 нусхасидан фарқ қиладиган ўринларига) қараб ҳукм қилинса, БК2 нусхасининг нисбатан анча эскилиги, кўп жиҳатлардан унинг А қўлёзмасига яқинлиги аниқ кўринади. Бироқ бу нусханинг ҳам қисман бўлса-да ўзига хос томонлари бор: Кабутар билан зог ҳақидаги қисса бошқа ҳамма нусхаларда узбекча насрий йул билан ҳикоя қилингани ҳолда БК2 нусхасида тожикча маснавий формасида баён этилган.

«ЗАРБУЛ МАСАЛ»НИНГ ЛИТОГРАФИК НУСХАЛАРИ

Асарнинг литографик усул билан тарқатилиши асосан 1890 йиллардан бошланди. «Зарбул масал» худди шу йили Н. П. Остроумов томонидан Қозон университети босмаҳонасида, 1896 йилда эса ноаниқ ношир томонидан иккинчи марта Тошкентдаги Ф. Брейденбах босмаҳонасида нашр этилди.

Қозон босмасининг қандай манба асосида юзага келгани бизга қоронғи бўлса ҳам, дастлабки Тошкент босмасининг айти Қозон босмасидан кўчириб босилгани аниқ. Асар 1903 йили Ильин босмаҳонасида баъзи тафовутлар билан учинчи марта босилади. Асарнинг кейинги ҳамма нашрлари шу учинчи нашрга жуда яқин. 1904 йилда мазкур асар мазмунига мувофиқлаштириб (қушларнинг узаро суҳбатларини тасвирлаб) ниҳоятда жозибали қалами суратлар билан чоп этилади ва бу суратлар асарнинг кейинги баъзи нашрларига ҳам олинади.

Асарни алоҳида китоб ҳолида нашрга тайёрлашда Абдулҳамидқори Жалолободий, Мулла Муҳаммад Шоҳмурод котибининг шогирдлари — Сирожддин маҳдум (Сидқи Хандақликӣ), Мулла Ортиқбой каби котиблар кўп меҳнат қилишган. Бироқ асарнинг ҳамма босма нусхалари мавжуд қўлёзмаларнинг бирортасига мувофиқ келмайди. Бунинг устига улар ёмон таҳрир қилинган. Аввалги босмаларда йўл қўйилган хатолар кўпинча кейинги нашрларда ҳам айнан такрорланган, тузатилганлари ўрнига эса янгидан хатолар қўшилиб қолган. Чунинчи, никоҳ маросимларида «~~...~~» «амри шаръи»дан бири А нусхасида: «Беҳиёнати шаръи шариф урмагайсиз» бўлиб келади. Бу жумла Қозон ва биринчи Тошкент босмасида: «Беижозати шаръи чўқуб кетмагайсиз» шаклида ёзилган. Кейинги нашрларда бу жумла бутунлай тушириб қолдирилган. «Бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи

билан келур» деган мақол аввалги босмада «Бемор тузалгуси келса, табибга уз оёғи била келур» тарзида хато босилган эди. Кейинги босмаларда бу тузатилган; лекин Кўрқуш тилидан Куй-канакка қарата: «Эмди Кунушбону ойимни маҳри битдимми?!» деб айтилган хитоб «Эмди Кунушбону ойимни маҳри битди» тарзида хато босилган. Босма нусхаларда бундай чалкашлик ва «якир-чикир» тафовутлар кўп. Саҳифалари бир сўз билан бошланиб айни шу сўз билан тугалланадиган ўхшаш нусхалар орасида ҳам, улар бошқа-бошқа котиблар томонидан кучирилгани сабабли, «пасту баланд» ўринлар анчагина учрайди.

«Зарбул масал»нинг биз ҳисобга олган босма нусхаларни қуйидагилардан иборат:

1. **Қозон босма.** Бу нусханинг муқовасига йирик ҳарфлар билан шундай ёзилган:

عمرخاننیک عصریدہ تورغوجی ملا کلغی
تصنیف قلمغان شرب الہتل کلغی

[Умархоннинг асрида тургучи Мулла Гулханий деган шоирнинг тасниф қилғон «Зарбул масал» китоби].

Унинг остидан «Бир нусхасидан аввал маротаба босиладур» тарзида эслатма, яна қуйроқда: «Қозон шаҳридаги университет деган катта мадрасанинг таъхонасида ушбу китоб босилгандур, 1890 йилда» деган ёзув бор. Ношир (Н. П. Остроумов)нинг номи кўрсатилмаган. 48 саҳифа.

2. **Дастлабки Тошкент босмаси.** 1896 йилда Ф. Брейденбах босмахонасида чоп этилган. Нусханинг муқовасида Қозон босмасидаги сингари ёзувлар бор. Нусханинг хати чиройли, лекин котибнинг номи кўрсатилмаган.

3. **1903 йил (Ильин) босмаси.** Бу босманинг муқовасида ҳам Қозон ва Тошкент босмаларидаги каби ёзув бор. Қизғиш қоғозга чиройли хат билан босилган. Котибнинг номи йўқ. Кенг тарқалган нусхалардан.

4. **Товус суратли нусха.** 1904 йил нашри. Фуломий матбааси. Муқовада: ملا شرب الہتل کلغی («Зарбул масал»ни Гулханий мулла) деб ёзилган. Котиб — Абдулҳамидқори. Бу нусхада 15 та сурат бор. Кам учрайдиган нусха.

5. **1907 йил босмаси.** Мулла Мирза Аҳмад Мирза Карим ўғли харажати билан чоп этилган. Кичик форматли, ниҳоятда зич қилиб ёзилган нусха. Кенг тарқалган. Суратсиз. Фуломий матбааси.

6. **Порцев босмаси.** 1908 йил нашри. Очиқ, сийрак хатли, расмли нусха. Ёқуб хўжа Эшон нашри, Сирожиiddин Маҳдум қалами.

7. **1909 йил босмаси.** Ёқуб хўжа Эшон нашрининг «Иккинчи таъаси», аммо Мулла Ортиқ бинни Файзи Муҳаммад қалами. Фуломий матбааси.

8. **1910 йил босмаси.** Бу нусха ҳам Абдулҳамидқори томонидан кучирилган бўлиб, котибнинг аввалги — товус суратли нусхаси билан бир хил.

9. 1913 йил босмалари: а) Мулла Зухриддин Маҳдум бинни Мулла Муҳаммад Мусоқори нашри, Абдулҳамидқори қалами, Гуломий матбааси; б) Мулла Мирза Лҳмад валади Мирзакарим марҳуми Шоший нашри. Қотиби кўрсатилмаган. Расмий; в) Мулла Зухриддин Маҳдум бинни Мулла Муҳаммад Мусоқори нашри, Сирожиддин Маҳдум қалами.

10. 1916 йил босмаси. Ношир ва қотибнинг номи ноаниқ. Хати сийрак. Охирида рамка ичида «Хотиматул китоб» деб ёзилган.

Узоқ даврлик маданий алоқалар давомида Гулханий адабий меросининг («Зарбул масал» қўлёзмаларининг) узоқ шаҳар, вилоятларга, қўшни халқлар орасига, (Жумладан Туркия кутубхоналарига) бориб қолган бўлиши эҳтимол. Бироқ ҳозирча буни тугал аниқлашга муваффақ бўлмадик⁵¹.

«ЗАРБУЛ МАСАЛ» НУСХАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ҚИЕСИ ВА ТЕКСТ ТАНҚИДИ

«Зарбул масал»нинг илмий-танқидий текстини тузишга киришиш олдида, табиий, бизга ҳам «бадий-тарихий ёдгорликни филологик жиҳатдан таҳлил қилиш ишининг дастлабки босқичи»ни уташга⁵², яъни нусхалар тарихини ўзаро қиёсий аспектда чуқур урганиб чиқишга тўғри келди. Бунинг учун эса асарнинг энг эски ва эътиборли қуришган бир нусхаси — А қўлёзмаси асос қилиб олинди. Муқояса ишининг натижалари қутилмаган даражада мураккаб ҳам қизиқ: нусхалар орасидаги тафовутлар одатдагича айрим сўз ёки жумлаларгагина алоқадор бўлмасдан, баъзан бутун-бутун қисмларга, қисман асарнинг умумий сюжет йўлига ҳам алоқадор бўлиб чиқди. Шунга қура, текст тузиш олдига қўйилган вазифанинг тартиби ҳам узғариб қолди. Биринчи навбатда «Зарбулмасал»нинг таркиби (ҳажми)ни, унинг умумий сюжет йўлини аниқлаб олиш зарур. Шундан кейингина «ички тафовутлар»га кўз ташланади ва текст тузиш принциплари белгиланади.

Текстиришлар давомида нусхалар орасидаги ўзаро ухшаш ва яқинликни кўрсатувчи белгиларга алоҳида эътибор қилинди. Нусхалар бир умумий манбадан кўчирилган эмас экан; ҳажми, таркибий қисмларнинг тартиби, ҳикоятларнинг нима билан бошланиб нима билан тугалланиши, айрим қисмларнинг қайси тил (ўзбекчами, тожикчами), қайси усул (насрийми ёки назм) билан баён қилиниши каби қатор жиҳатларга қараб ҳукм қилинганида бу қўлёзмалар «Зарбул масал»нинг ўша замонда ҳар хил қўллар билан кўчирилган нусхаларидан уchtасига — уч манба (архетип)га алоқадор бўлиб чиқди: А нусхаси билан БК2 нусхаси (биз шартли суратда уларни I группа қўлёзмалар деб юритамиз) бир манбадан, Қ2, Қ3 нусхалари (II группа қўлёзмалари) — бошқа бир ман-

⁵¹ Бу олими Умар Осим Оқсойнинг «Ота сузлари ва дейимлари» асарида мақолада онд жуда кўп қўлёзмалар, кейинги адабиётлар рўйхати келтирилган. Рўйхатда Гулханий асарининг 1896 йил Тошкент босмасига қайд этилган. Қаранг: Omer Asim Ak'say. Ata Sozleri ve deyimler, 1965, 5426

⁵² Вертельс, К вопросу о филологической основе изучения восточных памятников, Ж. «Советское востоковедение», 1955, № 3.

бадан, Қ1, БК1 нусхалари (III группа қўлэмалари) эса учинчи бир манбадан кўчирилган.

Асарнинг босма нусхалари кўп ўринларда Қ1, БК1 қўлэмалари билан бир (ёки унга яқин) турса ҳам, баъзан улардан узоқлашади ва ўзига хос хусусиятлар касб этади.

Бир манбага бирлашадиган нусхалар ўртасидаги умумийлик ва яқинлиқни кўрсатиш учун, жумладан, қуйидаги муқоясани келтириб ўтамыз. Кириш қисмидаги бир жумла.

I группа қўлэмаларида:

А	БК2
<p>بناگاه نظر كيميا اثرلارى نوشوب عطاي و الطاق خسروانه نرى نوشوب قرين و شامل احواليم كوروب بوورديلار كه</p> <p>[Баногоҳ назари кимё асарлари тушуб эътоф ва алтофи хисравоналари тушуб қарин ва шомил аҳволим куруб буюрди-ларки...]</p>	<p>بناگاه نظر كيميا اثرلارى نوشوب عطاي و الطاق خسروانه لارى بىلك قرين حال او شامل احواليم كوروب بوورديلار كه</p> <p>[Баногоҳ назари кимё асарлари тушуб эътоф ва алтофи хисравоналарининг қарин ҳол ва шомил аҳволим куруб буюрдики...]</p>

II группа қўлэмаларида:

Қ2	Қ3
----	----

Бу қўлэмаларда кириш қисм бўлмагани сабабли, юқоридаги жумла ҳам йуқ.

III группа қўлэмалар ва босма нусхаларда:

Қ1	БК1
<p>بناگاه نظر كيميا اثرلارى بو كيمنه ملا كلفسيه نوشوب امر قىلدیلار كيم</p> <p>[Баногоҳ назари кимё асарлари бу хамина мулла Гулханийга тушуб амр қилдиларким]</p>	<p>Қ1 нусхасида қандай бўлса, бу нусхаларда ҳам шундай</p>

Еки яна:

I группа қўлэмалар (А, БК2) да:

أندہ ہر ہائی اوغلی و بايقوش و وطن تولمیش ایردی
Анда бир бойўғли ва бойқуш ватан тутмиш эрди.

II группа қўлэмалар (Қ2, Қ3) да:

أندہ ہر ہائی اوغلی بايقوش و وطن تولمیش ایردی
Анда бир бойўғли бойқуш ватан тутмиш эрди.

III группа қўлэмалар (Қ1, БК1) да:

أندہ ہر ہائی اوغلی بیکار بايقوش و وطن تولمیش ایردی
Анда бир бойўғли деган бойқуш ватан тутмиш эрди.

Босма нусхаларда:

أندہ ہائی اوغلی دیگان و وطن تولمیش ایردی
Анда бойўғли деган ватан тутмиш эрди.

Ўхшаш нусхалар орасидаги умумийликни курсатувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, бироқ бу умумийлик баъзи жиҳатлардан анча нисбий тус олади. Шундай ҳоллар ҳам борки, сўз қўллашда, сўзларнинг фонетик—график кўриниши, морфологик шакли, тузилиши, айрим эпизодларнинг бор-йўқлиги ва уни ифодалаш усулида нусхалар ўз «жуфти»дан узоқлашади, бошқа группа қўлэмаларига яқинлашиб қолади ёки узига хос кўринишга эга булади. Учинчи группа қўлэмалар ва босма нусхалар орасида бундай фарқлар, айниқса кўпроқ, Биргина соҳа — тарихий шахслар номини қўллаш соҳасини олайлик.

Чунончи, I, II группа қўлэмалари бўйича:

أصغر اوله اراسيمده كنجكينه خاں منطور بولسه

(Одамизод орасинда Кичкинаҳон манзур бўлса) дейилган жумла Қ1 нусхасида:

شاه عبدالرحمن يکهنه منطور بولسه

(Шоҳ Абдурахмон пакана манзур бўлса), БК1 нусхасида:

ملا عيسى اوله کوراماك شوم منطور بولسه

(Мулла Исо авлиёни кўрнамак шум манзур булса), Босма нусхаларда эса:

عظم حاک منطور بولسه

(Азимжон манзур бўлса) — дейилади.

Яна, I, II группа қўлэмаларида:

بو سوزلنك بر زنككا ارخشايور كذا

(Бу сўзунг бир зангига ўхшаюрки) — дейилган гап Қ1 нусхасида:

بند پشوره گل صحن کو اکثاری سوزیکه اوخشاوری که

(Бадбашара Қал Ҳасан кукнорининг сўзига ухшаюрки), БК1 қўл-
ёзмаси ва босма нусхаларда:

پشور برونق قصابغه اوخشاوری که

(Ашур йиртиқ қассобға ухшаюрки) — дейилади.

Ёки яна:

ابراهيم بيك باعالي باغينه شمع اندلوتيد بر باغيني باراوردى

(Иброҳимбек боғбони боғида таъби тунд, лаванд бир боғбони
бор эрди) жумласи Қ1 қўлёзмасида:

كامل باداوليك ملا محمد سائقى باعنده اورىكا اوخشاكارا طمع ليد
لوند بر باعالي باراوردى

(Конибодомлик Мулла Муҳаммад Содиқнинг боғида ўзига ўхша-
ган таъби тунд, лаванд бир боғбони бор эрди); БК1 нусхасида:

حلمى خالق سقر پروانه جينى باغينه قسيم شمع دېكان بر باغيني

(Ҳожи Ҳолиқназар парвоначининг боғида Қосим Шайх
деган бир боғбони бор эрди); Босма нусхаларда:

محمد خالق باغيني باعنده بر سقر باغى دېكان احق باعالي باراوردى

(Муҳаммад Ҳолиқ бойнинг боғида бир Сафарбой деган аҳмоқ боғ-
бони бор эрди) — тарзида узгариб кетади.

Куринадики, «Зарбул масал» текстининг узгариши, асосан,
учинчи группа қўлёзмалари ва босма нусхаларга хосдир.

Учинчи группа (ва босма) нусхалар таркибида нусха кучирил-
ган давр ва шароитнинг тақозоси билан асарга қўшиб юборилган
қисмлар ҳақиқатан ҳам кўп. Қ1 қўлёзмасида ҳажв қилинган
Мулла Муҳаммад Содиқ қози Конибодомлик, Дадабой корчалони
аблаҳ, БК1 қўлёзмаси ва босма нусхаларда учрайдиган Мулла
Исо авлиёни кўрнамак, шум, Мулла Абдураҳмон Офтобачи қип-
чоқ сингарилар ана шулар жумласидандир. Тарихни билган, эшит-
ган кишилар назарида Мулла Абдураҳмон Офтобачи, Мулла Исо
авлиё сингари Қўқон хонлигининг сунгги даврларида яшаб ўтган
таниқли кишилар номининг Гулханий «Зарбул масал»ида зикр
қилиниши, айниқса, ғайри табиий ва ажабланарли бир ҳолдир.
Ҳақиқатда эса бу номлар асарга кейинги давр котиблари томо-
нидан маълум мақсад билан киритилгандир⁵³. Уларини ҳам нусха
кўтарувчи, ҳам муаллиф, ҳам муҳаррир санаган котиблар⁵⁴ Гул-

⁵³ Гулханий «Зарбул масал»нинг Ҳ. Еҳубов томонидан қилинган нашрида
ҳам асардаги Абдураҳмон Офтобачи шахсига шубҳа билан қаралган ва изоҳ-
ларда унинг Қипчоқ Мусулмонқулнинг ўғлидан бошқа тарихий шахс бўлиши
херак», деб айтилган. Қараг: Гулханий, «Зарбул масал» ва газаллар, Уз-
адабийнашр, Тошкент, Иккинчи нашри, 1960, 28-бет.

⁵⁴ Э. Бертельс, К вопросу о филологической основе изучения восточных
памятников, Ж. «Советское востоковедение», 1955, № 3, стр. 14.

ханий «Зарбул масал»га келганда янада эркинроқ ҳаракат қилган куринадилар. Бунинг маълум сабаблари ҳам бор. Азбалта Асарнинг мазмуни халқ ҳаётига, унинг тили эса омма тилига илҳоятда яқиндир. Бундай асарни кўчирувчи котиб учун утмишдаги воқеалар ва шахслар номини энг қилишдан қўра, уша қолипга тушиб турган воқеа ва кишилар номини каламга олишнинг алоҳида завқи ва аҳамияти бўлган.

Асарнинг умумий сюжет йўлига, унинг мазмунига алоқадор бўлган тафовутларнинг энг муҳими Қордон билан Бойқуш ўртасида бўлиб ўтган можаролар давомида кўринади. Текстда Бойқуш тилидан Тева билан Тулкининг савол-жавоби, Имом Абу Юсуф ва бир бетамиз одам воқеаси, дарахтнинг ҳул шохини қуруқ шохига пайванд қиладиган ва бу билан узини «соҳиби имтиёз» санайдиган мақтанчоқ боғбон ҳақида кулгилли ҳикоятлар келтирилади. Шу ҳикоятларнинг можародаги ўрни, тартиби ва уларнинг қандай мақсадни кўзлаб айтилгани масаласида А, Қ1, БК1 қўлёзмалари ва босма нусхалари бир йўлда, Қ2, Қ3 қўлёзмалари бошқа йўлда бўлиб ажралади.

А, Қ1, БК1 нусхаларида улар суҳбатнинг ўртасида, меҳмонга нисбатан беадабчилик қилган Бойқушнинг «Тевадин ҳам утқариб сўзлабман ўхшар» деган узри мақомида келтирилган. Қ2, Қ3 қўлёзмаларида эса бу ҳикоятлар, биринчидан, суҳбатнинг финалига яқин ўринда айтилади ва, иккинчидан, бунда Қордоннинг бўйи баяндлиги, ақли норасолигига қаратилган ишора, қочирим маъноси кузда тутилади. Ҳикоятларнинг тартиби ҳам бошқача.

«Умр савдоси», «хайрли иш» юзасидан икки «шахс»—Қордон билан Бойқуш, узоқ мунозара қиладилар. Бойқуш Қордондан куп аччиқ гаплар эшитида, охири ундан енгилгандай бўлиб, Қордоннинг «жасади узвини» мулоҳаза қилади: «буйи намози аср соясидин узук», «буруни ноҳамвор андуво қилинғон қабрдек», «сақоли нофидин қуйи». Шунга мослаштириб у туя, новча бетамиз, боғбон ҳикоятларини нақл келтиради. Унинг орқасидан иккилари яна баланд-паст айтишадилар.

Кўринадики, воқеанинг мантиқий ривожланиши нуқта назаридан ҳам, асарнинг шу ўрингача бўлган лексик-грамматик ва стилистик ўлчовлари бўйича ҳам ҳикоятларни келтиришдан кейинги группа қўлёзмалар (Қ2, Қ3) да назарда тутилган маъно «Зарбул масал»нинг аслига мувофиқдир.

Муқоясадан ана шу тарзда асарнинг аслига мансуб қисмлар ажратиб олинганидан кейин улар орасидаги «жузъий фарқ»ларга, воқеаларнинг узаро боғланиш ўринларига танқидий тарзда қараш имконияти туғилади.

Шунинг қайд этиш зарурки, «Зарбул масал» нусхаларни орасида сўз қўллашга, жумла ва ифоданинг қурилишига доир тафовутлар ҳам мавжуд. Қўл ёзилган нусхалар билан бир «Синий фонетик-график шакл» ҳар қил бўлиб келганидан ташқари, уша «Зарбул» бошқа «Зарбул» вариантлари — синийнинг ҳам келтирилади. Масалан, ҳозирги «Зарбул» «Зарбул» (1) ффи (А), «Зарбул» (Қ3).

«Зарбул» тўли (БК2), «Зарбул» тўбфи (Қ2) шаклларида ёзилгани

ҳолда босма нусхаларда унинг **بورك** — «бўрк» варианты ҳам келади.

Суз қўллашга доир фарқлардан яна бир неча намуналар келтириб утамиз:

1. **قالين بيراي** — қалин берай (Қ2, Қ3),
كوبين سولاي — кобин солай (Қ1, БК1);
2. **خاريقلار** — ҳарифлар (Қ3)
— нечанд ҳарифлар (БК2), **مردملار** — мардумлар (Л),
مردملىق — бир неча аҳли суллоҳ (БК1);
3. **ياريم ميسقول** ош (А) **ياريم لقمه** ош (А) **ياريم لقمه** ош (Қ3),
ياريم لقمه — ярим ошам ош (Қ1, Қ2, БК1);
4. **ميرنجورى** **جولوڧورى** (Қ1) **ميرنجورى** отбоқори (А)
— мирохури (БК1), **ملازمى** — мулозими (Л);
5. **يورقونك بيله** — юртунг била (А) **يورقونك بيله** — юртунг била (Қ3)
يورقونك بيله — уяунг бирла (Л);
6. **جىلى جىلى سوز لاسانك** — Жили-жили сүзласанг (А),
جىلى سوز بىلان — Жили сүз билан (БК2),
يخشى يخشى سوز بىلان — Яхши-яхши сүз билан (Қ2),
سچوڭ سچوڭ سوز بىلان — Сучук-сучук сүз билан (Қ3),
شېرىن شېرىن سوز بىلان — Ширин-ширин сүз билан (Л);
7. **خارج اسراق بولماسون** — (Ҳаржи исроф булмасун (А),
خارج اسراق بولغۇدەك بولماسون — (Ҳаржи исроф булгудек бўлмасун (Қ1, Қ2, Қ3, БК1),
خارج اسراق بولمۇدەك بولسۇن — (Ҳаржи исроф бўлмогудек бўлсун (Л).
Жумла тузилишига оид:
باردى يەنە كىستى بولۇڭ Борди яна кести булак бир яғоч (А),
بارىقچ لوڭ بولغە كىتوردى Бир яғочлук йулға кетурди яғоч (БК2),
تېمە كىسۇب اردى اوشال Димда кесуб эрди ушал кун яғоч (Қ2, Қ3),
بارىب انكا كىستى يىقچ Бориб анго кести яғоч решасин (Л).
رىشەپىن

Бундай масаллар яна келтирилиши мумкин.

«Зарбул масал» қўлёзмаларини қислаб урганишдан келиб чиқувчи умумий хулосаларга келайлик: мавжуд қўлёзмалар бир асарнинг турлича нусхалари сифатида умумийликка эга бўлса ҳам, алоҳида-алоҳида олиб қаралганда уларнинг бирортаси ўзига асарнинг бутун аслий ҳолатини ақс эттира олмайди: эски, тўғрироқ кўринганлари (А, БК2, Қ2, Қ3) — чала, нуқсонли, тўлиқ ва мукамал кўринишга эга бўлганлари (Қ1, БК1) эса деформацияга учраган, котиблар томонидан қушиб-чатиб, аслидан бирмунча узоқлаштириб юборилган. Босма нусхаларда ўзгартишга дуч келган бундай уринлар янада кўпроқ. Бу нусхаларнинг ҳаммаси биргаликда олиб қаралганда ва комплекс урганилгандагина асарнинг бир бутун ҳолатини тасаввур қилиш, Гулханийнинг «узники» бўлган қисм ва қатламларни тиклаб олиш мумкин.

«ЗАРБУЛ МАСАЛ»НИНГ ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ ТЕКСТИ ВА УНИ ТУЗИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ПРИНЦИПЛАР

«Зарбул масал»нинг илмий-танқидий текстини тузишда асарнинг ва асар нусхаларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқувчи маълум принципга амал қилинди. Аякки, бу принцип фаол танқидий танлаб олиш принциpidир. Бироқ танқидий танлаб олишнинг ҳам муайян асослари, ўрни ва чегараси бўлиши шарт, ақс ҳолда ишда баъзан субъектив ўлчовларнинг ҳолиб келиши турган гап. Бундай асос ва чегарани бизга нусхаларнинг қиёсий манзараси ва илмий-мантқиқий таҳлили белгилаб беради.

Орадаги узилишлар, юқорида кўрсатиб утилган ўзгартиш ва қўшимчалар мустасно қилинса, «Зарбул масал» нусхаларининг ҳаммаси ҳам мазмунан бир умумий йўналишда боради. БК2 қўлёзмасининг бутун қисми А нусхасига мувофиқ. Қ2, Қ3 нусхаларида эса бош қисм чала, аммо бори А. БК2 қўлёзмалари мазмунига ҳамоҳанг. Учинчи группа қўлёзмалари (Қ1, БК1) ва босма нусхаларда аҳвол бошқача: йўналишда умумийлик бор, аммо текст кенг, ўзгартишлар кўп. Эскилиги, эски нусхалар орасида бутунлиги, тил хусусиятлари ва стилистик жиҳатдан булган баъзи мундир белгиларига кўра текст А қўлёзмасининг изи ва изми билан тузилди. Бироқ муқояса жараёни натижаларига асосланиб туриб таянч нусха ўрнида қабул қилинган А қўлёзмасига ҳам изчил танқидий назар билан ёндашишга тўғри келди, жойи билан бу қўлёзма ҳам рад этилиб, асарнинг умумий мазмуни тақозо этган бошқа нусхалар афзал кўрилди. Бошқа нусхаларга таяниш зарурияти туғилган лойтларда энг аввал БК2 қўлёзмаси ундан кейинги ўринда Қ2, Қ3 нусхаларига мурожаат қилинди. Бу нусхаларда ҳам узилиш юз бериб қолган ҳолларда (бундай ҳоллар бир неча бор учрайди) текст А қўлёзмасини Қ1, БК1 нусхаларига таққослаш асосида давом эттирилди. Шундай қилиб, ишга ихтиёримиздаги олти қўлёзманинг ҳаммаси жалб қилинди.

«Зарбул масал»нинг босма нусхаларига келсак, бу нусхаларнинг ўзаро фарқли экани ва улар кўп жиҳатлардан учинчи группа қўлёзмаларга яқин келишини юқорида айтиб ўтган эдик. Танқид-

дидан босма нусхаларда ушундай вариантларнинг биринчиси (1903 йил Ильин босмаси) эътиборга олинди ва унда учрайдиган тафовутлар ҳам қўлёзмалардаги фарқлар қаторида «Л (литография)» белгиси билан текст остида қайд этиб борилди.

Босма нусхалардаги айрим қисмларни ўқиш ва унга маъно беришда асарнинг проф. Х. Ёқубов нашр қилган тексти (шартли белгиси «ХЕ») ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Аммо «Зарбул масал»нинг босма нусхалари билан унинг Х. Ёқубов нашри орасида ҳам фарқли уринлар учрайдики, биз эътиборли манбалар қаторида урни билан бу фарқларни ҳам ҳисобга олдик.

Нусхалар орасидаги фарқларни фиксация этишда биз таомил тусига кириб қолган қуйидагича усул ва ишоралардан фойдаландик:

1. Илмий-танқидий текстга олинган бирор сўз нусхаларда бошқача, яъни фарқли келса, у ҳолда асосий текстга олинган сўз тепасига тегишли тартиб рақами қўйилиб, текст ости (илмий аппарат)да уша рақам, рақамдан кейин қўлёзма (ёки босма нусха)нинг шартли белгиси, унинг охиридан ўзгариб келган сўзнинг ўзи ёзилди. Масалан, текстда: *چوئىنى عوار ئولسانىڭ كوركا ئوشار* аппаратда: 2 БК2 *طبر* 3 БК2 *حسى*

Агар сўзга доир булган бундай тафовут бир неча нусхалар учун умумий бўлса, нусхаларнинг номлари аппаратда маълум тартиби билан курсатилди ва ундан кейин фарқли сўз ёзилди: текст: *طعامغه* 5 ҚІБКІЛ *كورقوش —وز لمانىن دىن اشقه^۵ ئوشايرى*

2. Тафовутлар айрим нусха ёки нусхалар орасида бошқа-бошқа булса, улар аппаратда шаклий ёки маъновий яқинлигига қараб тартиби билан курсатиб борилди:

текст: *ايتت كاتىڭك يوقموكى*
аппарат: 4. БК2 *اوقغانىنىڭ* ҚІБКІ

3. Тафовутлар сўз бирикмаси ёки жумлага алоқадор бўлса, уша бирикма ёки жумланинг бошланиши (ўнг томони)га юлдузча (*), охирига эса тегишли тартиб рақами қўйилди:

текст: *"لوى اوبلاكان قل نىك ئورماس"*
аппарат: II* ҚЗБКІ *اوبالكان قىز* Қ2 *اوبالكان قل نىك ئورماس*
БК2 — *التركا حارسه ئالچىبىلى*

4. Илмий-танқидий текстга олинган, аммо айрим нусхаларда туширилган сўз, жумла ёки қисмлар текстдаги чегараланган белгиси билан аппаратда минус (—) орқали, қўшилиб қолган қисмлар эса плюс (+) орқали ифода этилди.

5. Айрим нусхаларда текстнинг каттароқ қисмига алоқадор фарқ бўлиб, бошқа нусхаларда ўша қисм таркибидаги сўз ёки жумлаларга оид кичик тафовутлар учраса, у ҳолда фарқли қисмнинг бошланиш урнига қуш юлдузча (**), қўйилиб, энг аввал

одатдагича усул ва тартиб билан сўз ва жумлага онд бўлган ички фарқлар кўрсатиб олинди, фарқли қисмга алоқадор изоҳлар эса ундан кейинги ўрида берилди. Мисол:

**

текст: لېجو ككېم ايتميش لار بيتى ئوگلوڭس يورنىكا راقمه جېكوتش
ماكونىڭە بېرىكېشەلىنى سىن مىنكا غالىشور لىك كور كورلار سىن

аппарат: 1* А — 2** Қ1 Қ2 Қ3 БКІЛ —

Текстда ва аппаратда шунинг сингарин уч юлдузча билан ажратиб кўрсатилган фарқлар ҳам мавжуд.

Айрим нусхалар таркибида илмий-танқидий текстга олинмаган ёки олинганидан фарқли бўлган ҳикоят ва ҳажвий парчалар бор. Биз уларни текст ва аппаратда юқоридагича ишоралар билан қанд элдик, ҳикоят ва ҳажвий парчаларни эса текст охиридаги иловаларга кўчирдик.

ГРАММАТИК ОЧЕРК

Гулханийнинг «Зарбул масал» унинг икки муҳим жиҳатига кура тил тарихи нуқтан назардан алоҳида ва атрофлича ўрганишга лойиқдир. Бирн шуки, асар ўзбек адабий тилида ёзилган бадий прозанинг XVII аср охири ва XIX аср бошларига мансуб нодир намуналаридан саналади. Иккинчидан, унда турмуш воқеалари мақол-маталлар, турлича халқ айтимлари орқали оғзаки сўзлашувга яқин форма ва усуллар билан баён қилинади.

Асар тили материал жиҳатдан, айниқса, бой ва қизиқарли бўлиб, унда ўзбек тили тарихининг шу даврдаги ҳолатини ҳар томонлама тасаввур қилишга имкон бера оладиган муҳим далиллар учрайди. Бу ўринда эса «Зарбул масал» тилининг қисқа грамматик очеркни келтириб ўтамиз.

МОРФОЛОГИЯ

ОТ

Кўплик формаси. Асар тилида ҳам отлардаги кўплик формаси, одатдагидек, *-лар*¹ аффикси билан қўлланган бўлиб, унинг асосий функцияси грамматик кўплик тушунчасини ифодалашдан иборатдир: *Ровийлар андоғ ривоят қилурларким...* (8)². *Япалоқлар қуруғондек сани юборурмуди?* (22). *Анда ўлтурғон одалар айдилар* (57). *Дарахтлар арра жафосини билса эрди...* (65).

Кўплик формасидаги отлар баъзан ҳурмат, пичинг, кучайтириш (тасвирийликни орттириш) каби маъноларда ҳам қўлланган.

Ҳурмат, пичинг маъноларида: *Ҳазрати Мусони тилларини калолати бор эканким...* (24). *Ичулари бирла машварат қилур эрдилар* (24). *Амиримиз алрларини вожиб билиб...* (7). *Кўёв бўлатурғон ўғлуни исми шарифлари нимадур?* (15).

¹ Техник сабабларга кура, грамматик форма ва мисоллар транслитерация асосида берилди, изоҳланаётган аффиксларнинг қаттиқ ва юмшоқ вариантларни ҳам ажратиб кўрсатилмади.

² Мисолларнинг саҳифа номерларини курсатишда лдмий-танқидий текстдаги эски ўзбекча рақамлар ҳозирги система асосида берилди.

Кучайтириш маъноси: *Кўзларини ёшлари сувдек окиб* (33). *Йўлда темурдек эди қумлар қизиг* (32). *Бошугли буларни келганидин огоҳ бўлуб... меҳмонхонасига палослар солиб чироглар ёқиб, аларни қўндуруб, учоғларида ўтунни тўлдуруб қалай бошлади* (71).

Баъзи уринларда араб ва форс-тожик тилларидан узлаштирилган кўплик формасидаги отларга ҳам лар аффикси қўшиб ишлатилган: *савобит ва сайёра кавокиблари* (3). *Араб шуаролари эрдилар* (6). *Алфозларингга борман* (93). *Мажмуи ёронлари бирла ўлтуруб эрдилар* (93).

Эгалик формалари. Эгалик формалари куйидаги аффикслар билан учрайди.

Шахслар	Бирлик	Кўплик
I шахс	= <i>(и)м</i> , = <i>(у)м</i>	= <i>(и)миз</i>
II шахс	= <i>(и)нг</i>	= <i>(и)нгиз</i> , <i>(у)нгуз</i>
III шахс	= <i>н</i> (=си)	= <i>лари</i>

Эгалик муносабатлари асар тилида қуйидаги икки йўл билан ифодаланган:

а) фақат эгалик аффикслари ёрдамида (қаратувчи сўз келтирилмайди): *Қарин ва шомил аҳволим кўруб...* (7). *Заифангни оёгини... кўрганам йўқ* (93). *Ақлу докишинг борлиги етишича тартиб вер* (7). *Кўзум кўзиға тушти эрса, беҳуш бўлдум* (105). *Уғлумни муборак исми Қулангир Султон подшоҳ* (15). *Биз диёрингизға муҳим хайр учун келдук* (107). *Кўнглунгуз эр тилар ўхшар* (10);

б) қаратувчи сўз билан эгалик аффиксини олган сўзнинг бирикма асосида: *Бул кафш мани заифамни оёғиға лойиқ келурму?* (93). *Сани қулоғинг қазон қулогидек сўз эшитмас* (110). *Сани кўзунг узукни кўзидек кўрмас* (110). *Бу нечук тунки, ани тонги йўқ, ё муаззинларини бонги йўқ* (102). *Савсани садзобон анинг васфида ожиз* (35).

Асар тилида абстракт эгалик маъносини ифодаловчи **-ники** аффиксли форма ҳам бор, лекин кам ишлатилган: *Узунгинки бўлса...* (88). Бу маънонинг қаратқич келишиги аффикси **(-нинг)** ёрдамида ифодаланиши ҳам қайд қилинди: *Бу атоё ва бу хилвати фохира бизнинг бўлғай* (6).

Келишик формалари. Асар тилида ҳам олтига келишик амалда бўлган.

Бош келишикнинг функцияси одатдагидек эга ва кесим вазифасида келишдир. Бош келишик формал кўрсаткичга эга эмас, бошқа келишиклар бош келишикка махсус аффикслар қўшиш билан шаклланади.

Қаратқич келишиги формаси -нинг аффикси билан шаклланади. Мисол: *Араб ва ажам девонларининг дебочалариға туғро*

узра зийнати турур (3). Бизнинг фасоҳатимиз амири гардунсаринимизга маълум турур (6). Яъни... ва Бойқушнинг қудалиқлари орасинда... батартиб ба... ўлур (8).

Асар тилида қаратқич келишиги маъносида купинча тушум келишиги формаси (-ни) қўлланган³: Япалоққушнинг ота-бобосидин қолгон жойи бор эди (7). Унинг умри эди ул бойни, Оти Кунушбону йшал ойни (9). Ақрабни муддаоси ниш урмоқдур (69). Асилни хатоси бўлмас, нокасни атоси (71). Айтган сўзини тузини ўзи тотмаган... (48). Қизингни қалинини баен қил (112).

Қисмлари такрорланган мақолларда ҳам қаратқич келишиги маъносида бир ўринда тушум, бошқа ўринда қаратқич келишиги формасининг қўллангани кузатилади: Ошни таъми туз билан, сувнинг таъми муз билан (5).

Қаратқич келишиги маъносида тушум келишиги формасининг бу қадар кенг қўлланишга адиб мансуб бўлган шеванинг (Кўқон шевасининг) таъсири булганлиги шубҳасиздир. Бу ҳол ҳам уз навбатида асар тилининг сўзлашув тилига яқинлигидан гувоҳлик беради.

Тушум келишиги -ни аффикси билан қўлланади ва бу келишк одатда воситасиз тулдирувчининг шакллантиришга хизмат қилади: Сафар яроғини бекам қуст қилмоқ керак (56). Ман сани қизингни феъл-атворини билмасман (93). Кунушбону ойимни макиён янгалар олиб кириб Кулангир Султонга қушидилар (117).

Асар тилида тушум келишиги формаси фикр йўналтирилган объектни кўрсатиб, жўналиш келишиги функциясида ҳам қўлланган: Қизим, сани айтаман, келишим, сан эшит (75).

Асар тилида тушум келишигининг шеърятга хос бўлган -ни аффиксли формаси ҳам учрайди. Бу аффикс III шахс эгаллик формасидаги сўзларга қўшилиб келган: Дуо қилгучилар... аввал уз нафсларин дуо қилурлар, андин кейин мўъминларни (60). Хуршиди оламтоб зиррапарварлик ойинин қулдин бермас (60). Бойўғли Кордоннинг жагаби узвин мулоҳаза қилди (93).

Жўналиш келишиги формаси -га/-га||-қа/-ка аффикси билан қўлланади: Хижалатдин йилонга ўзини чақтурди, ҳалоқ бўлди (18). Оёғ югуруги ошқа, оғиз югуруги бошқа (13). Санга завчи бўлмоқ нидур? (23). Гардун била ерга боқ, фикр эт (64).

Жўналиш келишигининг шеърят тилида учрайдиган -а аффиксли формаси ҳам ишлатилган. Бу аффикс асарда III шахс эгаллик формасидаги сўзларга қўшилади III шахс эгаллик формасидаги сўз унли билан тугатгани учун -а аффикси олдидан [н] ундо-

³ Тушум келишиги формасининг қаратқич келишиги вазифасида келишк эски узбек тилига оид текстларда, жумладан, «Бобирнома»да ҳам учрайди. Бу хусусият ҳозир шаҳар... ва В. Решетов қаратқич-тушум келишиги деб кўра, -ни кўрсаткичли келиш... В. Решетов «Об одном узбекском падеже», «Тюркологический сборник», I, 1951, стр. 170). А. М. Щербак эса қаратқич вазифасида келган -ни аффиксли формаси қаратқич келишигининг қисқарган шакли деб тўхтайди (А. М. Щербак, Грамматика старобухарского языка 1963, стр. 113).

равона бўлди (3).

Асарда жўналиш келишиги формасининг ўрин-пайт келишиги маъносида қўлланиши ҳам учрайди: *Қўлига эски ўроқ...* (42). *Талаб йўлига собит қидам бўлдим* (7). *Бирини меҳмонхонасига таом устига меҳмон бўлибдур* (57). *Юрур кўчага нўхтасиз мар каби* (85).

Ўрин-пайт келишиги -да аффикс билан қўлланган III шахс эгаллик формасидаги сўзларга қўшилганда -да аффикс олдида баъзан [н] ундоши ортирилади: *Сўз бобинда... доди фасоҳати калима ва калом верурилар* (4). *Ва ани ёнинда, бир яғочлик ерда Яналоққушини... жойи бор эрди* (9). *Ва яна бу сўзни устинда эрдиларким...* (11). *Аларнинг мажлисинда маҳр солай* (111).

Ўрин-пайт келишиги формаси сўз негизи билан боғлиқ ҳолда ўрин, пайт сингари маъноларни ифодалайди: *Бор эди Фарғонада бир сорбон* (31). *Илгариги аҳди айёми нофаржомда...* (8). *Шул орада баногоҳ бир шаҳри азим пайдо бўлди* (67).

Ўрин-пайт келишиги формасининг бошқа келишиклар ўрнида қўлланиши ҳам учрайди:

а) жўналиш келишиги ўрнида: *Аларни кўндуруб, учоғларидида ўтунни тўлдуриб қалай бошлади* (71).

б) чиқиш келишиги ўрнида: *...ёнинда жой бериб айди* (39).

Чиқиш келишиги -дин аффикси билан учрайди. Текширилаётган асар тилида ҳам бу келишкдаги сўз иш-ҳаракатнинг чиқиш ўрини, бошланиш пайти, сабаби, воситаси, объекти сингари маъноларни ифода этади: *Анвойи шақойиқ ва сечаклар касратидин пўнғарга кўнган чоғда ҳам товусни думидек турланиб, мунаққаш кўрунур эрди* (9). *Олдинги тишим йўқидин ўт ёқолмадим* (71). *...торгарга кўз йўқидин малумсан* (110). *Бугунги нақд ўлка тоғлаги қуйруқдин яхшидур* (75). *Бўйи намози аср соясидин ҳам узун* (94). *Бу тоифани оз хизматидин кўброқ миннати бўлур* (42).

От ясалиши

От ясалиши бўйича «Зарбул масал» тили билан ҳозирги ўзбек тили орасида жиддий фарқ килувчи ҳолатлар йўқ.

Қўида асар тилидаги аффиксация нули билан от ясалишига тўхтаб ўтамиз.

Исмдан от ясовчи аффикслар: *-лик/-лик/-лиғ/-лиғ (-луғ/-луғ)* аффикс билан асосан от, сифат туркумидаги сўзлардан от ясади ва бу отлар абстракт белги, ҳолат оти, касб-ҳунар номи ва шунга ухшаш маъноларни ифодалайди: *...гоҳ бечоралиқга иқрор...* (51). *...қариллики боши...* (51). *Кам сафарлик кўргузарсан* (18). *Ман дағи нажжорлигин ўрганай* (29). *Карам на эрди, бахиллик сўзин дединг, зй шоҳ* (43). *Ё очлиғ ва ялоғочлиғдин келдиму?!* (36). *Туюрларнинг шолиғи*

анга максуб эди (52). Кордон зўрлиқ андозасидин сўз кел- турди (78).

Бу иффиқ ёрдамида конкрет предмет номини билдирувчи отлар ҳам ясалган: *От бошиғи иш тушса сувлуқ била сув чар* (98).

-лиқ/-лик//лиғ/-лиғ аффикси -гу/-гу аффиксли ҳаракат номи формасига қўшилганда, узакдан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолат номини англатувчи белги оти ясалади: *Билгулуқ ва эшитгулуқдур бу сўзким...* (4).

-лиқ/-лик//лиғ/-лиғ аффикси сифат ясалишида ҳам иштирок этади («сифат ясалиши» бўлимига қаранг).

-чи аффикси билан касб-ҳунар эгасини билдирувчи отлар яса- лади: *карнайчи* (35), *итарчи* (78) — қушчи («ит қилганини итарчи қилмас»), *завчи* (22) — совчи («сабчи//сўзчи»), *ҳаммомчи* (98).

-чи аффикси -гу/-гу аффиксли ҳаракат номи формасига қўшил- ганда, узакдан англашилган ҳаракатни бажарувчи шахс оти ясалади.

Сан сўз сўргучи бўлгунча ва ман жавоб бергучи бўлгунча, иккимиз ғойиб бўлсак яхшидур (37). *Ялғон айтса бўлур, айтгучи доно бўлса* (98). *Эй маъшари тюрорлар, англагучи бўлунглар, ман маҳр солай* (113).

-чи аффиксининг феълга қўшилиб от ясаши ҳам учрайди, лекин кам: *Шўранулни Маликшабоханг жанобиға севинчига чоп- турди* (53).

Исмдан от ясовчи қуйидаги аффикслар туркий тиллар тарақ- қиётининг қадимги даври учун хос бўлиб, асар ёзилган даврда улар от ясаш хусусиятини йўқотган:

-дош: *йулдош* (66), *қариндош* (73);

-дуқ: *Кўрки, бурундуқ кишини қулида//Бу кишини кўз- лари ўз йулида* (33).

-чок: *мунчоқ* (10) (<мўйунчоқ//бўйунчоқ). Қиёсланг: МК: *мунчуқ* (I, 440). «Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия»да: *бунчуқ* (188-бет).

-гу/-гу: *кузгу* (6). Феълдан ҳам от ясади: *итолгу* (16) —

қуш ағачи

-рук: *Юмрик юкнуб би(й)к бўлмас* (25). *Ҳаромзадани куйруғи бир тутам* (21). Қиёсланг: МК: *от қудруки* (111, 273).

-суқ: *қилимсуқ* (25) — иш биладиган, удлабурон; *Ёмон отга ел битса, ёнига тўрсуқ боғлатмас* (90).

Асар тилида қайд қилинган ясама отларнинг бир группаси форс-тожик тилидан узлаштирилган сузларни ташкил қилади. Масалан: *қаландор* (87), *мисгар* (57), *дурадгар* (34), *пустиндуз* (60), *кафшдуз* (90), *ҳазинадор* (55), *жиловдор* (91), *амалдор* (82), *шўшкор* (97), *намазон* (58).

Отларга қўшилиб кичрайтириш, эркалаш каби маъноларни ифодаловчи аффикслардан асар тилида қуйидагилар қайд қилинди:

-лок: *Уртади тайлоқини нори фироқ* (32).

-жон: *Итини оти Маржон, эгасини оти Қалжон* (18);

-ча: *сандуҳча* (87), *Нияъча* (84) — лақаб. Бунда кичрайтириш эмас, камситиш маъноси бор.

Феълдан от ясовчи аффикслар. Асар тилида қайд қилинган феълдан от ясовчи аффиксларнинг хўлчилиги кам маҳсул булган.

-к/-к//-ғ/-г (унли билан келган фонетик вариантлари билан): *пичоқ* (11), *бика* (71), *ўроқ* (42), *ўхлоқ* (54), *улоқ* (99), *тушоқ* (7), *яроғ* (19), *билак* (53), *узук* (110).

-қоқ/-ғоқ: *ботқоқ*, *қотқоқ* (91), *ёнғоқ* (75).

-ғуч: *салғуғуч* (81);

-(и)н: *қалин* (11), *келин* (75), *экин* (49);

-ш (-иш/-уш): *тикиш* (62), *сўйиш* (106), *талаш* (99);

-ма: *солма* (64) — бўйинга солинадиган тақинчоқ;

-м (-им/-ум): *ем* (23), *ярим* (16), *тутам* (21), *етим* (59), *ўлум* (12);

-мир: *ёмғир* (76) (<ёмғир);

-моқ/-моғ: *қуймоқ* (42), *бармоқ* (61), *илмоғ* (109);

-(о)в: *жилов* (56), *индов* (43), *етов* (20), *қалов* (71);

-доқ/-дақ: *югурдақ* (36);

-моч: *кўмоч* (34) (<кўммоч);

-муқ: *буламуқ* (25) — овқат туря.

СИФАТ

Асар тилида *оқ*, *кўк*, *сариг*, *дўнг*, *кенг*, *яхши*, *ёмон*, *чин*, *ялғон*, *сучук*, *ширин*, *шўр*, *пук*, *йўғон*, *ингичка*, *тўғри*, *ўнг*, *узун*, *хўл* каби аслий сифатлар учрайди. Мас.: *Гўрга*, *қариндошингни оқ халтаю кўк халтаси* (89). *Сариг итага рози булур* (74). *Қўчқор бўлур қузини пешонаси дўнг бўлур, оға бўлур йигитни этак-енги кенг бўлур* (16). *Яхши нафас—ярим мол* (15). *Ямон иснод сандин қолур* (30). *Чин суз анга ялғон...* (48). *Андоғ бўлса, бир сучук жавоб айтинг* (50). *Ман нечук кафғир олмай ошни тузини шўр дерман* (50). *...ичи пўк, кўза кўк...* (51). *...тўғри сўзга тўғаноқ, ийзову кулфатга ёвуғроқ, курк товугдек сувга пишарга ўнғроқ...* (54). *Сиз ширин жавоб беринг* (47).

Сифат ясалиши

Асар тилида аффиксация усули билан ясалган сифатлар анча кенг қўлланган. Аналитик йул билан ясалган сифатлар эса кам учрайди. Кейинги тип сифатларга мисоллар: *Кўк кўйлаклик қурутқа уздин кетса, ўхшамас* (96). «*Оз ошим — ғавғосиз бошим*» деган сўз бир уйлук кишилар сўзидур (44).

Исдан сифат ясовчи аффикслар: *-лиқ/-лик//лиғ/-лиғ (-луқ/-луқ//луғ/луғ)*. Бу аффикс от ясашда ҳам, сифат ясашда ҳам махсулдор бўлган.

-лиқ/-лик (ва унинг бошқа фонетик вариантлари) орқали ясалган сифатлар ўзакдан англашилган нарса, белги ёки хусусиятга эгаликни билдиради: *Аммо олдиларинда кичкина югурдакларидин бир Куйканак отлиқ қуллари ҳозир эрди* (36). *Кул бўлсун кулоғи еғлиғ бўлсун* (41). *Ик(к)и суюклик бир кунгулға сигмас* (58). *Оламда нимарса йўқдур сувдин тотлиғ* (64). *Турлук муарриф тағриф анинг шаънида нобуду ночиз* (35). Анда

иломга яроғли, ~~бизни~~ қулоқ, ~~бизни~~ қулоқ (26).
-ли/-лу. Бу аффикс ҳам юқоридаги аффикс (-ли/-лу) орқали ясалган сифат маъносига тенг сўз ясайди. Биринчиси асарда -ли/-лу билан ясалган сифатлар кам учрайди: *Бети туклуни юзига боқма* (18). *Маъзали сўзга ҳар қанча қулоқ солса бўлур* (73). *Базмдин сўнг ҳар қанча қонуннавозли сўзунг бўлса, англа-са бўлур* (79).

-сиз аффиксин билан ясалган сифатлар ўзакдан англашилган нарса, белги ва хусусиятга эга эмаслигини билдиради: *Пўлод пичоқ қинсиз қолмас* (11). *Иштонсиз тиззаси йиртиққа қулур* (14). *Қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғини тошидин* (13). *Оз ошим — гавғосиз бошим* (44); *Думсиз эшак дум иштиёқиса юруб қулоғидин айрилгондек бўлма* (82). *Баланд мол солинг. Озорсиз маслаҳатдур* (108).

-қи/-қи/-ғи. Бу аффикс пайт, ўрин билдирувчи сўзларга қушилиб, пайт ёки ўринга муносабатни, хослик маъносини билдирувчи сифат ясайди: *Бурунғи яхшилардин қолиб экан...* (5). *Илгариги аҳди айёми нофаржомда...* (8). *Эртаги савдони даҳсар оғирлиги бор, кечки экинни хатари бор* (49). *Бугунги нақд ўпка тонглаги қўйруқдин яхшироқдур* (75).

-дағи/-дағи аффиксин ҳам пайт ва урин билдирувчи сўзларга қушилиб, пайт ёки ўринга муносабатни, хослики билдирувчи нисбий сифат ясайди: *Уйдаги савдо бозорга рост келмас* (56). *Сизни кирдорингизни одамизод орасидаги Холвоқи мисгарга ўхшаш фаҳмадим* (57). *Нағма навосини фалак-фалакдаги малоикаларга еткура бошладилар* (72).

Исмдан ясалган ясама сифатларнинг бир қисми форс-тожик тиллардан ўзлаштирилган сўзлардир. Масалан:

-дор: *амири номдор* (4), *Хисрави номдор* (81);

бе-: *Кўзум кўзига тушти эрса, беҳуш бўлдум* (105). *Сиз айтган Яҳёхужа котибдурким, мудом ҳар ишда ўзидек бемаза, бефаҳм ва беидрок одамга маслаҳат қилур эрди* (87). *Сани бу хорсифат найзаи бемажолинг... не кор қилсун?* (69). *Сўзини айтиб нетарсан анодин бемаҳал туққанга* (73).

но-: *Кўзи кўйқордек нодон...* (54). *Оинада ўзини акси номуборагини кўруб...* (75). *Ҳар ким ножинсдин муруват тилар* (42). *...аморат аҳлига бу иборат нописанд булур* (44).

Феълдан сифат ясовчи аффикслар: -қ/-қ/-ғ/-г (унли билан келувчи вариантлари билан) аффиксин орқали ясалган сифатлар феъл ўзгагининг маъноси билан боғлиқ белгини англатади: *Фаршат оёғи оксоқ* (51). *Ош деган ерга қуруқ калла югурубдур* (43). *Иштонсиз тиззаси йиртиққа қулур* (14). *Феълдан ясалган сифатлар чўх и с (с) и ғ/Ййлда темирдек эди қумлар қизиг* (32). *Борди яна, кести бўлак бир яғоч* (28). *Тешук мунчоқ ерда қолмас* (10).

-ма: *Ачитма ковоқни дават деб олиб* (87).

-ш: *Мезбон хижлат чекар ҳар неча меҳмондур таниш* (38).

Сифатнинг даража формалари

Княсий даража: *Иккимиз ҳам ғойиб бўлсак яхшироқдур* (37). *Изову кулфатга ёвуғроқ, курк товуғдек сувга пишарга ўнғроқ...* (54). *Ўйдик ул уғроқ эди бир гулбуне* (27).

Белгининг камлигини ифодаловчи форма: *Кичкина деманг бизни, сакраб урармиз сизни* (37).

СОН

«Зарбул масал» текстида соннинг қуйидагича тур ва формалари учрайди:

Саноқ сонлар: а) Содда сонлар: *бир* (53), *ик(к)и* (59), *уч* (94), *тўрт* (117), *беш* (52), *олти* (96), *йет(т)и* (26), *туқ(қ)уз* (3), *ўн* (60), *йигирма* (52), *ўт(т)уз* (110), *қирк* (69), *йўз* (108), *минг* (110);

б) Составли саноқ сонлар: *ўн ик(к)и* (26), *ун беш* (60), *йигирма беш* (61), *уч юз* (104), *тўрт юз* (8), *беш юз* (104), *олти юз* (110), *минг тўрт юз* (110).

Бир сонининг ўзига хос маъноси ва вазифаларни бу асар тилида ҳам кузга ташланиб туради:

а) Саноқ маъноси билан қўлланади: *Иброҳим алайҳиссаломни кофирлар манжинаққа солиб ўтга отарда бир поясинда ҳозир эрдим* (61). *Болта билан бир учини ёрди ул* (28).

б) Ноаниқлик маъносини билдиради: *...бир эски шаҳристон бор эрди* (8) *...бир Ҳудҳуд йулуқти* (22). *Бир кун ул тева си ни қумлади* (32). *Анда бир тева лойга йиқилиб...* (97). *Йулда бир тулки йулуқти* (97).

в) Маънони кучайтириш, таъкидлаш учун ишлатилади: *Мунда бир олиб, анда бир жавоб берсак яхшироқдур* (45).

г) Такрорланиб келиб, иш-ҳаракатнинг юз беришидаги тартиб ва изчилликини кўрсатади: *Бойўглини онча муҳим хайрга рағбати бор эрди — бир-бир баён қилди* (52).

д) Такрорланиб, тегишли ўзгартувчи қўшимчаларни олиб, икки шахс орасида ўзаро амалга оширилган ҳаракатни кўрсатади: *Мутанкийлар... доирани шаст бериб, бир-бирига айтур сўзлари булдурки...* (79).

Тартиб сонлардан текстимизда бирдан учгача бўлган рақамларгина бор ҳолос. Биринчи маъносида аввал, бири сўзлари қўлланади, иккинчи формаси билан бир қаторда кейинги, арабча сонлиги сузи ҳам ишлатилган. Мас.: *Шул одам уч хислатдин ташқари эмасдур: аввал, бўйи узундур. Иккинчи, сақоли нофидин қуйидур. Учунчи, бир бемаъни сўзни саволига жавоб сўрғали келур* (94). *Ва яна сизга тўрт амри шаръики келган: бири булким, беижозати шаръи шариф урмагайсиз...* (117). *Ман маҳр солай: аввал — Ургут, сониян — Янгиқўрғон...* (113).

Жамловчи сон. Асар тилида жамловчи сон маъноси, асосан эгалик аффиксини олган саноқ сонлар орқали ифодаланган: *Ик(к)и си бир-бирига ваҳшат била назора қилур* (23). *Ик(к)и си сув ичмоққа қасд қилди* (23). *Иккимиз ҳам ғойиб бўлсак*

яхшироқдур (37). Ани ижарасини олиб, бирини мол эгасига, туқ (қ) узини ўзини қуйнига урган... (90).

Шу билан бирга, асарда жамловчи соннинг -ав аффикси билан ясалган формаси ҳам учрайди: Ва бир-икав ду жуба бирла қоҳили намозни мустаҳиб тутуб ургандек дангур-дунгурга ура бердилар ва бир-икав даф орқасини ўғрини орқасини утга тоблагондек тоблаи берди (72).

Доналик сон. Асар тилида доналик сон маъноси саноқ сон орқали ифодаланган: Илгариги айёмда ик (к) и хумома бор эрди (63). Анда Кўрқуш кўрдик, хасису ҳарис агар минг чордевордин бир чордевор кам бўлса, ут (т) уз тишини бир-бирдин синдурур (110). Анда қизни айғонидек подшоҳга қалин солди: «юз тева, ик (к) и юз йилқи, ...беш юз куй қизни бош-кўзи» деди (108).

Чама сон. Асар тилида икки саноқ соннинг жуфтлашуви орқали чама сон маъноси ифода этилади: Бир-икки вайрона булса ҳам обод бўлмоқликқа далолат қилур (81). Бир тилла-ярим тилла... (90).

Қаср сон. Қаср сон турларидан текстимизда ярим сўзи учради: Яхши нафас — ярим мол (16). Кўрқуш ҳарчанд файпаслади — ярим ошам ош табақни тубидан тобмади (44).

Нумератив сўзлар. Асарда қўлланилган нумератив сўзлар жумласидан қуйидагиларни курсатиш мумкин:

ботмон: Чумчук семуруб ботмон булмас (14);

туб: Ани боғбони ўзини боғбоне сонуб, олти туб дарахтни ҳул шохини қуруқ шохига пайванд қилур эрди (96);

тилла: Харжу харажот учун кам-пеш олган экан, мистоқи, бир тилла-ярим тилла дегандек (90);

нафас: Қиши қўшина бир нафас булса жой (85);

қари: Бурунғилар сўзидурки, ҳиндуни уз жойинда қозуғи қирк қари эмиш (78);

ошам: ...ярим ошам ош тобмади (44);

тутам: ҳаромзодани қуйруғи бир тутам (21);

яғоч (+лик): Ва ани ёнинда — бир яғочлик ерда Япалоқ қушни... жойи бор эрди (9); ярим яғоч йўл қатъи эдуб борур эрди... (21).

ОЛМОШ

«Зарбул масал» текстидаги олмошларнинг турлари ҳозирги ўзбек тилидагидан жиддий фарқ қилмаса ҳам, уларнинг шакллари, турланиши ва, қисман, маъноларида ўзига хос хусусиятлар кўринади.

Кишилик олмошлари. Асар тилида кишилик олмошларининг қуйидаги формалари қўлланган: ман, сан, биз, сиз, ул, алар//онлар.

Кишилик олмошининг I шахс бирлиги (мен) маъносида (сузловчи шахснинг ўзига нисбатан) асарда камина сўзи, бу камина бирикмаси ҳам қўлланган: Эй кур, камина сизни билумлук, маънидин бохабар сонур эрдим (12). Камина уз нафсимни ҳам

хушнуд қилурман, Султон амрики ҳам (59). Баногоҳ назари киме асарлари бу каминна Мулла Гулханайга тушуб... (7).

Биринчи шахснинг кўпчилигини кўрсатувчи кишилик олмоши (биз) бир уринда кўплик аффикси билан ҳам қўлланган: *Бизларга возеҳ ва лойеҳ эзур...* (112).

Асар текстида II шахс бирлигига нисбатан ҳурмат, эҳтиром маъносига уэлари олмоши ишлатилади: *Эй подшоҳи олам, уэлари маъни поясидан бебахра эканлар* (54).

Кишилик олмошларининг келишиклар билан турланиши:

кели- шиклар	I шахс		II шахс		III шахс	
	бирл.	кўпл.	бирл.	кўпл.	бирл.	кўпл.
бош кел.	ман	биз	сан	сиз	ул	алар
қ—қич к.	маннинг	бизнинг бизни	саннинг сани	—	анинг ани	аларнинг
туш. к.	мани	бизни	сани	сизни	ани	аларни
жун. к.	манга	бизга бизларга	санга	сизга	анга	оларга
ўрин- пайт к.	манда	—	санда	—	анда	—
чиқ. к.	мандин	—	сандин	сиздин	андин	олардин

Кўрсатиш олмошлари. Бу//бул кўрсатиш олмоши нутқ моментида мавжуд булган яқин предмет, шахс, воқеа-ҳодисага нисбатан қўлланади. Асарда бу олмошнинг ҳар икки вариантти ҳам ишлатилган: *Бу сўзни эшитган сўнг...* (7). *Бу сўзни устинда эрдиларким...* (11). *Рўзгор қизини расми эли будур* (47). *Бу л сўзни тафсилани «Силсилат-уз заҳаб»дин тоб!* (17). *Бу л муҳим хайр кечга қолур* (18). *Йўлдош булмок шарти бу л эрмаски...* (68).

Ушбу нутқ моментидида мавжуд бўлган, суҳбатдошлар учун кўришиб, сезилиб турган нарса ёки ҳодисага нисбатан ишлатилади: *Ушбу сўзунг бирла изҳори фазл қилғонингму?* (25). *Ушбу мажмуи туюрларки, шу мажлисда ҳозир у нозир турурлар...* (114).

Ул олмоши бу//бул олмошларига қарама-қарши маънода — сўзловчи ва тингловчидан узоқроқ бўлган нарса, шахс, воқеа-ҳодисани кўрсатиш учун ишлатилади: *Ва ул маҳзура юзини ёшурур* (10). *Ул жамғар термоқда қолди ва бу л жон бермоғда* (70). *Бек ул дурки, олмағай, бергай* (98). *Биз «мўри» дедук, ул «токча» деди* (99).

Ушал сўзловчи ва тингловчига аввалдан маълум бўлган нарса, воқеа-ҳодисага нисбатан қўлланади: *Ушал кишидин сурағил* (36). *Бир жамғар кўрб, ушал эшикдин чиқар эрди* (10). *Оти қилчибонур ўшгай ойил* (91).

Шул нутқ моментида мавжуд бўлган, сўзловчи ва тингловчининг назарида тутилган яқин нарса, шахс ёки воқеа-ҳодисага нисбатан қўлланади: *Ман меҳмон бўлсам, қилғон пешомадинг шу л м у?* (18).

Кўрсатиш олмоши *ул* шаклан ва турланиши буйича III шахснинг бирлигини кўрсатувчи кишилиқ олмоши (*ул*) билан бир хилдир. Кўрсатиш олмошларининг бошқа турлари (асосан *бу//бул*) келишиклар билан *мун* (<бун<бу+н) негизи асосида турланади: *бу//бул, мун, мунга, мунда, мундин: Мун и урнига* Муғни солнинг (115). *Мун га Кўркуш яхши эрди* (91). *Сазовори сахо бўлса, мун да олиб кел* (36). *Оз ошни бергуча, мундин зиёда ут-авло* (43).

Кўплик формасида, шунингдек, чиқиш келишигида *бу* олмошининг [м] лашмаган шакли ҳам учрайди: *Булар бирла ҳар маслаҳат каж эрур* (86). *Булардин кичик қушлар.. йиғиндин ташқари ултурдилар* (111).

Ўзлик олмоши. Бу олмошининг *ўз* формаси (ўзгартувчи қўшимчалар олган ёки олмаган ҳолда) қўлланган. Бу олмошининг ишлатилиш ўрни ва грамматик хусусиятларида ҳозирги ўзбек тилидагидан фарқ қилувчи хусусиятлар кам.

Ўз олмоши ўзгартувчи қўшимчалар олмасдан туриб аниқловчи вазифасида келганида аниқланаётган предметиш маълум шахсга мансублиги ёки ҳослигини таъкидлайди. Асар текстида *ўз* олмошининг бу функцияда келиши куп учрайди: *ўз оёғи* (13), *ўз жинси* (23), *ўз маслаҳати* (62), *ўз қулоғим бирла* (73), *ўз қариндошим* (74), *ўз қизинг, каби: Эма билмас қўзилар ўз аносин эмолмас* (59). *Ўз жойинда Куйканак ҳам коз олур, ҳам ўрдак* (37). *Бозордин ўз заифасига кафш олибдур* (92). *Сан дахи кулни ўз кумачингга тортма ва ё дурадгардек тешани ўз тарафингга чопла* (34).

Ўз олмоши эгаллик қўшимчалари олиб келганида нарса ёки воқеа-ҳодиса тегишли бўлган шахсни конкретлаштириш ва таъкидлаш учун хизмат қилади: *бу ўзи яхши матоғ бўлса, йул узра ётурмуди?* (73). *Ўз қизингни атворини ўзунг билурсан* (93).

Ўз олмоши келишик аффикслари олган ҳолда ҳам ишлатилади. Бироқ бунда келишик аффикслари олдиндан эгаллик аффикслари қўшилган булади: *Ойнада ўзини акси номуборагини куруб...* (75). *Ўзини махтагани — улумни қоровули* (14). *Ўзунгни эр билсанг, яна бировни шер бил* (37). *Ўзидан сураб сизга жавоб берсам керак* (47).

Тушум ва чиқиш келишикларида келганида *ўз* олмоши эгаллик аффиксларисиз ҳам учрайди: *Жон сонуб ўзни уйин этурди тан* (27). *Кук қўйлаклик қурутқа ўздин кетса, ўхшамас* (96).

Суроқ олмошлари. Ким суроқ олмоши шахсга нисбатан қўлланади: *Қизни ким айтмас, қимизни ким ичмас* (34).

не//на предметга, воқеа-ҳодисага, жониворларга нисбатан қўлланади.

Не//на олмошининг маъноси унинг қандай сўзга (феългами, отгами) боғланишига қараб белгиланади: феълга боғланганда «нима», отга боғлаб берилганда эса «қандай», «қанақа», «қайси»

сўроқларни маъносига тенг келади: *Аста юрусанг на бўлур, ман етай* (33). *Эмди на буюурсиз?* (74). *Кўфакни боласига на деб берайин!* (74). *Муътамир отлиқ араб подшоҳи Уяйна исмлик ўглига акд қилгани келибдур, на жавоб берурсан?* (107). *Подшоҳни на мўддаоси бор турур?* (106). *Бу на тикиш?* (62).

Нейна сўроқ олмоши асар текстида кўплик қўшимчаси (-лар) билан, гапнинг кесими вазифасида келганида эса кесимлик кўрсаткичлари билан ҳам учрайди: *Айёми нофаржомдин нелар тегди ва нелар чекдинг?* (63). *Мужиб на дур буён ўтмайсиз?* (67). *Анда Кўрқуш айди: «Сабаб на дур?»* (114).

Нейна олмоши билан бир қаторда асар тилида бу олмошларнинг hozirги нима шакли ҳам ишлатилади: *Карнайчидин нима кетар — бир «пуф!»* (34). *Нима ишлар биткардингизлар?* (99). *Бул бежо ҳаракатдин мўддао нима дур?* (68).

Недин (<не+дин) сабабни аниқлаш мақсадида қўлланади: *Баски, недин бўлди тутулмоқлиги...* (30).

Нечук ҳаракат ёки ҳолатнинг юз бериш сабабини, усулини аниқлаш мақсадида қўлланади: *ман нечук кафғир олмай ошни тузники шўр дерман* (50). *Ўт ёқарни билмайсиз, бизга нечук муомила қилурсиз?* (71). *Бу нечук тунки, ани тонги йўқ* (102).

Неча. Ҳозирги тилимизда миндорни аниқлаш учун қўлланадиган бу олмош асар тилида «анча», «бир неча», «қанча» маъноларида келади: *Бу зарбул масалларни неча ҳижоятлар орасида... тартиб вер* (7). *Анга неча айблар қўюб айтур эрдик...* (76). *Яна неча шаҳрандозасига юртлар бино бўлубдур* (81). *Неча вақтдин сунг қизни отасини ҳозир қилдилар* (107). *Бир манзилда Кулангир Султон неча тобе хослари бирла ўлтурди* (112).

Қайси белгини ажратиш учун қўлланади: *Қайси ошёнаи баланддин парвоз қилдингиз?* (22).

Қайдин нарса ёки воқеа-ҳодисанинг чиқиш урнини аниқлаш мақсадида қўлланади: *Саломлашиб тулки тевани аҳволини сўрди, айди: ҳормасунлар, қайдин келурлар?* (97).

Биргалик олмошлари. Асар тилида *барча*, *бари*, *ҳам(м)а*, баъзи олмошлари қўлланган. *Бари* кам учрайди: *Мавлоно қози Худоёр Маҳвп Истаравшанийки мушкоф эрдилар, бари ғарқи оби тўфон фано эрдилар* (6).

Барча олмоши асарда кенг қўлланган. Бу олмош эгалик, келишик аффикслари билан ҳам учрайди: *Барча эшик очғусидур сабр, бил* (19). *Аёз, ҳаддингни бил, барчани қўй, ўзунгни бил* (17). *Зуряларим барчасига ўргатай* (29). *Бу маҳр солушингга барча туюрлар инсоф ва офарин қилдилар* (114).

Ҳам(м)а олмоши ишлатилиш урнига, айниқса, шеърий ўлчов талабларига қараганда, асарда ҳама шаклида қўлланган: *Емас эрди сомон, ҳама ерди нон* (88). *Ҳама бошдин-оёқ чунон тоза турур* (97). *Бовужуд бу ҳама ноқислиги бирла ўзини ҳамадин мулло ва докишманди рўзгор кўрар эрди* (87).

Баъзи олмоши тўлиқ биргалик маъносини эмас, умумнинг бир қисмини кўрсатади: *Баъзи шуароки, ҳавойижки алойиқ учун ҳар қайси ёнда банотуннашдек мутафарриқа эрдилар* (4). *Яна баъзи қилиликдурким...* (20).

Белгилаш олмошлари. Ҳар белгилаш олмошин предмет, шахс, воқеа-ҳодиса ёки белгини таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади. Белгилаш олмошининг бошқа ҳамма турлари шу олмошга суроқ олмошининг қўшилишидан ҳосил бўлади.

Асар тилида Ҳар ва унга суроқ олмошининг қўшилишидан ҳосил бўлган: Ҳарна, Ҳар ким, Ҳар қайси, Ҳар неча, Ҳар нечук, Ҳар қанча, шунингдек, бир сони орқали ҳосил қилинган ~~Ҳар~~ бир синга-ри белгилаш олмошлари қўлланган.

Ҳар, Ҳар неча, Ҳар нечук, Ҳар қанча олмошлари ўзгартувчи қўшимчалар олмайди. Ҳар ким, Ҳар бир олмошлари эса турловчи қўшимчалар билан учрайди.

Ҳар: Ҳар нукта ўз марказинда чалинди (80). Ҳар тора мўйил ойи мазкурдин нажоте тобқон йуқ эрди (97). Ҳар душанба ва Ҳар чоршанба зиёрат қилур эрди (102). Ҳар муддаонг бўлса, изҳор қил (103).

Ҳарна: Ҳарна солғон қалинини ўз қулогим бирла эшитиб... (55). Ҳарна тилаган қалинингизни... англай, деб келдим (74).

Ҳар ким: Ҳар ким ҳаддидин ошса булдур жазоси! (17). Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур (68). Ҳар кимни тойи бор, кўнглида гумони бор (74).

Ҳар бир: Қуйруғи узун товушқон, ёмон бўлур сўзни Ҳар бирига қовушган (45).

Ҳар қайси: Ҳар қайси ҳаракат андин содир ўлса, аҳсан ва мақбул (56).

Ҳар неча: мезбон хижлат чекар Ҳар неча меҳмондур ташиш (38).

Ҳар қанча: Ҳар қанча қалин деса топилур (11). Банданинг Ҳар қанча журм-хатоси бўлса, подшоҳни андин ортуғроқ афвуетоси бўлур (59). Ҳар қанча талош бўлса қилдук (99).

Ҳар нечук: Ҳар нечук абушқалар марваритдин, қурутқалар маржондин тасбеҳлар уюрурлар (12).

Булишсизлик олмошлари. Асар тилида булишсизлик олмошларининг ҳеч, ҳеч киши, ҳеч қайси формаларигина учрайди.

Ҳеч предмет, шахс, воқеа-ҳодиса ёки ҳаракатнинг инкорини билдиради: Ҳеч билмас ухшаюрсанки... (25) Хайр ишига ҳеч истиҳора ҳожат эмас (50). Суратинда ҳеч ками йуқ, маъни бежо кетса, ҳеч ғами йуқ (54).

Ҳеч киши: Баланд қадр бўлолмас ватанда ҳеч киши (65).

Ҳеч қайси: Подшоҳ ҳеч қайсига рағбат қилмас эрди (106).

Гумон олмошлари. Бу олмошлардан текстимизда нимарса, биррав формаларигина қайд қилинди: Оламда нимарса йуқдур сувдин тотлиғ (64). Кўрсаларким... турна ва ё кўкқўтандек нимарса (94). Ўзунгни эр билсанг, яна биравни шер бил (37). Биравни меҳмонхонасиға таом устиға меҳмон булудур (57).

ФЕЪЛ

Феълнинг функционал формалари

Ҳаракат номи формалари. Асар текстида ҳаракат номларининг қуйидаги формалари учрайди:

-моқ/-мак аффикси орқали ясалган ҳаракат номлари. Ҳаракат номларининг бу формаси «Зарбул масал»да кенг қўлланган феъл формаларидан биридир. Мисол: *Орада турмоқ дағдағаси манда йўқ* (12). *Мақ хотун олмоқ таминноси гарқоби эмасман* (13). *Таом емакда сузлаб таом емак суннатдур. Монанди ҳайвонотдек хомуни таом емак озода мардумлар шева-си эрмас* (46). *Сафар қилмоқ ик(к)и ҳолатдин таиқари эрмас* (64). *Кув ёлсанг, қиз тайёр эшитмоққа қулоқ бор: сўзламоқ сондин, эшитмоқ мандин* (109).

Маълумки, бу форма ўзига ўзгарувчи қушимчалар олиб, гапда от бажарадиган ҳамма вазифаларда кела олади, отлар снгарни кумакчилар билан қўлланади.

-моқ/-мак аффиксли ҳаракат номларига эгалик аффикслари қушилганда, бу аффикслар таркибдаги жарангсиз [қ], [к] ундошлари жарангли [ғ], [г] ундошларига ўтади: *Ермоғини фикрига қилди илож* (28). *Олмоқни бермоғи бор* (83). *Сув узра жасадимиз хасдек юрмағи тоқай?* (70) каби.

Асар текстида -моқ/-мак аффиксли ҳаракат номларига тушум келишиги курсаткичи қушилганида ҳам шу ҳолининг юз бериши кузатилади: *Қўл-оёғни бандиғача ювмоғни...* (62). *Иш битказмоғни...* (109).

-моқ/-мак билан ҳосил қилинувчи ҳаракат номлари асарда -лиқ/-лик аффиксининг қушилиши билан қайта ясалган ҳолда (-моқлик/-маклик) ҳам учрайди: *Баски недин бўлди тутулмоқлиғи, Мумкин эмас бўлди қутулмоқлиғи* (30). *Бир ош емоғлиқ қилдики, табақни тубига тушди* (44).

-моқ/-мак (-моқлик, -маклик) аффиксли ҳаракат номлари асар текстида «керак», «мумкин (/номумкин)» сўзлари билан бирга ҳам келади. Бундай ҳолларда улар бажарилиши лозим бўлган (ёки имконсиз туюлган) иш-ҳаракатни курсатади: *Сафар яроғини бекам қўст қилмоқ керак* (56). *Ўйдин ғамланиб чиқмоқ керак* (56). *Ул ик(к)и фаж-лаж кимдур? — баён қилмоқ керак* (84). *Қуйканакни жеркиб куздин андоқ нари солдики, қайта кўрмаклик номумкин бўлди* (39).

-(и)ш (-(у)ш) аффикси орқали ясалган ҳаракат номларининг маъно ва грамматик хусусиятларида ҳам -моқ/-мак билан ҳосил қилинган форманинг маъно ва хусусиятларига ўхшашлик бор. Бироқ текстимизда кам учрашига қарамадан, -(и)ш/-(у)ш аффиксли ҳаракат номи формасининг грамматик табиатида отлик белгилари кучлироқдир. Мас.: *Бу на тикиш?* *Мушт утмаса хуб тикиш* (62). *Халвоқи мисгар эшикдин кириши бирла азон овози келди* (57). *Қўрқушни маҳр солушига ва Қуйканакни олушига барча туюрлар ҳайрон қолиб...* (114). *Муг эгасини муг атворлиғи бор, лъни бериш йулини йўқотибдур* (115).

Ҳаракат номларининг юқоридаги формалари учун бўлишсизлик курсаткичи умийдир. Бўлишсизлик маъноси бу формаларда -маслик (<ма+с+лик) мураккаб аффикси орқали ифода қилинади. Мас.: *Тинмасликка қолсам керак* (12).

-(у)ш аффикси билан ясалган ҳаракат номлари текстда жуда кам учрайди.

-**ғу/-ғу** аффиксли ҳаракат номлари эса **-чи** аффиксли билан қайта ясалган (-ғучи/-ғучи) ва **-дек** кўрсаткичнинг олган (-ғучидек/-ғучидек) ҳолдагина қўлланган.

-**ғу/-ғу+чи** ҳозирги тилимиздаги каби ҳаракатни бажарувчи шахсни кўрсатади: *Хайр ишига далолат қилғучи савобга шерик* (21). *Дуо қилғучилар... аввал ўз нафсларин дуо қилурлар, андин кейин муъминларни* (59). *Ялғон айтса бўлур, айтғучи доно булса* (98).

-**ғу -дек/-ғу+дек** равиш туркумига мансуб форма ҳосил қилади: *Сан хожага насиҳат қилғудек бўлдингму* (58). *Кетга боқмағудек булса банда, етар мақсудига тез истаганда* (8). *Суннат бажо келгудек иш қилиб жўната бер* (84).

Сифатдош формалари. Асар тилида сифатдошнинг **-ғон/-ған// -қон/-қан, -адурғон/-адурған/-атурған, -р (-ар/-ур), -миш** аффиксли формалари қўлланган.

-**ғон/-ған// -қон/-қан** аффиксли утган замон сифатдоши асарда кенг учрайди. Мисоллар: *Ултурғон қиз ўрин топар* (49). *Ер эди кўнгли тилаган мевасин* (27). *Ик(к)и кема тутқонлар қолди ғарқоб ичинда* (58). *Оғзи ошга теганда бурни қонағон ман бўлдим* (59).

Асар текстида ўтган замон сифатдошнинг бу формаси **-ғон/-ған// -қон/-қан** билан бир қаторда, **-он** кўрсаткичи билан ҳам учрайди. Мас.: *Сабр қилон бандага фармон бўлур* (19)... *деён-бек Едғор пўстиндузни нима дахли бор турур?* (60).

-**ғон/-ған// -қон/-қан** аффиксли сифатдош шахс ёки предметнинг иш-ҳаракатга кўра булган белгисини кўрсатиб, гапда аниқловчи бўлиб келади. Бу унинг асосий маъноси ва вазифасидир. Куплик, эгалик кўрсаткичларини олганда ва келишик қўшимчалари билан қўлланганида гапнинг бошқа булаклари вазифасида ҳам келиши мумкин.

Эга вазифасида келиши: *Ик(к)и кема тутқонлар қолди ғарқоб ичинда* (58). *Анда бу турғонлар жавоб бердилар* (107). *Мингани — ҳуқуз, тилагани — тунғуздин бир туқуз* (54). *Иу қолғони хуб бўлди, бошимга ҳам тор келур эрди* (101).

Гапнинг (бош гапнинг) кесими *бор, йук* сўзлари билан ифода-ланганида бу форманинг (эгалик кўрсаткичлари олиб) эга вазифасида келиши асарда кўп учрайдиган ҳолдир. Мас.: *Эшитганим бор эрдик...* (17). *Англағонингиз йуқму...* (71).

Кесим вазифасида: *Эрман яғочини эгилгани — сингани, эр йиғитни уялгани — ўлгани* (12).

Пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида: *ғам ҳужум этганда, бесомонлигим ортар мани* (38). *Оғзи ошга теганда, бурни қонағон ман бўлдум* (59). *Муфт топилғонда, он миқдор ошар...* (51).

Тўлдирувчи вазифасида: *Кур тутганини ва кар эшитганини қуймас* (13). *Бойўгли буларни келганидин огоҳ бўлуб...* (70).

-**ғон/-ған// -қон/-қан** аффиксли сифатдошлар *бирла, сўнг* кўмакчилари билан ҳам учрайди. *Сўнг кўмакчиси* билан келганида, унинг одатдагича чиқиш келишиги формасида эмас, балки бош

келишикда қўлланиши характерлидир: *Ва яна бу сўзни эшитган сўнг...* (7). *Ёв кетган сўнг...* (91). *Аргумоқ от бўлмас озғон сўнг, хожаси қулига боқмас ёзғон сўнг* (59). *Ота сўраб нетарсан, эрни ўзи бўлғон сўнг...* (88).

-адурғон/-атурғон/-адурган аффикси билан ҳозирги-келаси замон сифатдоши ясаллади. Асарда бу форма кам учрайди: *Анооғ бўлса, кувё бўлатурғон ўғлунгни исми шарифлари нимадур?* (15). *Ҳосили дунё эди бир теваси. Эмадурган орқасидин бутаси* (32). *Бир кун и ул тевасини қўмлади!* *Ортадурган юкларини жумлади* (32). *Сани исмингни Кордон қуубдурлар. Исмингни мазмуни ишни билиб қиладурган* (99).

-р (-ар/-ур) аффикси билан ҳам ҳозирги-келаси замон сифатдоши ясаллади: *Битар ишни бошига яхшилар келур қошига* (13). *Қўч қор бўлур қўзини пешонаси дунг бўлур* (16). *Кордон айди: «Кетар вақтда яна бир ағдарай» деб* (91).

-р (-ар/-ур) аффиксли сифатдошнинг бўлишсиз формаси -мас орқали ясаллади: *Насихат тингламас дил сахту маҳжуб* (76). *Зулмас солман буйнунга солма* (64). *Бермас қизки қалини куб* (108).

-р (-ар/-ур) аффиксли сифатдош формаси эгаллик, келишик қўшимчалари олиб, асар тилида отлашган ҳолда ҳам кенг қўлланади: *Ўйлаки нав киссаларин қистари, Расм эди нажжор яғоч и стари* (27). *Сиз карнай мисдин, балғам фисдин булуруни билмас экансиз* (13). *Эчкуни оти Мулла Абдукарим бўлурға ҳануз вақт бор эрди-ку!* (15). *Ғуслда неча фарзу суннат борини билмай сурардин уялган...* (48) каби.

-миш аффикси билан ҳам утган замон сифатдоши ясалган. Бироқ асар текстида сифатдошнинг бу формаси кам учрайди: *Жаҳд қилиб турди равон борғали, яъни ёғоч қолмишини ёрғали* (29). *Бели огримангни нон емишига боқ* (114).

Арханк форма сифатида асарда -дур/-дуқ аффикси билан ясалган сифатдош ҳам учрайди, аммо жуда кам: *Сан манга данишварлик кўргузарсан, куланг қарчугой бўлдуғин, балчиққа ботганин ҳикоят қилурсан* (18).

Равишдош формалари. Асар тилида равишдошнинг -а(-й), -б(-иб/-уб), -ғали/-ғали, -ғунча/-ғунча аффиксли формалари учрайди.

-а (й) аффиксли равишдош формаси;

а) якка ҳолда қўлланиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини курсатади: *Тал оша келган ўлтурмас талоша* (34). *Айрон тилай келсанг, челагингни яшурма* (46);

б) кушма феълнинг таркибида келади: *Замондин сўнг чайни мазкур тебрана берди* (68). *Кордон бирла Турумтой сафар яроғини муҳажге эдуб жўнай бердилар* (70). *Ҳарчинд «пуф» қилди, ўтун ена бермади* (71). *Соқийи тумтароқлар пиёла суна бошладилар* (79).

-б(-иб/-уб) аффиксли равишдош формаси;

а) якка ҳолда қўлланиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини курсатади. *Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қопиб сўзлар* (92). *Кўрқушини кўрган ҳамон қақшаб айди* (98);

б) қўшма феълнинг таркибида келади: *Кулангир Султонни илгари меҳмондин қолгон оши бор эрди, Курқушни олдиға чиқариб қўйди* (43). Анда *Кунушбону ойим бошини қуйи солиб турди* (47). *Ик(к)иси кетиб борур эрди* (66). ...*йўл узасидин бир ойна топиб олди* (75). Анда *подшоҳ Уяйнани ўрдасиға олиб борди* (104).

Равишдошнинг -а/-й, -б/-иб/-уб аффиксли формалари учун бўлишсизлик кўрсаткичи умумийдир. Бўлишсизлик маъноси уларда -май (-майни), айрим ҳолларда -масдин аффикслари оркали ифода этилади. Мас.: *Улум, сўзни билмай сўзлагангаки...* (14). *Жаҳд ила етмай онаси кейниди...* (32). *Ман нечук кафгир олмай ошни тузини шўр дерман* (50). *Нобийно Бийно сўзини қулоқға олмайин* (18). *Чайнамайин еганлар кавшамайин кетарлар* (77). *Курқуш сўзламасдин ошга туша берди* (46).

-ғали/-ғали аффиксли равишдош формаси мақсад маъносини англатади: *Жаҳд қилиб турди равон борғали...* (29). *Манга насиҳат ўргатғали келдингму?* (76). *Саволиға жавоб сурғали келур* (94).

-ғунча/-ғунча аффиксли равишдош пайт маъносини билдиради: *Сан сўз сўргучи бўлғунча ва ман жавоб бергучи бўлғунча, иккимиз ҳам гойиб бўлсак яхшидур* (37). *Манинг бирла тик сузлашғунча, бориб Бойўғли бирла сўзлашгил!* (15). *Чекишмағунча бирикишмас* (18). *Ҳар ик(к)иси то сафар ранжини чекимағунча, лаъл ва ақиқ нақшидин овий қолур* (65).

Феъл майллари

Буйруқ-истак майли. Асар тилида буйруқ-истак майлнинг қуйидагича аффикслар билан ясалган формалари учрайди.

шаҳс, сон	бирлик	кўплик
I шаҳс	-(а) й, -(а)йин	-али
II шаҳс	(ноль кўрсаткич), -ғил/-ғил	-(и)нг /—(у)нг, -(и)нлар/-(у)нлар
III шаҳс	-сун	-сунлар

-(а)й, -(а)йин аффикслари билан ясалган формалар I шаҳс бирлигига тегишли истакни ифода этади, ҳар икки форма ҳам асарда параллел қўлланади: *Ман диги нажжорлигин ўргана й!* // *Зуряларим барчасиға ўргатай* (29). *Аста юрусанг на бўлур, ман егай!* // *Таиша бўлуб ҳордимү қолдим, эмай* (33). *Сандин саволим бор—сурайин* (24). *Кўфакни боласиға на деб берайин* (74).

-али аффикси билан ясалган форма I шаҳс кўплигига тегишли истакни англатади: *Сиз билан биз парда ичинда каво қилали, лекин бепарда сўзлашмали* (73). *Аввал намоз ўқуб, андин сўнг таом танавул қилали* (57).

II шахснинг бирлигига қаратилган буйруқ икки форма орқали ифода қилинади:

а) *аффиксиз форма*. Буйруқнинг бу формаси ташқи томондан феълнинг негизига тенг бўлади. Мисоллар:

Ақл — *донцишине борлиги етишича тартиб вер* (7). *Талаб йўлида юз қўй ҳар эшик туфроғига* (8). *Ушкочт қил* (26). *Ул аблаҳни хонақоҳдин қувла* (95). *Қуда бўлса, қул бўлса ҳам сийлаш* (101). *Эй йигит, ҳар муддаонг бўлса, изҳор қил!* (103).

б) *-ил/-ил аффикси* орқали: *Эсиме борида этагингни ёнғил* (40). *Эй болам, хомуш ултурғил* (108). *Сўзни айтғил уққанга...* (73). *Болангни уясига қўндургил* (91). *Жумла туюрларга киши юборғил* (111).

III шахснинг куплигига қаратилган буйруқ *-(и)нг/-(у)нг*, *-(и)нглар/-(у)нглар* орқали ифода этилган: *Кичкина деманг бизни* (37). *Сиз араб айрони учумасдек сўзни қўюнг* (99). *Кўз ёшича сув бўлса, бизга маъзур тутунг* (68). *Буюрдиларки, «ичкари олиб киринглар»* (94). *«Уятманглар, таматтуъ эдинглар» ва яна бу оят маъниси — «исроф қилманглар»* (44). *Эй маъшари туюрлар, англағучи бўлунглар...* (113).

Асарнинг А қўлёзмасида буйруқ-истак майлининг II шахс куплиги бир ўринда *-нгиз* аффикси билан: *шошмангиз* шаклида ҳам учрайди (115).

III шахснинг бирлигига қаратилган буйруқ-истак майли *-сун* аффикси билан, куплиги эса *-сунлар* билан англатилади: *Туғри сўзунг булса сўзла, мофиз — замиринг манга аён улсун* (22). *Харжи исроф булғудек бўлмасун* (74). *Қариндошинг келса келсун, буз халтаси келмасун* (89). *Барча паррандалар йиғилсунлар* (111).

Шарт майли. Шарт майли формаси асар тилида *-са* аффикси билан ясалади ва у шахс-сон кўрсаткичларининг қисқарган шакли билан қўлланади.

Асар тилида шарт майли формасининг тусланиши қуйидагича кўринишга эга:

шахс, сон	бирлик	кўплик
I шахс	олса-м	олса-к
II шахс	олса-нг	олса-нгиз
III шахс	олса-	олса-лар

Шарт феъли формасининг маъно ва вазифалари хилма-хилдир: а) шарт эргаш галнинг кесими вазифасида келиб, бош галдан англашилган иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши (ёки чиқмай қолиши) учун асос бўлган шарт-шаронтни кўрсатади: *Емонга ёндошсанг, балоси юқар, қозонга ёндошсанг, қораси юқар* (41).

Кудё бўлсанг, қиз тайёр (109). Курашсанг, отанг бўлса ҳам йиқит (109);

б) тусиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапда ифодаланаётган иш-ҳаракатнинг юзага чиқишига монелик қилолмовчи шарт-шароитни кўрсатади. Бундай ҳолларда шарт феъли формасига ҳам қўшилиб келади: *Биз қўй кўрмасак ҳам, қий курган эрдик* (42). *Эй жоним ота, боре, бермас бўлсангиз ҳам, ямон сузламак* (108);

в) пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юз бериш вақтини кўрсатади: *Бозорга олиб чиқса, харидорлар бармоғини чокига сукуб айтур эрдик...* (61). *«Эй Едгор ака, рост нақд қилинг» десалар, айтур эрдик*, *«Қул Муҳаммад баҳодирдин бўлагини билсам, худо урсун»* (61).

г) истак, хоҳиш, илтимос каби маъноларни билдиради: *Аввал бориб Бойўғлига учрасам, ҳарна солғон қалинини ўз қулоғим бирла эшитиб, анга яраша туйни асбобини тараддудиди бўлсам...* (55).

Шарт феъли формаси керак сузи билан қўлланиб, ҳаракат ёки ҳолат олдидаги фараз, зарурият маъноларини англатади: *Тинмасликка қолсам керак, орада турмоқ дағдағаси манда йуқ* (12). *Ман меҳмон бўлсам, таъзим-тавозе қилсанг керак* (38). *Ани сўзини тузини тотиб, андин кейин борсам керак* (21).

Асар текстида шарт феълининг аналитик формалари ҳам қўлланган.

-са+эрди формаси. Бу форма эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, кесими *-р(-ар/-ур)+эрди/(-мас+эрди)* шаклида бўлган бош гапдаги иш-ҳаракатнинг реаллашуви (ёки реаллашмаслиги)га боле бўлган ҳолатни кўрсатади: *Агар зог ўз жинси бирла саҳрода... юрса эрди, ўқ захмини еб қўшга ем бўлмас эрди* (23). *Манда агар зарра каби ихтиёр//Бўлса эди, бўлмас эдим зербор* (33). *Дарахтлар арра жафосини... билса эрди... бўстони боказокат ичра сабзу хуррам бўлуб турмас эрди* (65).

-ди(-ти)+эrsa формаси. Бу форма шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқишидаги пайт, шарт маъноларини билдиради: *Кузум кўзига тушти эrsa, беҳуш бўлдум* (105). *Хайр ишига мутасадди бўлдунг эrsa, тортарга куз йуқидин, малулдурсан* (110).

Аниқлик майли формалари. Асар тилида ўтган замон феълнинг қуйидаги формалари қўлланган.

-ди(-ти) аффиксли ўтган замон феъли. Бу феъл шахс-сон аффиксларининг қисқарган формаларини қабул қилади. Шахс-сон аффиксларининг фонетик кўриниши эса бунда сўз таркибидаги товушлар характериға боғлиқ бўлиб, сўнгги бўғида лаб унлиси иштирок этса, шахс-сон аффиксининг унлиси (I ва II шахсларда) [y]га утиб қолади: *қадам қўйдум* (8), *вокиф бўлдук* (46). *келтурдунг* (75) сингари.

-ди(-ти) аффиксли ўтган замон феъли сўзловчи учун юз берган-бермагани аниқ бўлган иш-ҳаракат маъносини англатади: *Анда Турумтой айди: «Боракалло, рост айтурсан. Ни-*

шоани тозалигинг бирла тонудум (97). Сан узунни Кайқубод шаҳристонининг Кайқубоди сонуб, Маликшабоҳанг хазинадорини манзур этмадинг (78). Биздин мўъжизани куб тилади, биз ожиз келдук (99).

-**гон/-ган** аффиксли ўтган замон феъли. Феълнинг бу формаси асарда кенг қўлланган формалардан бўлиб, олдин бажарилган иш-ҳаракатнинг нутқ моментигаги натижасини кўрсатади. *Эй, ота, ман ҳам эшитганман...* (49). *Санинг боболаринг Нуширавони золим экан чоғдаги сузларни англагансан* (80). *Минг тўрт юз чордевор солгонман, тўрт юзини кечдим, минги қолгондур* (110).

-**миш** аффиксли форма ҳам олдин бажарилган иш-ҳаракатнинг нутқ моментига мавжуд бўлган натижасини кўрсатади. Бироқ бу форма асар тилида кам қўлланган бўлиб, III шахс бирлигида учрайди холос: *Эй болам, Япалоқби боласи Кулангир Султон хувоҳинг бўлиб завчи йибормиш — на жавоб берурсан?* (47). *Сабрни яхшилар андоқ таъриф қилмишларки...* (19).

-**б(-иб/-уб)** аффиксли равишдош асосида ясалган ўтган замон феъл формаси. Бу форма сўзловчининг ўзи бевосита гувоҳи бўлмаган, лекин унга маълум бўлган иш-ҳаракат маъносини англатади: *Энди хабардор бўлсам, андин ҳам утқариб сўзлабман* (61). *Ҳоло сан тушбарани хом санабсан* (16). *Ҳаммомни гармоба сувини бошинг била аёғингга azonча ишлатибсан* (97). *Бир шох узасинда кабутар ила зор нишаст қилиб ўлтурубдур* (23).

Юқоридагича феъл формаларига эрди (эди) тўлиқсиз феълнинг қушилишидан ҳосил бўлган ўтган замон феъллари ҳам асарда қўлланган:

-**гон (-ган) + эрди** формаси. Бу формадан англашилган иш-ҳаракат ҳам нутқ моментига тўғридан-тўғри боғланмайди. *-гон (-ган) + эрди* формаси нутқдан олдин бажарилган ҳаракатни, унинг натижасини кўрсатиб туради: *Кўрди, тикилган эди бир боргоҳ* (35). *Бир кўкқарга хонақоҳ сахмида иссиғ офтоб ҳароратидин ултургон эрди* (96). *Куча сахродин оша лой бўлган эрди* (96).

-**миш + эрди** формаси ҳам маъно жиҳатдан *-гон (-ган) + эрди* формасига ухшайди, яъни бу формадан ҳам нутқ моментига тўғридан-тўғри боғланмайдиган иш-ҳаракат маъноси англашллади: *Уйдин улургроқ эди бир гулбуне//Анда ватан тутмиш эди маймуне* (27). *Узин халқдин билмиш эрди баҳуш//Қаламдони — сандуқчаи дукфуруш* (87). *Амир ризоси бирла қўймишди по//Аламдору саркарда, хайли сипоҳ* (82).

-**б + эрди** формаси. Бу форманинг маъноси ҳам *-гон (-ган) + эрди*, *-миш + эрди* орқали ҳосил қилинган феъл формаларининг маъноларига яқин: *Ман сани Ғойўғли деб эшитиб эрдим* (77). *Фарғона мулкинда чордевор ноёб эканин арз қилиб ўтуб эрдук* (112). *Меҳмонсарони ичинда бир рустойи азбароши сайд ўқин созлаб мунтазир ултуруб эрди* (23).

-**р (-ар/-ур) + эрди** (бўлишсизлиги — *-мас + эрди*) формаси. Бу форма ўтган замон феълнинг бошқа аналитик формаларига нис-

батан кенг истемолда бўлган ва у қуйидагича маъноларда қўлланган:

а) нутқ momentiдан аввал давом этиб турган иш-ҳаракат ёки ҳолатни кўрсатади: *Камина Сизни билумлук, маънидин бохабар киши сонур эрди м* (13). *Бовужуд бу ҳама ноқислиғи бирла ўзини ҳамадин мулло ва донишманди рўзгор кўрар эрди* (87). *Бу фаросати бирла ўзини оламни боғбонидин собит қадам олур эрди* (96). *Ул Уяйна ишқни ҳароратидин... овози хазин била шиква қилур эрди* (102);

б) -р (-ар/-ур) + эрди формаси орқали ифода этилган иш-ҳаракат навбатдаги бошқа бир ҳаракатнинг юзага келишидаги пайтти кўрсатади: *Сангушт Ироқдин Ҳижозга борур эрди, бир чаён анга йулдош бўлди* (60). *Чаёнға инон-ихтиёрин веруб бодилар қатъи эдуб борур эрди, шул орода баногоҳ бир наҳри азим пайдо бўлди* (67). *Ул тева сорбонға жавоби харгуш бериб бир шўразор ахтариб борур эрди, йўлда бир тулки шўлуқти* (97).

Текстларда бу форма таркибидаги эрди тўлиқсиз феълнинг қисқариб -ди шаклида ишлатилиши ҳам кўп учрайди: *Уйин этурди тан* (27). *Қумда куярди, ғами ул сийнадин* (30). *Ўзини гоҳ мулло олурди тақи...* (84). *Қилиб фиқ маҳшарни этмасди ёд* (86). *Қилич сурати дебки тортарди мад* (87).

Асар тилида ҳозирги замон маъносини ифода этувчи формалар кам учрайди.

-а(ў) аффиксли равишдош асосида ясалган ҳозирги замон феъли ҳам бир неча ўринда қўлланган, холос. Бу феъл -а(ў) (бўлишсиз шакли -май) аффиксли равишдошга шахс-сон аффиксларининг тулиқ формасини тўғридан-тўғри қушиш йули билан ҳосил қилинган ва у ҳозирги замон феъли маъносида қўлланган: *Қизим, сани айтаман, келиним, сан эшит* (75). *Мужиб надур, буён утмайсиз?* (68). *Ут ёқарни билмайсиз, бизга нечук муомила қилурсиз?* (72).

Ҳозирги замон маъноси асар тилида асосан ҳозирги-келаси замон феъли формаси орқали ифода қилинган.

Ҳозирги-келаси замон феъли -р (-ар/-ур) (бўлишсиз шакли -мас) аффиксли сифатдош асосида ҳосил қилинади ва у асарда қуйидагича маънолар билан қўлланади:

а) ҳозирги замон маъноси билан: *Эй она, Сиз бизга сабр-тахаммул сари йўл кўрсатурсиз* (11). *Сан манга донишварлик кўргузарсан* (18). *Қаидин келурлар? — Ҳаммомдин келурман* (97);

б) келаси замон маъноси билан: *Ҳар қанча қалин деса, топилур* (11). *Бу дафъа боринг, яна бир хабар олурсиз* (49). *Ҳарна тилаган қалинингизни ўз қулоғим бирла англай деб келдим, эмди на буюрурсиз?* (74). *Бежо ҳаракат қилмағилки, ўз жонингга жабр илурсан* (68);

в) «Умумзамон» маъноси билан. Ушбу форманинг бу маъно билан қўлланиши асосан мақолларда учрайди: *Бош эсон бўлса, туффи топилур* (11). *Бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи*

била келур (13). Ойни этак била ёшуруб бўлмас (14). Эгасини сийлаган итига сўнгак ташилар (75).

-р (-ар/-ур) аффиксли форма асарда шарт феълни маъносида ҳам қўлланади: *Ҳар кимки сафар қилур, писандида бўлур* (64). *Ҳар ким ножинсдин мурувват тилар, гўё тол яғочидин зардолу тилайдур* (42).

Келаси замонга боғлиқ гумон, тахмин маъноларида ҳам учрайди: *Мен ҳам қариндош-уруғларни йигиб, машварат амрини орага солайин, анга яроша сизга жавоб берурман* (49).

Асар текстида ушбу билан тугаган феълларга ҳозирги замон феълни аффикси -р (-ар/-ур) нинг -йур формасида қўшилиши ҳам учрайди: *Ўз дўсти дилин реиш айлаюр жаҳлдин ким!//Ўл урар ўз муштини деворга* (69). *Сани бу сўзунг бир зангига ўхшаюр ки... (75). Киссан пурзар эмиш элга ҳунар//Беҳунар элни ўхиюр [кети] хар* (29).

Асарда келаси замон феълнинг -ғу/-ғу, -гай/-гай аффиксли формалари қўлланган.

-ғу/-ғу аффиксли форма нутқ моментидан кейин бажарилиши аниқ ва қатъий бўлган иш-ҳаракатни кўрсатади. Бироқ асарда -ғу/ғу аффиксли форма кам қўлланган, айрим шеърини парчаларда учрайди, холос. Мисол: *Барча эшик очғусидур сабр, бил* (19). *Яна сайр эдуб чиқғуси бедаранг* (82).

-гай/-гай аффиксли форма. Бу форма ҳам асар тилида кам учрайди, қуйидагича маъноларда келади:

а) Келаси замонда юз бериши аниқ бўлган иш-ҳаракатни билдиради: *Юрур кучага нухтасиз мар каби!//Агар юрмаса, кўнгли қилинғай тафи* (85);

б) Келаси замонга боғлиқ истак, шарт, маслаҳат маъноларини билдиради: *Бирн булким, беижозати шарғи шариф урмагай-сиз... ва яна ҳол-аҳволидин беҳабар бўлуб оч-ялонғоч қўймагайсиз* (117).

в) «Умумзамон» маъносини англатади: *Бек улдурки, олмагай — бергай, қора улдурки, сочмагай — тергай* (98).

Феъл ясалиши

Асар тилида синтактик усул билан ясалган феълларнинг асосан қуйидаги турлари учрайди:

а) от+ёрдамчи феъл типидagi қўшма феълларнинг ясалишида қўшма феълнинг биринчи компоненти, одатга кура, купроқ арабча ва форсча-тожикча ўзлаштирилган сузлардан иборат бўлади, иккинчи компонент сифатида қил-, эт-, бул-//ўл- ёрдамчи феъллари қўлланади:

от+қил- *Эй болам, сабр қилинғ* (10). *...ижмолян ишорат қилдим* (17). *Кайси ошёнаи баланддин парвоз қилдингиз?* (22). *Елғиз иноят қилинғ* (44). *Ҳар муддаонг булса, изҳор қил!* (103).

От+эт-: *Сарафрозлик мазрааларин сероб этдилар* (5). *Маликшабоҳанг хазинадорини манзур этмадинг* (78). *Агар берсангиз онча таъриф этар* (85).

от+бул-: Уз мавридинда батартиб баён булур (8). Япалоқ сарманзилга равона булди (52). Сан айгон бузуғ вайрона чордеворлар зулми кубидин пайдо булур (82). Узи тахсила илмга машғул булубдур (90).

От+ул-: Тўғри сўзунг бўлса, сўзла, мофиззамиринг манга аён ўласун (22).

б) феъл+фёъл типдаги қушма феълларнинг ясалишида эса қушма феълнинг биринчи компоненти **-а(-й)** ҳамда **-б(-иб/-уб)** аффикслари билан ҳосил қилинган равишдош формаларидан, кейингиси эса ердамчи феълдан иборат булади.

Асарда **феъл+феъл** типдаги қушма феълларнинг қуйидагича намуналари учрайди:

-а(-й)+бошла: Онасини ўнг сузини терсига олиб сўзлай бошлади (10). Учоқларида утунни тулдуруб калай бошлади (71). Анда ҳазордостон... бемалоли фаригбол ўқуй бошлади (115).

-а(й)+бер-: Кўрқуш Кулангир Султон даргоҳиға жунай берди (21). Кўрқуш сўзламасдин оиға туша берди (46). Замондин сунг чаёни мазкур тебрана берди (68). Бойуғли... ҳарчанд «пуф» қилди — ўтун ёна бермади (71). Муғаннийлар созларини қулоғиға гўшмол учун қўл узата бердилар (72).

а(й)+ол-: Олдинги тишим йўқидин ут ёқолмадим (71). Сан илгаригилар сўзин қилолмассан (72).

-б(-иб/-уб)+бор-: Кайқубод шаҳристонига равона бўлди, Бойуғлини уйига кириб борди (109).

-б(-иб/-уб)+ол-: Япалоққуш Кўрқушни чақируб олди (11), Ул занги йўл узасидин бир ойна топиб олди (75).

-б(-иб/-уб)+ут-: ...деб бир суз Турумтой айтиб ўтди (91).

Морфологик усул билан ясалиши. Асар тилида қуйидаги аффикслар билан ясалган феъллар учрайди:

-ла аффикси асар тилида энг маҳсулдор феъл ясовчидир. Бу аффикс от ёки сифатга қушилиб суз узаги билан боғлиқ булган хилма-хил маъноли феъллар ясайди: **сўзла-** (10), **фаҳмла-** (10), **ёғла-** (14), **боғла-** (18), **бошла-** (27), **созла-** (23); **ўзла-** (10) — узини, утиб кетиш маъносига; **ўйла-** (27), **англа-** (37), **сақла-** (56); **ташла-** (67); **ғамла-** (72), **тобла-** (72), **ишла-** (97), **чоғла-** (90), **қумалоқла-** (<қум-а-ла-қ-ла) (75) каби.

Баъзан бу аффиксга маълум даража ясовчи аффикслар қушилиб, **-лан-**, **-лаш-** тарзида ҳам ишлатилади: **юзланиб айди...** (33), **...видоғлашиб кетти** (34). **Таъзим ва тавозе бирла саломлаштилар** (45).

-р/-ар сифатдан феъл ясайди: **Рангимни каҳрабодек сарғартиб** (58). **...оразинг қизартиб** (63); **Бемаҳал ниҳолни узга ерга ўрнатсалар, ул ҳам кўкармас** (65). **...келмаса кўнгли оқариб...** (89).

-а: **Эртадин то охишомғача калтак бирла ўйнатиб...** (30); **Узга ерга ўрнатсалар** (65).

-ай: **Ани молини олиб кўпайтириб бермоқға кафил турган...** (90).

-и: *Сук тўймас, уғри бойимас* (21).

-да: *Қазонга ёндошсанг қароси юқар* (41).

Феъл даражалари

Асар тилида феъл даражаларининг ҳозирги тилнимздаги формалари учрайди.

Феълнинг бош даражаси учун махсус курсаткич йуқ. Бошқа даража формалари эса бош даражадаги феълга тегишли аффиксларнинг қўшилиши билан ҳосил булади.

Ўзлик даража формаси *-н(-ин/-ун)* аффикси орқали ясалади:

Вужуд маъмураси ободлиққа юзланди (43). *Замиринг кўзгуси хира, оразинг шуои тийра курунур* (63). *Қозу урдакдек силкиниб турди* (67). *Зимондин сўнг базмлари туганиб, муғаннийлар олганларига қувониб* (80), *ҳар нуқта уз марказинда чалинди* (80).

Мажҳул даража формаси *-л(-ил/-л)* аффикси орқали ҳосил қилинади; *Бор махтанса — топилур, йук махтанса — чопилур* (11). *Кўрди тикилган эди бир боргоҳ* (35). *Эй бошинг кесилгур бойқуш* (49).

Мажҳул даража аффикси *-л(-ил/-ул)* куп урида ўзлик даража маъносини ифода этувчи феъл формасини ясайди: *Қум йиғилиб тош булмас* (41). *Тори узулган создек носоз...* (103). *Барча паррамдалар йиғилсунлар* (111) каби.

Биргалик даража формаси *-ш(-иш/-уш)* аффикси билан ясалган: *Манинг бирла сўзлашгунча, бориб Бойўғли бирла сўзлашгил!* (15).

Эй бераҳм энам, куйдию ёнди, туташти танам (33). *Алқисса, Кордон бирла Турумтой Бойўғли била пасту баланд айтуштилар* (98). *Қуда бўлса, қул бўлса ҳам, сийлаш* (101).

Орттирма даража *-т(-ат), -р(-ар/-ур), -дур/-тур, -кар/-кур, -гуз/-каз/-из, -сат* аффикслари билан ясалган ҳолда учрайди. *-т: ...деган сўз отасини суфрасидин нон ушатмаган бир очкўзни сўзидур* (42). *Алдатсанг ҳам, ёшқа алдат!* (49). *...ёнига турсуқ боғлатмас* (91). *Ерга чўкарди тузатай деб равон* (33);

-р(-ар/-ур): ...меҳмондин қолғон оши бор эрди — ани Курқушни олдиға чиқариб қўйди (48). *Ерга чўкарди тузатай деб...* (33). *Бир аҳли дил оёғиға етур ҳар боб ила ораз* (8). *Ҳар холни пишуруб...* (10);

-дур/-тур: Чароғ ва фатиласиз ёндуруб... (3). *Ҳар ишни тиндурур эрди* (10). *Анга яроша тараддуд қилдурсам* (50). *Шўранулли Маликшабоҳанг жанобиға севинчига чоптурди* (52). *Онлар сўйиш ва пешкаш, неча турлук таом келтурдилар* (106);

-кар/-кур: Зоғдин рустойи ўқин отиб ўткарди (23). *Сиз анга ~~...~~ ё Султон амрини биткаринг ё уз нафсингизни* (58). *Алқисса, нағма навосини ...малоикаларга еткира бешладдилар* (72);

-гуз/-каз(-из): Сан манга дошиварлик кўргузарсан (18).
 Қурқушни уйга киргузди (46). Иш битказмоғни ман-
 дин кўр... (109). Бир одам яхши курган туффисини тез сувга оқи-
 зи б, ҳарчанд тараддуд била ололмади (101).
 -сат: Сиз бизга сабр-тахаммул сари йул курсатурсиз (10).
 Япалоқни номасини курсатти (53).

РАВИШ

Асарда араб, форс-тожик тилларидан узлаштирилган равиш ва равиш маъносидаги сўзлар анча кенг қўлланган бўлиб, туркча-узбекча аслий равишлар кам учрайди. Асар тилида қўлланган аслий равишларга мисоллар келтирамиз: *Ерман деган куб ер, куб ерман деган оз ер* (47). *Курга [жолни] чала пишган чандири* (51). *Ура қўруб Қурқушни олдиға чиқди* (51). *Эрта эрди кун кеч булди* (59). *Етар мақсудига тез, истаганда* (10). *Уй уйлаган қул тек турмас* (14). *Манинг бирла тик сўзлашгунча, бориб Бойўгли бирла сўзлашгил* (17). *Мушт ўтмаса, хуб тикиш* (64). *Асло ман хайр ишини кейинга солурум йук* (23). *Теваси бор эди туғуб ноғиҳон* (33). *Аста юрусанг на булур ман етай* (35). *Эй болам, хо муш ултургил* (110). *Жаҳд килиб турди равон борнали* (31). *Баногоҳ орқасига боқти* (73). *Зинҳор ямон сўзламанг* (110). *Ҳаводин қор-ёмғур беҳад еғиб эрди* (98).

РАВИШ ЯСАЛИШИ

Морфологик усул билан равиш ясашда асар тилида қуйидаги аффикслар иштирок этган:

-*Ча* аффикси от, сифат, кишилик ҳамда курсатиш олмошлари, феълнинг баъзи функционал формаларига қўшилиб, иш-ҳаракатнинг юз беришидаги ҳолат, даража маъносини, бир белгининг бошқа бир ҳолат ёки белгига ўхшашлигини курсатувчи равиш ясайди: *Каждум айди: «Қўз ёшича сув булса, бизга маъзур тутунг* (67). *Бойўглини онча муҳим хайрга рағбати бор эрди... баён қилди* (52). *Агар берсангиз, онча таъриф этар* (85). *Ақлу дошишинг борлиги етишича тартиб вер* (7).

-*гача/-гача* аффикси от, сифат, олмош ёки равиш туркумидаги сўзларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг пайт, макон, миқдор, жиҳатдан булган чегарасини курсатувчи равиш ясайди: *Маймун нажжорлик ихтиёр қилиб, нажжор қулиға тушуб, эртадин то охи омагача калтак бирла ўйнатиб...* (30). *Анда бир тева лойға йиқи-либ, ик(к)и ёнига ағнаб думигача шумғуғон...* (97). *Кеч кузгача ани ҳам солиб бермоққа ман қафил* (115).

-*дек (-доғ/-доқ/-дак)* аффикси отга, сифатдош ёки *-ғул/-ғу* аффиксли ҳаракат номларига, шунингдек, кишилик, курсатиш олмошларига қўшилиб, иш-ҳаракат ёки белгини ухшатиш, қиёслаш йули билан курсатувчи равишлар ясайди.

Асарда *-дек (-доғ/-доқ/-дак)* аффиксининг *-дек* варианты от ҳамда феъл формаларига, кейинги вариантларни эса олмошларга қўшилган: *Сани насихатинг мани қулогимдин елдек утуб кетар*

(76) Нечанд хурлиқо қизлар товусдек хиром айлаб утар эрди (105) Бода нашъаси Кордон бирла Боюғлини рағларига ток рагига сув югургандек югурди (79). Эшитган кўргандек эмас экан (77). Суннат бажо келгудек иш қилиб жйната бер (84). Буйи намози аср соясидин ҳам узун — ушандоғ нимарса (94). Сан андак уз яроғингни қилғунча, сабр қилсанг хубдур (19).

-ан аффикс билан ясалган арабча равиш формаси ҳам учрайди: ...жмолян ишорат қилдим (17). Хусусан, подшоҳи одилга уч тоифадин гузир йўқдур (40). Бойуғли тахминан Имом Абу Юсуфдин нақли дармиён келтурди (93).

Синтактик усул билан равиш ясалишида бир сони, ҳар, ул, бу//бул, ушал сингари олмошлар биринчи компонент сифатида иштирок этади. Бу сўзларга пайт, мақом ва бунга ухшаш маъноларни билдирувчи сўзлар қўшилиб, ўрин-пайт ёки ҳолатни билдирувчи қўшма равишлар ясалади: Бир кун Бозанда Навозанда юзига боқти (63). Оламда нимарса йўқ сувдан тотлиғ, Бир ерда мақом этса, ганда бўлур (64). Бир кеча жигар хунбасик оқузуб... (102). Ҳар душанба ва ҳар чоршанба...зиёрат қилур эрди (102). Бу кун майдонингни васа тонтма (69). Бу л кун фулод найзамни якчарма қалқонингга озмоиш қилойин дерман (69). Ул чоғда ҳаво эътидоли утуб, қиш замҳарири ёвуқ эрди (71). Мужиб надур буён ўтмайсиз? (67). У ён Бойуғлини кулбаси бўлса (56). Шу л аснода... ик(к)и си сув ичмоққа қасд қилди (23). Ушал аснода бир ҳудҳуд йулуқти (22). Ул вақтда тева янғоқ қумалоғлар эрди (75). Ушал вақт қиш айёми эрди (102).

Асар тилида от ёки бошқа сўзлар (сифат, сонлар) нинг такрорланишидан ҳосил булган жуфт равишлар ҳам учрайди: Жилижили сўзласанг, илон икидин чиқар, аччиқ-аччиқ сўзласанг, мусулмон диндин чиқар (20). Анда қиз Уяйна исмини эшитиб рухсораси гул-гул ёна берди (108).

Анда сўзнинг равиш маъносига қўлланиши текстнинг куп ўрнида қайд қилинди. Пайт маъносини билдиришдан ташқари, бу сўз диалогларнинг бошланиш нуқтаси, унинг тартибини курсатувчи стилистик восита бўлиб ҳам хизмат қилган: Анда Япалоққуш айди: «Андин бизни нима камлигимиз бор?». Анда Кўрқуш айди: «Борлиқдин махтанма... Узини махтагани йлимни қаровули (14).

Кунда, мунда сўзларни ҳам контекстаги ҳолатига кўра, равиш вазифасида ишлатилган: Аноси бирла кунда эътироз этган қиз (92). Сазовори саҳо бўлса, мунда олиб кел (36). Мунда бир олиб охиратда ҳисобини кўб айтгунча мунда бир олиб анда бир жавоб берсак яхшироқдир (45).

Алдин сўз еки сўз бирикмаларига эгаллик аффиксларини қўшиш йўли билан ҳам равиш маъноси ифодаланган: Кайси ерда отаси улган етим бечора бўлса, ани молини олиб, кўпайтириб бермоққа кафил тудис... охири онт ичиб тан молини еб кетарга чоғлаган... (90). Бир кунни нажжори хирадманди фард//Кўнгли еғоч йўқлиғидин қилди дард (27).

Асар тилида равиш маъносининг лексик-семантик усул билан ифодаланиши ҳам учрайди. Пайт билдирувчи отлар ва айрим сифатлар равиш вазифасида келиб, пайт ёки ҳолатни англатишга хизмат қиладилар: *Ҳақ махлуқи мохаллақоллоҳнинг ани кундуз кўрмоққа чораси йўқ эрди* (10). *Эрта-охишом қўлинда тасбеҳ* (54). *Сиз билан биз парда ичинда наво қилали, лекин бепарда сузлашмоли* (73).

КЎМАҚЧИЛАР

Соф кўмакчилар. *Учун, бирла, каби* соф кўмакчиларни бош келишикдаги сузлар билан қўлланади. Кишилик, кўрсатиш олмошларни билан келганида эса бу олмошлар қаратқич келишининг формасида ҳам учрайди.

Учун кўмакчиси асар тилида аталганлик, сабаб, мақсад сингари маъноларда ишлатилган: *Холвоқи мисгар асло намоз учун пешонаси ер ўпган йўқ эрди* (58). *Харжу харажот учун кам-пеш олган экан* (90). *Бурунғилар анинг учун айтмишларки...* (59). *Мулла Муҳаммад Сиддиқи мазкур бир кун тағоси олдиға адоёи муомила учун борибдур* (90). *Биз дийрингизға муҳим хайр учун келдук* (107).

Бирла кўмакчиси асарда *бирлан, билан, била, ила* формаларида ҳам ишлатилган бўлиб, биргалик, восита, пайт, ҳолат муносабатларини ифода қилган: *Сиз бирлан биз парда ичра наво қилали* (73). *Тенг тенги билан, тезак қофи билан* (14). *Бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи била келур* (13). *Бир аҳли дил оёғиға етур ҳар боб ила ораз* (8). *Холвоқи мисгар эшикдин кириши бирла азон овози келди* (57).

Каби кўмакчиси асарда кам қўлланган бўлиб, асосан шеърини парчалар таркибидея учрайди ва ухшатиш, қиёслаш маъноларини ифодалашга хизмат қилади: *Зулф каби сунбули хушбулари* (26). *Манда агар зарра каби ихтиёр//Булса эди, булмас эдим зербор* (34). *Ҳар кимки сафар қилур — писандида булур, Хуршид каби зийи ҳар дийда булур* (54).

Узра, ичра, сари кўмакчиларни бош келишикдаги суз билан қўлланади.

Узра (уза) кўмакчиси иш-ҳаракатнинг шу кўмакчи билан бирга келган нарса юзасида содир бўлишини кўрсатади: *Сува узра жасадимиз хасдек юрмаги тоқай* (70). *Ул занги йул узасидин бир оина топиб олди* (75). *Кўрдик, бир шох узасинда кабулар била зог нишаст қилиб ултурубдур* (22). *Бул узини яхши мато бўлса, иул узра етурмуди* (76).

Ичра кўмакчиси иш-ҳаракатнинг шу кўмакчи билан келган от доирасида, унинг ичида бўлишини кўрсатади: *Айди: Улус ичра бу бир касб эрур* (29). *Бу хаёли фосид... кўнгул ичра чекилган бўлса, чиқар* (63).

Сари кўмакчиси иш-ҳаракатнинг шу кўмакчи билан келган отга томон йўналишини кўрсатади: *Эй она, Сиз бизға сабр-таҳаммул сари йул кўрсатурсиз* (11). *Пона кўюб теши*

сари борди ул (28). Анда Кордон Бойўғли сари боқиб айди (73). Булардин шаҳри Қайқубод рашик олиб адам сари юзланди (100).

Функционал кумакчилар. Асар тилида функционал кумакчиларнинг қуйидаги турлари учрайди:

От-қўмакчилар. От кумакчилар эгалик аффиксларини олиб, замон-мақон келишнкларидан бирида келади ва шу келишнк маъносини аниқлаш ва конкретлаштиришга хизмат қилади.

Олд: Меҳмонсарони олдида бир жўй бор эрди (23). Ани Қўрқушни олдиға чиқариб қўйди (43).

Ён: Ҳавойижи алойиқ учун ҳар қайси ёнда банотун-нашдек мутафарриқа эрдилар (4). Ва ани ёнинда бир яғочлик ерда Япалоққушни... жойи бор эрди (9).

Қош: Донишмандлар қошида бир нақши девор (51).

Қот: Онлар қотида мури ҳақир, аждаҳо қотидагидек эрдим (7). Нодонлар қотида бир умр айёр... (51).

Ич: Ул мажмаъ ичинда... (5). Меҳмонсарони ичинда бир рустой аз баройи сайд уқин созлаб мунтазир ултуруб эрди (23). Хонақоҳ ичинда овози хазин била шиква қилур эрди (102).

Ора: Япалоққуш ва Бойқушнинг қудалиқлари орасинда... (8). ...арқони давлат орасинда... (37). Одализод орасинда... (57). Шул орада... бир наҳри азим пайдо бўлди (67).

Уст: Бу сўзни устинда эрдиларким... (11). Минди яғоч устига нажжордек (29).

Туғри: Эшикни тўғрисиға тушди (23).

Туб: Табоқни тубиға тушди (44).

Боб: Дину диёнат бобида бир савол жавобидин ожиз (48).

Равиш-кумакчилар. Бундай кумакчилар чиқиш келишигидаги суз билан қўлланиб, пайт маъносини ифодалашга хизмат қилади.

Кейин: Дуо қилғучилар аввал уз нафсларин дуо қилурлар, андин кейин мўъминларни (59).

Сўнг: Андин сўнг айдилар (5). Замондин сўнг Қурқуш келганидин Бойўғли огоҳ бўлуб... (45). Базмдин сўнг ҳар қанча қонуннавозли сузунг бўлса, англаса булур (79).

Сўнг кумакчиси -ган аффиксли сифатдошлар билан қўлланганида, сифатдош формаси чиқиш келишиги аффиксиз келади: Ва на бу сузни эшитган сўнг... (7). Ота сураб нетарсан эрни ўз бўлган сўнг, йўл сураган номарддур от устига минган сўнг (63).

Бери: Сўз кундин бери ишқ бозорининг расвоси... (104).

Нари: Эй Бойўғли, мундин нари бузиқ чордеворни отини тўзи еттилаки, тишларинг синур (83). Қўйилмакчи жеркиб кўздин андоқ нари солдики, қайта курмаклик номумкин бўлди (39).

Ўзга: *У ён Бойўглини қулбаси бўлса, сичқон сунгокидин ўзга нимарса йўқдур* (56). *Мундин ўзга ҳеч айби зоҳири йўқдур* (104).

Бўлак: *Ўз қариндошларимдин бўлак бирла машвафат қилмасман* (89).

Феъл-кўмакчилар. Асар тилида *яраша, ўхшаш* феъл-кўмакчилари қўлланган бўлиб, булар жуналиш келишигидаги сўзга бирикиб келган:

Яраша: иш-ҳаракатнинг чегараси, меъёрини курсатади: *эшакига яраша тушди* (7). *Ман қизимни жамолига яраша қалин солурман* (92).

Ўхшаш: қиёсий маъно билдириб, каби кўмакчисига яқин функция бажаради: *Чақриқ қушга ўхшаш бепарда афгон қила бошладинг* (48).

БОҒЛОВЧИЛАР

Тенг боғловчилар. Асар тилида тенг боғловчиларнинг қуйидаги турлари қайд қилинди:

Бириктирувчи боғловчилар: *-у(-йў/-ву), ва, ва яна, ҳам.*

-у(-йў/-ву) боғловчиси жуфт сўз қисмларини ва баъзан уюшққ бўлакларни боғлашга хизмат қилади: *зару сийм* (5), *фақиру ҳақир* (7), *шамсу қамар* (9), *шаҳду шакар* (9), *фаҳму хирад* (15), *Хурраму маъмур* (26), *оқилу доно* (29), *ҳийлаву тадбир* (31); *булбулу кумри* (35), *хордиму қолдим* (33), *қуйдию ёнди* (33) каби.

Ва боғловчиси қуйидаги функцияларда қўлланган:

а) гапнинг уюшган бўлаklarини боғлайди: *Жашни шоҳона ва базми хисравона тартиб верур...* (4). *Маҳвашлар зулфидек ошифта ва паршон қолмасун...* (5). *...Қарин ва шомил аҳволим кўруб...* (7);

б) Қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлайди: *Ошиққан қиз эрга борса ёрчимас ва тешук мунчоқ ерда қолмас* (10). *Кур тутганини ва кар зшитганини қўймас* (13).

Асар тилида *ва* боғловчисининг *ва яна, ва ё, валекин* шаклларида келиши кўп учрайди, аммо бириктирувчилик вазифасида улардан *ва яна* қўлланади, холос.

Ва яна боғловчиси қўшма гапларнинг кейинги қисмини унинг аввалги қисмларига боғлаш учун, баъзан эса аввалги қисмларга қўшимча бўлган ёки унинг хулосаси сифатида плова қилинган группани боғлаш учун хизмат қилади. Мисол: *Сани бу ношойиста сўзунга бормасман ва яна бу ишни уҳдасидин чиқмасман* (20). *Ота, эртаги савдони даҳсар оғирлиги бор, кечки экинни хатари бор. Ва яна айтмишларки, «Эртаги ишни кечга қўйғудек эмас»* (49).

Ҳам боғловчиси асарда қуйидагича функцияларда қўлланган:

1. Такрорланган ҳолда уюшққ бўлақлар ва қўшма гап қисмлари орасида келиб, шу қисмларни боғлашга ва уни таъкидлашга хизмат қилади. Мисол: *Калина ўз нафсимни ҳам ҳушнуд қилурман, султон амрини ҳам* (59). *Ўз жойинда Қуйканак ҳам қоз олур, ҳам ўрдак* (37).

2. Якка ҳолда қўлланганда:

а) шахс, предмет, белги ёки ҳаракатни ажратиб, таъкидлаб кўрсатади. *Ман хабардор ўлдумки, андин ҳам утқариб сўзлабман* (78). *Ман ҳам бу ишда эҳтимоли раво кўрмасман* (30). *Сан ҳам бу амри хайр уҳдасидин чиқмай юрмак...* (30);

б) тўсиқсизлик муносабатини ифодалашга хизмат қилади: *Олакузанақ олмон бўлса ҳам, арслон булмас; олатуғоноқ олғир булса ҳам, аҳволи маълум* (14). *Кишини кишиси бўлса ҳам, тўф-фини ерга қуюб кенгашур* (23).

Дағи сузи ҳам шахс, предмет, белги ёки ҳаракатни таъкидлаб ва кучайтириб келиб ҳам боғловчисига яқин функцияни бажаради: *Ман дағи нажжорлигин урганай* (29).

Асар тилида дағи боғловчисининг даҳи шакли ҳам қўлланган: *Сан даҳи тўқал энку мугуз тилаб қулоғидин айрилгондек булма* (82).

Айирувчи боғловчилардан асар текстида *ё* (*ё...* *ё*), *ва ё*, *гоҳ...* *гоҳ* қўлланган: *Бориб ғуломгардишда ултургон ўшал кишидин сўрагил, муфлис-муҳтожму ё мустаманд бечораму?* (36). *Сиз анга ухшаб ё султон амрини битқаринг, ё уз нафсингизни* (58). *Агар зор ўз жинси бирла саҳрода ва ё жуварипояда... юрса эрди...* (23). *Гоҳ бечоралиққа иқрор, гоҳ узини Тахмтан олур баҳодири жаррор* (51).

Зидловчи боғловчилардан эса асарда *аммо*, *лекин*, *валекин* боғловчилари учрайди. Бу боғловчилар қарама-қарши маъноли қисмлар (уюшиқ булақлар ёки галлар)нинг ўзаро муносабатини кўрсатиб келади: *Аммо баъд билгулук ва эшитгулукдур бу сузким...* (4). *Аммо бағоят афифа ва мастура эрди* (10). *Поклиғдан араб ичинда машҳур ва ҳама атвори писандида, лекин саҳл кундин бери ишқ бозорининг расвоси... бўлубдур* (104). *Мани устунга мингил, валекин бежо ҳаракат қилмоғилки...* (68).

Эргаштирувчи боғловчилар. Асар тилида кенг қўлланувчи *ким*, *ки*, *агар*, *агарчи*, *то*, *токи*, *деб*, *нечукким*, *сингари* эргаштирувчи боғловчилардан ташқари, *узбек* тилига чуқур ўзлашмаган, *аммо* асарда маълум стилистик ўлчовлар талаби билан қўлланган *ё инки*, *ё онки*, *ва ё онки*, *бо инки*, *боз* каби форсча-тожикча эргаштирувчи боғловчилар ҳам учрайди.

Эргаштирувчи боғловчиларнинг қўлланишига оид бир неча масаллар келтирамиз: *Эшитганингиз йўқмуки м, бурунғилар масалдурки, «Арғумоқ от булмас озгон сумг...»* (59). *Агар берсангиз, онча таъриф этар, Ва гир бермасангиз, онча дашном этар* (85). *Узулмас солмани бўйкунгга солма, Агарчи олмадур рухсори олма* (64). *«Анга яраша тўйни асбобини тараддудида бўлсам, то инки харжи исроф булмасун» деб жўнай берди* (55). *Уйдин ғамланиб чиқмоқ керак, нечукким айтмишлар: «Уйдаги савдо бозорга рост келмас»* (56). *Масалдурки, «Кетингга боқ, нағора қоқ». Ё инки «узунгки эр билсанг, яна бировни шер бил»* (38). *Офтоби оламтоб андин рашк қилур эрди, ё онки ҳар хонни пишуруб, ишни тиндуруб эрди* (10). *Боз айтур эрдик, «андоқ ҳам эрмас»* (61). *Узи дин, илми суннатга амри маъруф қилғучи эрди, бо инки таҳоратда қўл-оёғни бандиғача ювмонни фарзу суннат эканин билмай...* (62).

ЮКЛАМАЛАР

Аффикс-юкламалардан асарда *-му*, *-ку* юкламалари қайд қилинди.

-му юкламаси кесим вазифасида келган сўзга қўшилиб, сўроқ, таажжуб маъноларини англатади: *Сан бизни фақиру нотавон кўрдингму?* (15). *Бўри мусиз, тулку?* (49). *Япалақлар қуруғондек сани юборурмуди?!* (22). *Муҳим хайр ишига юборур кишини бу нав бўлурму пешомади!* (20). *Мулзам уз далилингиздин сиз улдингизму ё менму?* (24).

-ку юкламаси ҳам кесим вазифасидаги сўзга қўшилиб келади ва таъкид маъноси билан учрайди: *Аммо вайрона ажносидин Хайробод бизга мувофиқ тушмади-ку!* (114).

Магар, балки сўзлари ҳам асарда юклама функциясида келади.

Магар тахмин, фараз каби маъноларда қўлланган: *Магар* анки, монъғулхайрга ухшарсан. Сандин сук-ҳасадни иди келур (20). *Магар* сан ҳақили Ҳозиқ хикоясидин беҳабар ухшарсан (22).

Балки эҳтимоллик, гумон маъноларини ифодалайди: *Кордон манзилидин Бойўғлики маскани маъвоси йироқ эрди, балки муддати сафар эрди* (55).

УНДОВЛАР

Асар тилида ундовни ифода этувчи воситалар кам учрайди.

Сўзловчининг тингловчи шахсга қаратилган мурожаатида эй формаси қўлланилган: *Эй шоҳи жаҳонпаноҳо!* (7), *Эй она* (10), *Эй Кўрқуш* (11), *Эй кур* (12), *Эй бераҳм энам* (33), *Эй бобо* (39), *Эй Уяйна* (106) сингари.

Ҳис-хаяжон маъносини ифодалаш учун *ҳайҳот*, *боракалло*, *оре* каби ундов сўзлар ишлатилган. Мисол: *Анда Бозанда айди: Ҳайҳот, бу хом сўзни кўнглунгга олма!* (63). *Анда Маликшабоҳанг айди: «Боракалло, ўзини айбини билган донодур», деди* (55). *Анда Бойўғли айди: «Оре, балани буйи етибдур, ўзидин сураб сизга жавоб берсам керак»* (47).

СИНТАКСИС

СЎЗ БИРИКМАЛАРИ

«Зарбул масал» тилида тобеллик асосига қурилган сўз бирикмаларининг битишув, бошқарув ва мослашув йўллари билан ҳосил қилинган уч типи ҳам кенг қўлланган.

Битишув йўли билан ҳосил қилинган бирикмалар, бирикма таркибидаги қисмларнинг синтактик ҳолатига кўра, икки хилдир: сифатловчилик ва ҳолли бирикмалар.

Сифатловчилик бирикмаларда белги билдирувчи сўзлар отлар билан битишув орқали муносабатга киришади. Бундай бирикмаларнинг биринчиси (сифатловчи қисми) асарда сифат, сифатдош, сон ва олмош (олмошнинг белги англатишда қўлланадиган турлари), баъзан отлар билан ифодаланади.

Сифат+от: *Бир эски шахристон бор эрди* (8). *Бир буй чор девор топилмас* (12). *Эзгу яғочлар анга маъруф эди* (28). *Сиз ширин жавоб беринг* (47). *...туғри сўзга туғаноқ* (54). *Арзон кира шаҳардин овора қилур* (63). *Иссиғ жон иситмасиз бўлмас* (91). *Катта кема қайдин юрса, кичик кема андин юрар* (112).

Сифатдош+от: *Эр тилаган ерда азиз* (74). *Ултургон киз урун толар* (49). *Ортадурган юкларини жумлади* (32). *Битар иши кейинга солурсан* (20). *Роҳатижон эрди оқар сувлари* (26). *Бермас кизни қалини куб* (108).

Сифат ва сифатдошлар бошқарувчилик хусусиятига эга бўлганлари сабабли, улар сифатловчи вазифасида баъзан кенгайтирилган булак ҳосил қилишлари мумкин: *Камина сизни билумлук, маънидин бохабар киши сонур эдим* (13). *Анда иморатга яроғлиқ яғоч...* (26). *Ёр эди кўнгли тилаган мевасин* (27). *Кулангир Султоннинг илгари меҳмондин қолган оши бор эрди* (43). *Насиҳат тингламас дил сахту маҳжуб* (76).

Сон+от: *Туқуз афлокни муаллак ва етти ғаброни мутаббақ яратурда...* (3). *Ҳарамзадани қуйруғи бир тутам* (21). *Икки суюк-лук бир кўнгулга сиғмас* (58). *Подшоҳга қалин солди: «Юз тева, ик(к)и юз йилқи, ик(к)и юз қорамол, беш юз қўй қизни бошқуз» деди* (108).

Олмош+от: *Сани бу сўзунг кулангга ўхшайорки...* (17). *Бул от... онларга шойим ва зебо от турур* (16). *Шул одам уч хислатдин ташқари эмасдур* (94). *Бир неча қушлар била ҳамроз ўлуб...* (35). *Бу мечук тунки, ани тонги йўқ* (102). *Ҳама атвори писандида...* (104). *Барча тюрлар ҳайрон қолиб...* (114). *Ҳар душанба ва ҳар чоршанба... зиёрат қилур эрди* (102).

От+от: *Фулуд пичоқ қинсиз қолмас (11). Шўра замин боғ ила бўстон бўлур (19). Қариндошинг келса келсун, буз халтаси келмасун (89).*

Қиши исмларига қўшилиб, унинг касби-кори, лақабини билдирувчи изоҳловчилар ҳам «От+от» кўринишига эга бўлиб, узаро битишув йули билан муносабатга киришадилар: *Холвоқи мисгар (57), Ёдгор пустиндўз (60), Ниёзча оғалик (84), Иброҳимбек боғ-бон (96); Қушларга нисбатан қўлланган номлардан: Япалоқ кўфак (74).*

Ҳолли бирикмаларнинг биринчиси (ҳол қисми) вазифасида равиш ва равиш маъносидаги сўзлар, равишдош формалари қўлланади.

Ра ви ш+феъл: *Япалоқни бениҳоят кам хирадлигини эмди билдим (22). Аста юрусанг на бўлур, ман етай (32). Эма билган қўзилар ик(к)и онани тенг эмар (59). Ақлу донишинг... етишича тартиб вер (7). Бода нашъаси Кордон бирла Бойўглики рағларига ток рағига сув югургандек югурди (79).*

Ра ви ш до ш+феъл: *Зогдин рустойи ўқин отиб уткарди (23). Юмруқ юкунуб бийик бўлмас, эчки югуруб кийик бўлмас (25). Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қопиб сўзлар (92). Учоғларида ўтуни тўлдуруб қалай бошлади (71). Чайнамайик еганлар ковшамайин кетарлар (77).*

Шеърый парчаларда битишувли бирикма қисмларининг инверсияли ҳолати ҳам кузга ташланади: *Жаҳд қилиб турди равон боргали (29). Тал оша келган ўлтурмас талоша (34). Минди яғоч устига нажжордек (30).*

Бошқарув. Асарда ҳам бошқарув йули билан от ёки отлашган сўзларнинг феъл ҳамда белги билдирувчи баъзи сўзлар билан грамматик муносабати шаклланади.

Асар тилида утимли ва утимсиз феъллар билан бир қаторда айрим сифатларнинг бошқаруви асосида юзага келган бирикмалар ҳам учрайди.

Феъл бошқаруви: *Офтоби оламтоб андин раиш қилур эрди, ё онки ҳар хомни пишуруб, ҳар ишни тиндирур эрди. Бир эшикдин кируб, ўшал эшикдин чиқар эрди... ва ул маҳзура юзники ёшурур эрди (10). Эй она, сиз бизга сабру таҳаммул сари йўл кўрсатурсиз (10). Мани олур йигитга ҳам отаси айтурки... (11).*

Фуломгардишда ўлтурган ўшал кишидин сўрагил (36). Икки кема тутқонлар қолди ғарқоб ичинда (58).

Сифат бошқаруви: *Уйдин улўғроқ эди бир гулбуне (27). Курк товўғдек сувга пишарга ўнғроқ (54). Сафарда ҳамроз, хатарда дамсоз... (56). Савсани садзобон акинг васфида ожиз (35). Минди беҳабар ўхшарсанки... (59). Сани аҳволинг оламга маълум (14). Уят ўлумдин қаттиқ (12). Аслу насабдин орий кишилар... (41).*

Мослашу. Асарда от билан от муносабатининг (изофа бирикмасининг) шаклланишида қуйидаги ҳолатлар кузатилади:

а) изофа бирикмасининг ҳар икки қисми грамматик курсаткичларга эга бўлади. Биринчи қисм (қаратқич)нинг курсаткичи асар тилида *-нинг* билан бирга, *-ни* шаклида келади. Иккинчи қисм (қаралмиш) эса узинга эгаллик қўшимчасини қабул қилади. Мисол-

лар: *Ошии таъми туз билан, сувнинг таъми муз билан* (5). *Бизнинг фасоҳатимиз амири гардунсариримизга маълум турур* (6). *Бойфўглининг қизи бор эмиш* (11). *Боламни ихтиёри бу бахтиёрнинг қўлидадур* (50). *Санинг насиҳатинг манинг қўлогимдин елдек ўтуб кетар* (76). *Ман сани қизингни феъл-атворини билмасман* (93);

6) *Изофа бирикмасининг биринчи қисми (қаратқич) белгисиз келади: Ой машъаласин тун маҳфилида чароғ ва фатиласиз ёндуриб...* (3). *Маъвошлар зулфидек ошифта ва паршон қолмасун* (5). *Эй маҳзун кунгълум суртури!* (63). *Алқисса нағма навосини фалак-фалакдаги малоикаларга еткура бошладилар* (72). *Эшак йули ботқоқда маълум бўлурму, қатқоқда?!* (91);

в) *Изофати бирикмасининг ҳар икки қисми (қаратқич ҳам, қаралмиш ҳам) белгисиз келади: ота ўғул* (96), *тан мол* (88), *буз халта* (89). Бирикмаларнинг бу тури формал томондан мослашувга эмас, битишувга хосдир. («Битишув» бобига қаранг).

Эга билан кесимнинг шахс ва сонда мослашувни асар тилида қатъийдир. Мисоллар: *Мен ҳам Бийно ва Нобийно ҳикоятин хуб билурманки...* (18). *Иккимиз ҳам ғойиб бўлсак...* (37). *Сан бизни фақирну нотавон курдингму?!* (14). *Сиз бизга сабрну таҳаммул сари йул кўрсатурсиз* (11). *Анда киз тилга келиб айди...* (47).

Абушқалар марваритдин қурутқалар маржондин тасбеҳлар уюрурлар (12). *Сабрни яхшилар андоқ таъриф қилмишларки...* (18).

Фақат айрим ҳоллардагина III шахсда эга кўплик формасида бўлиб, кесимнинг бирликда шаклланиши учрайди: *Алқисса жами паррандалар йиғилди* (111).

От кесимлар эга билан махсус кесимлик кўрсаткичларни орқали мослашади. Бундай кўрсаткич сифатида асарда *турур(дур)* баъзан эса *эрур* феълни хизмат қилади: *Бизнинг фасоҳатимиз амири гардунсариримизга маълум турур* (6). *Онларга шойим ва зебо от турур* (16). *Фирқони ҳамид таржимаси оёти эрурким...* (45). *Тиллари гунгу лол эрур* (4). *Ман Япалоқбини завҷисидурман* (22). *Сан ҳазрати Сулаймон алайҳиссалом бирла мунозара қилғон кишидурсан* (24).

Асар текстидаги шеърний парчаларда баъзан кесимлик кўрсаткичнинг эгага ўтиб қолиш холлари ҳам учрайди: *Оразидин шалсу қамардур хижил* (9). *Сабр била баста эшикдур кушод* (19). *Мезбон хижлат чекар ҳар неча меҳмондур таниш* (38). *Ишқдур бир нашъайи комил ким...* (101).

Асар тилида камтарлик, эҳтиром ифодаси учун шахсининг бирлиги ўрнида кўплик формасини, II шахс ўрнида III шахс формасини қўллаш ҳоллари ҳам куринади: *Биз қўй кўрмасак ҳам, қий сўрган эрдик* (42). Бу ўрнида I шахсининг бирлик маъноси I шахс кўплик формасида ифодаланган. *Ўзлари мағни полсидин беҳабар эканлар* (54). — II шахсга қаратилган фикр III шахс формаси орқали ифода этилган.

Форсча-тожикча изофалар. Асар тилида форсча-тожикча сўз бирикмалари — изофалар ҳам кенг учрайди: *изҳори фазл* (25), *қиссан пурзар* (29), *хосили дунё* (32), *сазовари сахо* (36), *олими боамал* (40), *хуршиди оламтоб* (60), *соҳийи тумтароқ* (79), *адойи муомала* (90), *тири дуо* (108) каби. Текстида бундай изофа-

ларнинг нажжори хирадманди фард (27), вазири хони замин (88) жорубкаши хазрати набийно (104) сингари мураккаб кўринишлари ҳам бор. Бироқ «Зарбул масал» тилидаги форсча-тожикча изофаларнинг катта бир қисми маълум бир стилистик йўналиш муносабати билан қўлланади ва у кўпинча услубий бир восита сифатида одатдаги изофалардан фарқ қилади: *Тўрқмтойи тезпарвоз* (56), *аҳмақи нодир* (84), *чордевори тоқабанд* (99), *монанди ул аҳмақ* (93), *батариқи кўч* (105), *мазкур сўзи иштирокида тузилган чаёни мазкур* (68), *мулла Муҳаммад Сиддиқи мазкур* (90), *лоин мазкур* (97), *минг чордевори мазкур* (116) каби.

Асарда арабча изофалар кам учрайди. *Монеъул хайр* (20), *алирал мўъминин* (50), *Явмул жазо* (105) каби арабча изофалар қўшма от сифатида қўлланган. *Ахирул амр* (67), *Зарбул масал* (48), *Силсилатул заҳҳаб* (17) каби изофалардагина бирикмалилик дусусияти сақланган.

УНДАЛМА

«Зарбул масал»да ундалмалар кенг қўлланган. Ундалмаларнинг бир қисми одатдагича фикр мазмунига тингловчининг эътиборини қаратиш мақсадида ишлатилади: *Ота, эртаги савдони даҳсар огирлиги бор* (49), *Афандим, хато қилдим* (54), *Кизим, сани айтаман, келиним, сан эшит* (75).

Ундамалар кўпинча Эй ундови билан бирга келади: *Эй болам, кунгунгиз эр тилар ухшар, сабр қилинг* (10), *Эй она, сиз бизга сабру таҳаммул сари йўл кўрсатурсиз...* (10), *Эй Едгор ака, рост нақл қилинг* (61).

Ундалмалар гап орасида ҳам учрайди: *Келгил, эй бой фарзанди, тилаган чордеворингдин тўрт юзини... кеч* (110).

Асар тилида қўлланган ундалмаларнинг кўпчилиги кенг соссавти кўринишга эга бўлиб, улар орқали фикрга тингловчи эътиборини жалб этишдан ташқари, сўзловчининг уз суҳбатдошига нисбатан бўлган субъектив муносабати, умумий характеристикаси ҳам қўшиб ифода қилинган. Мисоллар: *Эй суханварлар жамъилари ва эй докишварлик маҳфилларининг шамъилари!*.. (5), *Эй кўзумни нури ва эй маҳзум кунгунгиз сурури!*.. (63), *Эй ансор фарзанди ва эй мубталлолик бистарини жигарбанди!*.. (103), *Эй қуёни жамоли жилвасидин маҳрум ва эй тюрлар аснофидин маъдум!*.. (77), *Эй бошинг кесилгур бойқуш!*.. (49), *Эй кур, беъмани кўр!*.. (23).

ГАПНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН БУЛАКЛАРИ (СИНТАКТИК ОБОРОТЛАР)

Сифатдош оборотлари. Сифатдош оборотларини ҳосил қилишда асарда *-р(-ар/-ур)* ҳамда *-гон/-ган//қон/-кан* аффиксли сифатдош формалари кенг қўлланган.

-Р(-ар/-ур) формали (бўлишизлиги *-мас*) сифатдош обороти. а) отлашмаган ҳолда кенгайтирилган аниқловчини ҳосил қилади: *Қўнқор булур қўзини пешонаси дунг булур, оға булур йигит-*

ни этак-енги кенг бўлур (16). Муҳим хайр ишига юборур кишини бу навъ булурму пешомади?! (20). Қулдин келмас ишига урунганнинг нажжорлик қилган маймунга ўхшарки... (26).

б) отлашган ҳолда тушум, жўналиш, ўрин-пайт келишиги курсаткичларидан бирини олиб, тулдирувчи, ҳол вазифасини утайди: *Сиз қарнай мисдин ва балғам фасдин булаурини билмас экансиз (13). Эчкини оти Мулла Абдукарим булурга ҳануз вақт бор эрди-ку (15). Курк товугдек сувга пишарга ўнроқ (54). Тўққуз афлокни муаллақ ва етти габрони мутаббақ яратурда...* (3).

-ғон/-ган формали сифатдош оборотлари асар текстида кенгайтирилган аниқловчи вазифасида актив қурилади: *Фаргона иқлиминда Қайқубод отлич подшоҳидин қолғон бир эски шаҳристон бор эрди (8). «Қул булсун, қулоғи ёғлиқ бўлсун» деган суз отасини суфрасидин нон ушатмаган бир очкузни сўзидир (42).*

Ички грамматик ҳолатига кўра, аниқловчи вазифасидаги сифатдош оборотлар икки хил қурилишга эга: а) мослашув таркибида келувчи сифатдош оборотлар (сиқик конструкция); б) битишув йули билан алоқага киришувчи сифатдош оборотлар (эркин конструкция).

Биринчи ҳолатда сифатдошдан англашилган ҳаракатнинг ба-жарувчиси (субъекти) қаратқич келишигида бўлиб, сифатдош обороти томонидан аниқланаётган сифатламини аниқлашда уш қаратқич учун қаралмиш ҳам саналади ва ўзига эгалик курсаткичи олиб келади. Қаратқич қисм билан қаралмиш орасида келувчи сифатдош обороти шу бирикма таркибига қўшилди, маъно ва формада у билан бир бутун юмуқ аниқловчилик группани юзага келтиради: *Қулангир Султоннинг илғари меҳмондин қолган оши бор эди (43). Бир яғочлик ерда Япалоққушини ота-бобосидин қолғон жойи бор эрди (9).*

Иккинчи ҳолатда эса аниқловчи вазифасидаги сифатдош обороти ўз аниқламини билан одатдагича битишув орқали муносабатга киришади. Шунга кўра, унинг бу муносабати сиқик эмас, эркин муносабат бўлади. Мисоллар: *Ўй ўйлаган қул тек турмас (12). Қунгураси хўкка теккан ўрдлар... (35). Бир ўзгани ўзига аҳли роз эткан қиз (92). Олмоғон нимарсани бозорга юборган кишига ўхшаб сани юбормаса бўлмасмуди?! (53). Сан айган бузук вайрона чордеворлар зулми кубидин пайдо булур (32).*

-ғон/-ган формали сифатдош оборотининг аниқловчи вазифасидаги мослашувчи бирикма таркибида келиши (сиқик конструкция) асарда кам учрайди. Кейингиси (эркин конструкция) эса ўзбек тили синтактик қурилиши тақомидида шибатаи янги ҳодиса бўлиб, асар тилидан кенг ўрин олган бу ҳодисанинг замини, шубҳасиз, умумхалқ оғзаки сузлашувни саналади. Персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, қилмишларини сажъ йули билан санаб кўрсатишда аниқловчи вазифасидаги эркин конструкцияли сифатдош обороти адиб учун, айниқса, қулай синтактик-стилистик восита бўлиб хизмат қилган. Масалан: *Сузи халқ орасида маъқул бўлган, оч юруб кекирган, бети бирла оғзини тукини терган, ялғон сўзга оғт ичган, қайси ерда отаси улган етим бечора бўлса, ани молини олиб кўпайтириб бермоққа кафил турган, ани молини ижарасини*

олиб, бирини мол эгасига, туққузини узини қўйнига урган, охири олт ичиб тан молини еб кетарга чоғлаган... одамишод орасинда мақбулу машҳур Мулла Собирбой деган тоғаси бор эрди (90).

Сифатланмиш қисм туширилган ҳолларда *-ғон/-ган* формали сифатдош обороти галиниг эгаси вазифасида ҳам келиши мумкин: *Узини айбини билган донодур* (57). *Эгасини сийлаган итига сунгак ташлар* (75). *Оғзи ошга текканда бурни қонаган ман бўлдум ўшар* (59).

-ғон/-ган формали сифатдош обороти субъект-объект тарзида ҳам эга вазифасида келади. Бунда субъект бош ёки қаратқич келишигида, объект эса эгалик формасида қўлланади: *Ман ҳам эшитгиним бор эрдиким...* (15). *Эрман яғочини эгилгани — сингани, эр йигитни уялгани — ўлгани* (12). *Қўлдин келмас ишга урунганинг нажжорлиқ қилгон маймунга ўшарки...* (26).

Тушум, жўналиш, чиқиш келишклариди тулдирувчи, урин-пайт келишигида ва пайт билдирувчи сўзлар билан қўлланганида эса ҳол вазифасида келади: *Едгорнинг пўстин тикканин кўрсангиз...* (61). *Ит қилғонини итарчи қилмас* (78). *Сўзни айтгил уққанга, жонни жонга суққанга* (73). *Курқуш келганидин Бойўғли огоҳ бўлуб...* (45). *Оларинга келганда олмон бирла чулфон бул* (79). *Кўрқушни кўрган ҳамон қақшаб айтди* (98). *Пунқарга қунгон чоғда ҳам товусни думидек турланиб мунаққаш куринур эрди* (9).

-адурғон/-адурган (*-атурғон/-атурган*) аффиксли ҳозирги-келаси замон сифатдоши ҳам асарда аниқловчи вазифасидаги сифатдош оборотини ҳосил қилган: *Андоғ бўлса қув бўлатурғон уғлуниги исми шарифлари нимадур?* (15).

Равишдош оборотлари. Равишдош оборотини ҳосил қилишда энг актив қўлланган форма *-б(-иб/-уб)* аффиксли равишдошдир. Бу форма билан юзага келган равишдош оборотлари асосий қисмдан англашилган ҳаракатдан аввал ёки у билан бир пайтда содир бўлган воқеа-ҳодисани англатиб, кенгайтирилган ҳол вазифасини бажаради: *Зоғ дарахтдин парвоз қилиб, эшикни тўғрисиға тушди* (23). *Анда Бойўғли ўрнидин туруб, боласини олдиға кирди* (47). *Кўрқуш бу навиди Фараҳафзодин кўнгли хуш булуб Япалоқби сарманзилиға равона бўлди* (52). *Анда қиз Уяйна исмини эшитиб, рухсораси гул-гул ёна берди* (107). *Маликшабоҳанг нома мазмунини англаб, замоне таваққуф қилиб айтдиким...* (53).

Асар тилда *-а/-й* формали равишдош билан ҳосил қилинган оборотлар учрамайди. Унинг бўлишсизлиги *-май(-майин)* формаси орқали шаклланган оборотлар қўлланган бўлиб, булар асосий қисмдан англашилувчи маънога нисбатан сабаб, шарт каби муносабатларни билдиради ва кенгайтирилган ҳол вазифасида келади: *Бу маънидин тарки талабни раво кўрмай, илғари қадам қўйдум* (8). *Боргоҳ дарвозасидин қўрқуб ичкари киролмай, ўлтуруб қолди* (36). *Ишни биткаролмай, маҳрум келдук* (99). *Нобийно Бийно сўзини қулоққа олмайин, хижолатдин илонға узини чақтурди, ҳалок бўлди* (18).

-ғали/-ғали формали равишдош обороти мақсад маъносини билдиради: *Эй биродар, сани дарёдин ўтқарғали ўғрадим* (68). *Манга насиҳат ўргатғали келдингму?!* (76).

-гунча/гунча (-гуча) формали равишдош оборотлари эса қиёслаш маъносидагина қўлланган: *Манинг бирла тик сўзлашгунча, бориб Бойўғли бирла сўзлашгил* (15). *Оз ошни бергунча, мундин зиёда ўт-авло* (43).

Ҳаракат номи оборотлари. Бошқарувчилик хусусияти сақланганлиги туфайли, ҳаракат номи формалари ҳам кенгайтирилган бўлак (оборотлар) ҳосил қилишда актив иштирок этади.

Сифатдош оборотининг бош вазифаси атрибутивликини кўрсатиш булса, ҳаракат номи оборотлари, характерига кура, от туркумига яқин бўлиб, гапнинг эгаси, кесими, тулдирувчиси функциясида келади.

Асар тилида -моқ/-мак (ва ундан қайта ясалган -моқлик/-мақлик) аффиксли ҳаракат номи бошқарувчи билан тузилган оборотлар кенг қўлланган бўлиб, улар бош келишида эга, тушум, жўналлиш келишикларида ва кумакчилар билан бирга қўлланганида эса гапнинг кенгайтирилган иккинчи даражали булаклари вазифасида келади: *Кулангир Султон от қуимоқ санинг ҳаодингму?!* (15). *Сан ким Бойўғлини эшигига киши юбормоқ ким!* (14). *Амонат сўзга амин булмоқ яхшилар шеваси турур* (34). *Эй дустум, сув узра жасадилиз хасдек юрмаги тоқай?!* (10). *Балоға собир, қазоға рози булмоқдин узга чорам йуқ* (19). *Меҳмонни икром қилмоғини сандин курдум* (38). *Кеч кузгачи ани ҳам солиб бермоқға ман кафил* (115).

-(и)ш/-(у)ш аффиксли ҳаракат номлари воситасиз тулдирувчи вазифасидаги оборот ҳосил қилишда иштирок этган: *Курқушни маҳр солушига ва Қуйканакни одушига барча туюрлар ҳайрон қолиб...* (14).

ҚУШМА ГАПЛАР

Боғловчисиз қўшма гаплар

Асарда учрайдиган боғловчисиз қўшма гаплар, таркибий қисмлари ва бу қисмларнинг узаро бирикиш усулларига кура, бир хил эмас. Бир типдаги содда гапларни санаш йўли билан ҳосил булган боғловчисиз қўшма гаплар ҳам бор, семантик томондан зич боғланиб, эргаш гапли қўшма гапларга синоним бўлиб келадиган боғловчисиз қўшма гаплар ҳам учрайди. Бу ўринда уларнинг қисмлари орасидаги узаро мазмун муносабатига кура бўлган баъзи типларидан намуналар келтириб ўтави.

Боғловчисиз қўшма гапнинг қисмлари:

а) кетма-кет юз берган воқеа-ҳодисани ифодалайди: *Биз кетармиз, Бойқуш келиб мунозарани элтур* (91);

б) қиёслаш, ухшатиш муносабатиини ифодалайди: *Эрман яғочини эгилгани — сингани, эр йигитни уялгани — улгани* (12). *Сан ким, Бойўғлини эшигига киши юбормоқ ким?!* (14).

в) Сабаб, ёки натижа муносабатиини билдиради: *Ишонмагил дўстунгга, самон тўқар пўстингга* (69). *Биз «мури» дедук, ул «токча» деди — ишни битқаролмай маҳрум келдук* (99);

г) шарт, тусиқсизлик маъноларида келади: сиз ширин жавоб беринг — англаб бориб жавоб қилоли (47). Қариндошинг келса келсун, бўз халтаси келмасун (89). Така булсун—сут берсун (113).

д) зидлик муносабатини ифодалайди: Ман сани Бойуғли деб эшитиб эрдим, эшитган кўргандек эмас экан (77). Ҳар қанча талош булса қилдук — фойда булмади (99).

в) изоҳлаш маъносида келади: Рост айтурсан, машварат бағоят яхшидур (50). Шул одам уч хислатдин ташқари эмасдур: аввал, бўйи узундур, ик(к)инчи, сақоли нофидин қуйидур, учунчи, бир бемаъни сузни саволиға жавоб сурғали келур, анинг саволидин эл нафрат қилур (94).

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги изоҳлаш маъносини англатувчи гаплардан биринчисининг мазмунига илова тарзида айтылган қўшимча фикрлар англашилиши ҳам мумкин: Эй Уяйна, ман санинг беқарорингдурман, исмин Райёдур (106). Ўз ақлинингни ишга буюр, киши ақли била иш қилса булмас (88).

Боғланган қўшма гаплар

Асар тилида *ва, ва яна, ё, ва ё, гоҳ... гоҳ, лекин (лек), валекин, аммо, ҳам, яна* сингари боғловчи ва боғловчилашган сўзлар орқали ташкил топган боғланган қўшма гаплар қайд қилинди. Ушбу боғловчиларнинг қўшма гап хосия қилишдаги функциялари юқоридида изоҳланган («Боғловчилар» бобига қаранг). Қуйида эса боғланган қўшма гап қисмларининг узаро маъно муносабатига кура булган кўринишларидан намуналар келтириб утамиз:

Боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар:

а) *ва, ва яна, гоҳ... гоҳ* орқали боғланиб узаро бир пайтда ёки кетма-кет содир булган иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг англатадилар: *Бу маънидин тарки талабни раво курмай, илгари қадам қуйдум ва бу турт юз зарбул масали авомуннос... ўз мавридинда батариб баён булур* (8). *Ул жавоҳир термоқда қолди ва бул жэн бермоқда қолди* (70). *Эшак уюни қирқ йилда ва яна ит уюни бор анда* (69). *Гоҳ ожизалардек энгишганда сочбоғи ер сипурган, гоҳ тоқясини учи шифтга теган* (54);

б) *ва* орқали боғланиб, қислаш муносабатини ифодалайди ёки сабаб-натija маъносини англатади: *Олтунни битган ерда қадри бор ва жангал уз жойинда кун курар* (74). *Аммасини маҳри минг чордевор ва мунинг ҳам маҳри минг чордевор* (112). *Анда бир тева лойға йиқилиб, ик(к)и ёниға агнаб думигача шумғуғон ва ҳар тора мўйи лойи мазкурдин нажоте тобқон йўқ эрди* (97).

в) *ё, ва ё* ёрдамида бириккан қўшма гаплар айирув муносабатини ифода этади: *Бу нечук тунки, ани тонги йўқ, ё муаззинларининг бонги йўқ* (102). *Сан дахи кулни ўз кумочингга тортма ва ё дурадгардек тешани уз тарафингга чопма* (34);

